

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕК ТИЛИ ПРАКТИКУМИ

1- қисм

[Фонетика. Лексикология. Фразеология.
Морфемика. Сўз ясалиши]

ТОШКЕНТ - 2005

АННОТАЦИЯ

«Ўзбек тили практикуми» ўқув қўлланмаси ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Қўлланма «Ўзбек тили практикуми» курсининг фонетика, лексикология, фразеология, морфемика, сўз ясаши бўлимларини ўз ичига олган бўлиб, шу йўналиш дастурига мос равишда ёзилган.

Ҳар бир бўлим таҳлилида назарий маълумотлар мумкин қадар кам ва ихчам бўлиб, амалий машгулотларга кенг урин берилган.

Қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2004 йил, 28 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Тақризчилар:

Жамолхонов Ҳасанбой

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети профессори, филология фанлари номзоди.

Муҳиддинова Ҳадича

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ўзбек тили кафедрасининг мудир, доцент

Масъул муҳаррир:

доц. Қаландар Сапаев

Муҳаррир: катта ўқитувчи

Муяссар Сапарниёзова

© Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

ФОНЕТИКА

Тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрғанадиган бўлими *фонетика* дейилади. Фонетика (грекча *phone* «товуш» демақдир) нутқ товушларининг пайдо бўлишини, уларнинг турларини, таснифини, нутқ жараёнидаги турли ўзгаришларни системавий равишда ўрғанади. Нутқий жараён билан бевосита боғлиқ бўлган бўгин, ургу, оҳанг каби ҳодисаларни, шунингдек адабий тилнинг талаффуз меъёрларини ўрганиш ҳам фонетиканинг вазифасига киради.

Фонетикада нутқ товушларининг асосий уч жиҳати ўрғанилади:

1. Акустик жиҳати.
2. Физиологик-артикуляцион жиҳати.
3. Нутқ товушларининг сўзни шакллантирувчилик ва маъно ажратувчилик жиҳати.

Фонетиканинг акустик жиҳати

Бунда нутқ товушлари тебранма ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган товуш тўлқинлари асосида ўрғанилади. Акустик жиҳатдан товуш бир жисмнинг бошқа жисмга урилиши, сиқилиши натижасида тебраниши ва ҳаво тўлқинининг юзага келиши ҳамда унинг қулоққа эшитилишидир. Акустик жиҳат нутқ товушларининг табиий товушлар билан ўхшаш томонлари ҳисобланади.

Эшитилиши, яъни, акустик томонига кўра товушнинг бир қанча белгилари фарқланади:

1. Товуш кучи.
2. Товуш баландлиги.
3. Товуш тембри.
4. Товуш чўзиқлиги.

Товуш кучи ёки интенсивлиги тебранишнинг шиддатига боғлиқ бўлади. Товуш тўлқинининг баландлиги ва кенглик кўлами, яъни амплитудаси асосида товуш кучи (интенсивлиги) белгиланади. Товуш кучи (интенсивлиги) децибел билан ўлчанади. Децибел миқдори ошиб борган сари товуш кучи ортиб боради. Товуш кучи 130 децибелдан ошиб кетса қулоққа кучли зарб билан урилади ва оғриқ беради.

Нутқда товушнинг кучи ургу билан боғлиқ бўлади. Чунки ургуни юзага келтиришда ўпқадан ҳаво кучли зарб билан келади. Шунга кўра ургу тушган товуш кучли, ургу тушмаган товуш эса кучсиз товуш ҳисобланади.

Товушнинг баландлиги деб товушнинг тебраниш миқдорига боғлиқ белгисига айтилади. Бир хил вақт бирлигида ун пайчаларининг тебраниш миқдори қанчалик кўп бўлса, товуш шунчалик балан бўлади, аксинча, тебраниш миқдори қанчалик оз бўлса товуш шунчалик паст бўлади. Товуш баландлигининг ўлчов бирлиги герц (Гц) деб аталади.

Физик акустикада энг балан товушлар ультратовуш, энг паст товушлар эса инфратовуш деб юритилади.

Товуш тембри деб товушнинг асосий тон ҳамда ёрдамчи тон – обертонларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган ўзига хос оҳангдорлиги ёки бўёқдорлигига айтилади. Нутқ товушларининг тембри, асосан, унли товушларга хос сифатий белгидир. Асосий тон товуш пайчаларининг тебранишидан юзага келса, обертонларнинг юзага келишида оғиз бушлиги, бурун бушлиги асосий резонаторлик вазифасини бажаради. Улар ёрдамида акс садоланиш, оҳангдорлик юзага келади. Унли товушлар бир-биридан тембрига кўра фарқланади.

Товуш чўзиқлиги деб товуш тебранишининг давомийлиги асосида юзага келадиган миқдорий белгига айтилади. Товуш чўзиқлиги иккига бўлинади:

1. Маъно ажратиш учун хизмат қиладиган чўзиқлик:

2. Маъно ажратиш учун хизмат қилмайдиган чўзиқлик:

Ўзбек тилида деярли маъно ажратиш учун хизмат қиладиган чўзиқлик йўқ. Бу бошқа туркий тилларда учрайди. Масалан, туркман тилида товушнинг чўзиқлиги маънони фарқлашга хизмат қилади: *а:т* (*ном, исм*) ва *ат* (*йилқи*), *а:ч* (*қорни оч*) ва *ач* (*эшикни оч*), *ба:р* (*менда бор*) ва *бар* (*ишга бор*) каби.

Маънони ажратиш учун хизмат қилмайдиган чўзиқлик ўзбек тилида учрайди. Масалан, *имон-иймон, имом-иймон Навоӣ-Навоӣй* каби. Бунда *и* товушини чўзиқ талаффуз қилиш натижасида *й* ундоши орттирилади.

Баъзан нутқда турли услубий мақсадларга кўра унлилар, шунингдек айрим ўринларда сонор товушлар чўзиб талаффуз қилинади. Масалан, 1. ... Назир ота, оёқнинг чигилини би-ир ёзмайсизми? (М. Муҳаммад дўст) 2. Бу узу-ун ҳам баланд иморатни узоқдан кўрганимдаёқ ич-этимдан хўрликми, нимадир босиб келаверади, келаверади. 3. *бо:рэй ишингни қил; жи:м, жим бул; ним:а, бормайсанми?* каби.

1– **МАШҚ.** Берилган сўзларнинг ургуларини белгилаб чиқинг. Шу асосда ўқинг ва товушларнинг балад-пастлиги, кучи, чўзиқлиги каби акустик белгиларини аниқланг ва изоҳланг.

Аввал, адабий, бадиий, адаш, азамат, бирон, бийрон, бирлик, биқин, боқий, бургу, буюк, вентилятор, ветеринария, зирак, зийрак, дини, диний, шеърй, шеърйй, пиёз, пиёда, тана, таъна, даво, даъво.

Фонетиканинг физиологик-артикуляцион жиҳати

Нутқ товушлари инсонга хос товушлар бўлиб, инсоннинг нутқий аъзоларида юзага келади. У ўзининг физиологик-артикуляцион асосларига эга.

Нутқ аъзолари бир қанча ашаратларга бирлашади:

1. **Нафас ашарати.** Бунга ўпка, бир жуфт бронхлар, трахея, диафрагма киради. Ўпка нутқ товушларининг талаффузида зарур бўлган ҳаво оқимининг манбаидир.

2. *Бугиз бушлиги.* Бунга ҳалқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон тоғайлар ва ун пайчалари киради. Бугиз ун (овоз) манбаидир.

3. *Оғиз бушлиги.* Бунга тил, танглай, кичик тил, лаб, тишлар киради. Оғиз бушлиги шовқин манбаидир.

4. *Бурун бушлиги* қўшимча тон манбаидир. Нутқ товушларининг юзага келишида резонаторлик вазифасини бажаради.

Нутқ товушларининг физиологик (талаффуз) жиҳати нутқ аъзоларининг фаолияти билан узвий боғланган бўлади. Нутқ товушларининг ҳосил бўлиши пайтидаги нутқ аъзоларининг ҳаракати ва ҳолати артикуляция дейилади. Шу жиҳатдан нутқ товушларининг юзага келишидаги 2 муҳим ҳодиса фарқланади: артикуляция урни ва артикуляция усули.

Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қатнашган нутқ органинининг ўпқадан келаётган ҳаво оқими келиб урилган, тўсиқ юзага келган қисми *артикуляция урни* саналади. Масалан, *б, п, м, в* (*қовун*) ундошлари ҳосил бўлишида икки лаб фаол қатнашганлиги учун артикуляция урнига кўра лаб-лаб ундошлари; *ф, в* (*завод*) ундошларининг ҳосил бўлишида эса тўсиқ патки лаб билан юқори тишлар орасида бўлганлиги учун шу товушлар лаб-тиш ундошлари деб юритилади.

Нутқ товушининг ҳосил бўлишида ўпқадан келаётган ҳавонинг қай даражада ўтиши *артикуляция усули* дейилади. Масалан, *б, п* ундошлари икки лаб орасидаги тўсиқдан зарб билан портлаб чиққанлиги учун портолвчи; *с, з* ундошлари лаб билан тиш орасидаги тўсиқдан сирғалиб чиққанлиги учун сирғалувчи ундошлар ҳисобланади.

Нутқ товушларининг сўзни шакллантирувчилик ва маъно ажратувчилик жиҳати.

Бунда нутқ товушлари тилдаги вазифасига кўра ўрганилади ва ижтимоий ҳодиса сифатида қийматга эга бўлади. Фонетиканинг бу асосий томони тилшуносликда *фонология* деб юритилади.

Товуш ва фонема. Бу икки ҳодиса тилшуносликда ўзаро фарқланади. *Товуш* деб нутқ аъзоларининг артикуляцияси билан ҳосил булувчи энг кичик нутқ бирлигига айтилади. *Фонема* деб сўз ва унинг маъноли қисмларини шакллантириш ва фарқлаш вазифасини бажарадиган энг кичик тил бирлигига айтилади. Фонема бир қанча товушларнинг бирлигидан юзага келади. Масалан, *балак, билан, зийрак, қишлоқ* сўзларининг биринчи бўғинидаги *и* эшитилишига кўра турлича бўлса ҳам битта фонема саналади. Бу сўзларнинг шаклланишида *и* фонема сифатида аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан қаралганда, бош сўзининг таркибда 3 та фонема мавжуд, яъни *б, о, ш* фонемалари. Улар шу сўзни моддий жиҳатдан шакллантирган; *беш* сўзини эса моддий жиҳатдан *б, э, ш* фонемалари шакллантирган. Моддий жиҳатдан фонемалар тизимининг ўзгариши янги маъноли сўзни юзага келтирган. Фонемалар тизими ўзгариб борган сари маъно ўзгариб боради. Маънони фарқлашда фонема асос бўлиб қолади.

Маънони ажратишда фонемаларнинг муайян тартиби ҳам муҳим саналади. Масалан, **к, э, ч** фонемаларининг **кеч, чек** каби тартиби 2 та бошқа-бошқа маъноларни билдиради; ечк, кче каби тартиби эса маъно билдирмайди, шунга кўра тилда қўлланмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида фонемалар 31 та. Улар акустик, физиологик-артикуляцион ҳамда тилдаги вазифасига кўра дастлаб 2 турга бўлинади:

1. Унли фонемалар.

2. Ундош фонемалар.

Унли ва ундош фонемалар ўзаро қуйидагича фарқланади;

1. Акустик жиҳатдан унлилар фақат овоздангина иборат бўлади, ундошлар эса шовқиндан ёки шовқин билан овознинг қўшилишидан иборат бўлади.

2. Физиологик-артикуляцион жиҳатдан унлиларни ҳосил қилишда упқадан келаётган ҳаво оқими нутқ органларида тўсиққа учрамай чиқади, ун (овоз) товуш пайчаларининг тебранишидан ҳосил бўлади. Ундошларни ҳосил қилишда эса ҳаво оқими огиз бўшлиғида турли тўсиққа учраб, шу тўсиқдан портлаб ёки сирғалиб чиқади. Ундошларни ҳосил қилишда ун пайчалари тебраниши ҳам тебранмаслиги ҳам мумкин.

3. Вазифасига кўра ҳам унли ва ундош фонемалар ўзаро фарқланади: 1. Унлилар бугин ҳосил қилувчи асосий товуш ҳисобланади. Ундошлар ўзича бугин ҳосил қила олмайди. Оғзаки нутқда бугин ҳосил қила олувчи баъзи сонорлар бундан мустасно.

2. Унлиларнинг ёлғиз ўзи сўз бўлиб кела олади: у олмош туркумига оид сўз; а? сўроқ юктамаси каби. Ундошлар эса бундай ҳусусиятга эга эмас.

3. Унлиларнинг огиз бўшлиғида тўсиққа учрамай чиқиши, уни истаганча чўзиқ талаффуз қилиш имконини беради. Натижада, у услубий мақсадлар учун кенг имкониятлар яратади. Бундай имконият ундошларда йўқ.

2- машқ. Матдан фойдаланиб товуш ва фонемаларнинг фарқини тушунтиринг. Уларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Навоий урнидан турди. Юрагида шодлик денгизи чайқаларди: - она тилининг галабаси унинг галабаси, унинг суйган халқининг, тарихининг галабаси эди. Шоир шамни учирди. хассани қўлга олиб, ётоқ уйга кирмоқ учун увушган оёқлари билан аста-аста юриб, ташқари чиқди. Салқин тоза ҳаво юзларига ёқимли урди. Чексизликда муаззам оҳанг билан оққан юлдузларнинг нафаси, богчадаги дарахларнинг шитирлаши, ярим кечада ип йигирган жафокаш кампир чархининг «гу-гуви», узоқда қарвон тевалари қўнгиригининг вазмин оҳанги – барчаси шоирнинг қўнглига бир хилда яқин, таниш, маънодор туюлар, барчасини у чуқур севар эди... (Ойбек,).

3- машқ. Матда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноларини изоҳланг ва маънони фарқлаш учун хизмат қилган фонемаларни аниқланг.

Тулки фалсафаси

-Устоз, - деди бир кун тулки тулкига,
Нечун биз нишонмиз доим кулкига?
Ўрмонда бури ҳам, ҳатто жаноб шер,
Бир-бирин туртишиб: Тулкисан-а, дер!
Бошқалар устидан кулмаслар нечун,
Бу ҳол қоронғудир биз ёшлар учун.
-Ука, - деди шунда тулкига тулки,
Бундай ҳодисанинг сабаби шулки,
Касбини эплаолмай қолса аксари,
Тулкилик қилади ҳайвонлар бари.
Кўпинча иложсиз қолган фурсатда
Тулкилик қилади шер ҳам, албатта!
Лекин бизнинг ишни эплаолмас улар,
Шу сабаб ўрмонда масжара бўлар.
Сен-чи, бундай ҳолдан асло укинма,
Бошқалар сингари четта бекинма.
Тулкисан, бундай чоғ тулкилик қилгин,
Тулки деб кулсалар, қўшилиб кулгин...
(А. Орипов)

4- машқ. Битта фонемасига кўра фарқ қиладиган сўзлар қаторини аниқданг ва қаторни ўзингиз ҳам давом эттиринг.

Кўз, пона, фин, тонг, тўра, толмоқ, ботмоқ, бер, байт, бўз, сотмоқ, хона, тин, бонг, солмоқ, сўра, сўз, кўра, тўлмоқ, жўра, шира, сора, сўна, тотмоқ, тўз, тер, қўра, дин, тўн, қир, сир, сиз, кун, пода, шона, қиз, хода, кул, чиз, бўй, тез, чуз, тур, шер, бормоқ, сочмоқ, қотмоқ, чин, донг, син, тонмоқ, сўри, хўра, қин, хола, гўра, қайт, шода, қара, кўр, тиз, тўр, тор, шар, қолмоқ, пайт.

Унли фонемалар таснифи

Ҳозирги ўзбек адабий тилида унли фонемалар 6 та. Улар қуйидагилар: и, э, а, о, у, ў. Ёзувда 10 та ҳарф билан ифодаланади: и, э, е, а, я, о, ё, у, ю, ў.

Унли фонемалар қуйидагича тасниф қилинади:

1. Тилнинг олдинга ва орқага томон ҳаракати, яъни тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра. Бунга кўра унлилар 2 га бўлинади:

1) тил олди унлилари: и, э, а;

2) тил орқа унлилари: у, ў, о.

Тил олди унлилари олд қатор унлилар деб ҳам юритилади. Уларни ҳосил қилишда тил тишларга тиралади. Тил орқа унлилари орқа қатор унлилар деб ҳам юритилади. Уларни ҳосил қилишда тил бир оз орқага тортилади.

2. Тилнинг юқорига, танглай томон кутарилиш даражаси, яъни тилнинг вертикал ҳаракатига кўра. Бунга кўра унлилар 3 га бўлинади:

- 1) юқори (тор) унлилар: *и, у;*
- 2) ўрта (ўрта кенг) унлилар: *э, у;*
- 3) қуйи (кенг) унлилар: *а, о.*

Юқори (тор) унлиларни ҳосил қилишда тил юқорига кутарилади, ҳаво йўли эса анча тораяди; ўрта (ўрта кенг) унлиларни ҳосил қилишда тил билан танглай оралиги ўртача бўлади; қуйи (кенг) унлиларни ҳосил қилишда эса тил билан танглай оралиги анча кенг бўлади.

3. лабларнинг иштирокига кўра. Бунга кўра унлилар 2га бўлинади:

- 1) лабланган унлилар: *у, у, о;*
- 2) лабланмаган унлилар: *и, э, а.*

Лабланган унлиларни айтилишида лаблар доира шаклига кириб, бир оз олдинга чўзилади. Лабланмаган унлиларнинг айтилишида лаблар олдинга чўзилмади.

Унли фонемалар таснифи жадвали

Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра	Тилнинг горизантал ҳаракати ва лабларнинг иштирокига кўра	
	Олд қатор лабланмаган	Орқа қатор лабланган
Юқори (тор) унлилар	и	у
Ўрта(ўрта кенг) унлилар	э	ў
Қуйи (кенг) унлилар	а	о

Унли фонемалар тавсифи

И унлиси – тил олди, лабланмаган, тор унли. Сўзнинг таркибида ўрнига қараб олд қатор ҳамда орқа қатор вариантларда кела олади.

И фонемаси асосан олд қатор унли бўлиб, ингичка талаффуз қилинади: *илм, иш, идиш, дил, тиш, китоб, бино* каби. Чуқур тил орқа *қ, г, ж* ундошлари билан келганда орқа қатор унли бўлиб йўгон талаффуз қилинади: *қишлоқ, қизил, қирғоқ, гишт, хизмат, хирмон* каби.

У унлиси – тил орқа, лабланган, тор унли. Тил олди ва саёз тил орқа ундошлари билан келганда олд қатор унли, чуқур тил орқа ундошлари билан келганда эса орқа қатор унли сифатида талаффуз қилинади: *дугона, думалоқ, тут, тушлик, кул, кун, тутун, қулоқ, қурол, хум, хурмо, губор, гужум* каби.

Э фонемаси – тил олди, лабланмаган, ўрта кенг унли. Сўз бошида ва очиқ бўгинларда келса, очиқроқ талаффуз қилинади: *эгат, экин, элак, эртақ, бепоён, мерос, метин, меъмор* каби. Бир бўгин таркибидаги икки ундош орасида келганда бир оз ёпиқроқ талаффуз қилинади: *мен, сен, зеҳн, келмоқ, севмоқ, сезги, тергов, термилмоқ*

каби. Рус тили орқали ўзлашган сўзларда кенг талаффуз қилинади: *поэма, аэропорт, генерал, экскурсия, этюд* каби.

У унлиси – тил орқа, лабланган, урта кенг унли. Асосан, сўзнинг биринчи бугинида келади: *буйин, бурон, гузал, гушт, дулана, жўхориюя, йўргак, кўмир, хўроз* каби. Урнига қараб қаттиқ ёки юмшоқ талаффуз қилинади: *г, к, й, ч* ундошларидан кейин келса олд қатор унли сифатида юмшоқ талаффуз қилинади: *гўдак, гўёки, кўмак, кўрик, йўлка, йўргак, чўзиқ, чўмич* каби; *чуқур* тил орқа *г, қ, х* ундошларидан олдин ёки кейин келганда орқа қатор унли сифатида қаттиқ талаффуз қилинади: *гўзаюя, гўра, қўзичоқ, қўқонгул, қўгирчоқ, хўра, хўрсинмоқ* каби.

Сўзнинг очиқ бугинида келганда у унлиси кенгроқ, ёпиқ бугинида келганда эса торроқ талаффуз қилинади. Қийёсланг: *кўза, руза, сўроқ, йўлак; кўклам, кўпчилик, сўргич, тўкмоқ, хўрлик* каби.

А унлиси – тил олди, лабланмаган, кенг унли. Чуқур тил орқа *г, қ, х* ундошлари билан келганда орқа қатор, йўгон унли сифатида: *гайрат, галтак, қадр, чақалоқ, вақт, бақувват, пахта, халқ, хаёл, хамир* каби; саёз тил орқа ундошлари билан келганда саёз тил орқа унли сифатида талаффуз қилинади: *кабоб, каклик, гавҳар, газета, дангал, зангламоқ, жарангламоқ* каби. Рус тили орқали ўзлашган сўзларда ҳам орқа қатор унли сифатида талаффуз қилинади: *академия, апельсин, археолог, папка* каби.

О унлиси – тил орқа, лабланган, кенг унли: *она, баҳор, бобо, бола, овоз, асбоб* каби; *к, г, й, қ* ундошлари билан келганда олд қатор унли сифатида ингичка талаффуз қилинади: *коптоқ, кон, гоҳида, гувоҳ, ёз (йоз), ёмгир (йомгир), ҳовли, ҳозир* каби; *чуқур* тил орқа *қ, г, х* ундошлари билан келганда эса орқа қатор унли сифатида йўгон талаффуз қилинади: *қоғоз, қоқилмоқ, гор, гойиб, хола, хомуш* каби.

5- машқ. Сўзлар таркибидаги унли фонемаларни унлиларнинг таснифи асосидаги қуйида берилган схемага жойланг.

Халққа айтинг: мен асло ўлганим йўқ,

Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ;

Мен элимнинг юрагида яшайман.

Эрк деганининг тилагида яшайман!

(Ҳ. Олимжон)

Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра			Лабларнинг иштирокига кўра	
Олд қатор	Орқа қатор	Юқори (тор)	Ўрта (ўрта кенг)	қуйи (кенг)	Лабланган	Лабланмаган

6- машқ. Нуқталар ўрнига унли фонемаларни қуйиб сўзлар ҳосил қилинг ва маъноларини изоҳланг.

Б...л, б...з, б...р, б...т, б...й, д...л, д...р, д...б, д...н, д...нг, ж...л, ж...р, ж...м, ж...з, з...л, з...ч, й...л, й...қ, т...л, т...р, т...з, ф...л, ф...н, х...л, х...н, ч...л, ч...п, ч...к, ч...й, л...й, м...й, п...й, с...й, т...й, ҳ...й, қ...р, қ...п, ғ...р, ҳ...р.

7- машқ. Қуйида берилган жуфтликлардаги *а* фонемасининг талаффузига эътибор беринг ва сўзларнинг маъноларини изоҳланг.

Алам-аълам, аён-аъён, даво-даъво, наша-нашъа, санат-саънат, сура-суръат, тана-таъна, тариф-таъриф, тақиб,-таъқиб, шер-шеър, сава-саъва, қала-қалъа.

8- машқ. Матндаги унли фонемаларни тавсифлаб беринг.

Намуна: а-тил олди, лаблабмаган, кенг унли.

Рост гапга ўргансанг, ёлгон тошимас,
Қийинга кўниксанг, осон тошимас.
Заҳматкаш ва ҳақгўй бўлсанг, сени
Ёмон дегани бир ёмон тошимас.
(Рамз Бобожон)

Ундош фонемалар таснифи

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундош фонемалар 25 та. Улар қуйидагилар: б, в, г, д, з, ж, дж, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, г, ҳ, нг. Ёзувда 23 та ҳарф билан ифодаланади. Иккита товушга махсус ҳарф берилмаган. Саёз тил орқа *ң* товуши *нг* ҳарфий бирикма билан, қоришиқ дж товуши эса сирғалувчи товушни берувчи ж ҳарфи билан ифодаланади.

Ундош фонемалар қуйидагича тасниф қилинади:

1. Артикуляция (ҳосил бўлиш) ўрнига кўра.
2. Артикуляция (ҳосил бўлиш) усулига кўра.
3. Ун пайчаларининг иштирокига кўра.
4. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра.

Артикуляция ўрнига кўра ундош фонемалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. *Лаб ундошлари:*

1) лаб-лаб ундошлари: *б, п, м, в^о*;

2) лаб-тиш ундошлари: *ф, в*

2. *Тил ундошлари:*

1) тил олди ундошлари: *д, т, з, с, ш, ж, дж, ч, н, л, р, ц.*

2) тил ўрта ундоши: *й*

- 3) тил орқа ундошлари: а) саёз тил орқа ундошлари: *г, к, нг*;
 б) чуқур тил орқа ундошлари: *қ, ғ, х*
 3. *Бугиз ундоши: х.*

Артикуляция усулига кўра ундош фонемалар қейидаги турларга бўлинади:

1. Портловчи ундошлар: *б, г, д, к, п, т.*
2. Қоришиқ портловчилар: *ч, дж, ц.*
3. Сиргалувчи ундошлар: *в, ж, з, й, л, с, ф, х, ш, г, ҳ.*
4. Портловчи-сиргалувчилар (бурун товушлари): *м, н, нг.*
5. Титроқ товуш: *р.*

Ун пайчаларининг иштирокига кўра ундошлар 2 хил: жарангли ундошлар ва жарангсиз ундошлар. Ўзбек тилида жарангли ундошларнинг кўпи жарангсиз жуфтларига эга.

Жарангли ундошлар	б	в	г	д	ж	дж	з	й	л	м	н	нг	р	ғ	-	-	-
Жарангсиз ундошлар	п	ф	к	т	ш	ч	с	-	-	-	-	-	-	х	ц	қ	-

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундош фонемалар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Сонорлар: *н, м, нг, л, р, й.*
2. Шовқинлилар: *б, в, г, д, ж, дж, з, к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.*

9- машқ. Шейрий парчада қатнашган ундош фонемаларни пайдо бўлиш ўрнига кўра тасниф қилиб схемада ифодаланг.

Меҳнат билан зар бўлди тупрогим менинг,
 Бўлмас хазон бу яшнаган богим менинг.
 Кетди дилдан эски қайғу доғим менинг,
 Паст бўлмагай бахтим, буюк тоғим менинг.

Озод элим, озод ватан, дориломон,
 Бўлди ажаб саодатли янги замон.
 Ўз эркида ишлайди ҳур халқим омон,
 Гайрат билан боғланди белбоғим менинг.
 (Ҳабибий)

Лаб ундошлари	Лаб-лаб	
	Лаб-тиш	
Тил ундошлари	Тил олди	
	Тил урта	
	Саёз тил орқа	
	Чуқур тил орқа	
Бугиз ундоши		

10- машқ. Шеърда қатнашган ундош фонемаларни пайдо бўлиш усулига кўра тасниф қилиб схемада ифодаланг.

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
 Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.
 Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
 Бустон этар уни бегумон.

Лекин Лайли бошига келган,
 Қора кунлар бизга ёт бутун;
 Бизга ётдир Ширин бахтини,
 Поймол этган у қоп-қора тун. (Ҳ. Олимжон)

Портловчи	
Қоришиқ портловчи	
Сирғалувчи	
Бурун товушлар	
Титроқ товуш	

11- машқ. Шеърда қатнашган ундош фонемаларни ун пайчаларининг иштирокига кўра тасниф қилиб схемада ифодаланг.

Кўкда юлдуз учса ногаҳон
 Битди дерлар қайси бир тақдир.
 Бундай гамни кўтармак осон,
 Бу эҳтимол бизлар ҳақдадир.

Баъзи тунлар кўкка тикиб кўз
 Эслаб дейман онамни шу он:
 Она кетса, юлдуз-ку, юлдуз,
 Қулаб тушса арзийди осмон. (А. Орипов)

Жарангли	
Жарангсиз	

12- машқ. Шеърда қатнашган ундош фонемаларни овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра тасниф қилиб схемада ифодаланг.

Чўққига интилсанг, тармашгил тоққа,
 Тошнинг тигларига бардош бер олдин.
 Кўккамас, оёгинг турган тупроққа
 Назар сол ва сўнгра ташлагил одим.
 Чўққи жуда балаңд, саноқли йўл бор:

Олис, машаққатли, тик, унқир-чўнқир.
 Ўзни синаб кўриб такрор ва такрор,
 Комил ишонч билан чўққи сари юр. (Рамз Бобожон)

Сонорлар	
Шовқинлилар	

13- машқ. Матнни ўқинг. Унли ва ундош фонемаларни фонетик таҳлил қилинг.

Чоршанба куни эрталаб Тургун икковимиз маслаҳатлашиб, мен онаси олдига кираман.

- Уртогим бозорга борсин мен билан, хола! Рухсат беринг, бозор-ўчар қиламиз. Тургун эпчил, бирпасда харидор топади, жиякларни дарров сотиб қайтамиз, - деб ялинаман.

- Доим мени алдаб-сулдаб бошлаб кетасан. Бугун болаларга қарасин, кирларим бор эди, сув ташисин, ўтин ёрсин, - дейди онаси тўнгиллаб.

- Ҳаш-паш дегунча етиб келамиз, - дейман Тургунга кўзимни қисиб.

Мен ойим тиккан жиякларни кўтариб Эски Жўвадаги бозор расталарида кезиб юрибман. Айёр ва шум Тургун ҳам ёнимда. (Ойбек)

14- машқ. Таркиби унли ва фақат жарангли ундошлардангина ҳосил бўлган сўзларни ажратиб ёзинг.

Майдон, дор, гул, арзон, ариза, армия, байрам, барометр, волида, водий, енгил, етмиш, жигарбанд, жирингламоқ, игвогар, йилқичилик, мактаб, сабаб, товуш, карнайгул, мажнунтол, маймунжон, гарбий.

Ундош товушлар классификацияси

Артикуляция ўринга кўра		Лаб ундошлари				Тил ундошлари								Бугиз ундош				
		Лаб-лаб		Лаб-теш		Тил олд		Тил ўрта		Сез тел орқа		Чуқур тел орқа						
Шовқинлилар	Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра	Ун пайчалари иштирокига кўра	Артикуляция усулига кўра	Портловчилар	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз	жарангли	жарангсиз
	Портловчилар			б	п			а	т			г	к		қ			
	Қориниқ портловчилар							ж	ч									
	Сирғалучилар			в ⁰	в	ф	з, ж	ш, с						ғ	х		ҳ	

Сонорлар	Портлағич- сирғалуучилар (Бурун товушлари)	М				Н			Н				
	Сирғалуучилар					Л		Й					
	Титроқ товуш					Р							

Сўз таркибидаги товуш ўзгаришлари

Сўз таркибидаги турли ўзгаришлар асосан товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида рўй беради. Шунингдек, товушлар сўзнинг бош қисмида ёки охирида, ургули бўғинида ёки ургусиз бўғинида келишига кўра ҳам турли ўзгаришларга учрайди. Бундай ўзгаришлар комбинатор ва позицион товуш ўзгаришлари дейилади. Товуш ўзгаришларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. **Ассимиляция** сўз таркибида ёнма-ён келган товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида ўзаро мослашувидир. Ассимиляциянинг 2 тури мавжуд: 1) **прогрессив ассимиляция**. Бунда сўз таркибидаги олдинги товуш кейинги товушни ўзига мослаб олади: *отдан > оттан, кетди > кетти, юрак + га > юракка, қишлоқ + га > қишлоққа* каби; 2) **регрессив ассимиляция**. Бунда сўз таркибида кейинги товуш олдинги товушни ўзига мослаб олади: *бирла > билла, тузсиз > туссиз, атлас > амлас* каби. Ассимиляциянинг яна тўлиқ ва тўлиқсиз турлари мавжуд. Тўлиқ ассимиляцияда товушлар бир-бирига айнан ўхшаш бўлиб қолади: *терагга > теракка, тузсин > туссин* каби. Тўлиқсиз ассимиляцияда товушлар бир-бирига қисман мослашади: *оқшом > охшом, шамба > шамба* каби.

2. **Диссимиляция** сўз таркибида келган ўхшаш ёки қисман ўхшаш товушларнинг ноўхшаш бўлиб қолишидир. Диссимиляциянинг ҳам 2 тури мавжуд: 1) **прогрессив диссимиляция**. Бунда иккита ўхшаш товушнинг кейингиси ноўхшаш бўлиб қолади: *бирорта > бирорта, зарар > зарал* каби; 2) **регрессив диссимиляция**. Бунда иккита ўхшаш товушнинг олдингиси ноўхшаш бўлиб қолади: *учта > ушта, мақтанмоқ > махтанмоқ* каби.

3. **Метатеза** сўз таркибида келган икки ундошнинг ўрин алмашувидир: *аҳвол > авҳол, тупроқ > турпоқ, ҳирингламоқ > ҳингирламоқ* каби.

4. **Товуш алмашиши**. Сўзга қўшимча қўшилиши билан унинг таркибида келган унли товушнинг ҳам ундош товушнинг ҳам алмашиши учрайди:

1) **унлиларнинг алмашиши**. *о-а*: сон-сана, онг-англа, от-атамоқ; *а-о*: тара-тароқ, сайла-сайлов, қайна-қайноқ; *и-у*: қури-қуруқ, совин-совуқ, ўқи-ўқув;

2) **ундошларнинг алмашиши**. *қ-г*: ўроқ-ўроғи, қишлоқ-қишлоғи, бўталоқ-бўталоғи; *к-г*: юрак-юрағи, элик-элигинчи, биллак-билагим; *г-*

к: барг-баркка, туг-туккан, эг-эккан; г-қ: бог-боққа, тог-тоққа, йиг-йиққан каби.

5. **Товуш тушиши.** Сўзга турли қўшимчалар қўшилиши натижасида унинг таркибидаги бирор унли ёки ундош товушнинг тушиб қолиши билан боғлиқ ўзгариш содир бўлади:

1) **унлиларнинг тушиши.** **в** тушади: *огиз-огзи, багир-багри; а* тушади: *заҳар-заҳри, шаҳар-шаҳри; у* тушади: *бурун-бурни;*

2) **ундошларнинг тушиши.** **в** тушади: *мен-менинг, сен-сенинг; р* тушади: *қарс-қурс – қасир-қусир; т* тушади: *наст-пасай, суст-сусай.*

6. **Товуш орттирилиши.** Бу ҳодиса асосан ўзлашма сўзларнинг талаффузида учрайди: *рус-ўрис, шкаф-ишкоф, стакан-истакон, трактор-тирактор, отпук-отпука, киоск-киоска каби.*

15- машқ. Қуйида берилган сўзларнинг шаклланишида қандай товуш ўзгаришлари содир бўлганлигини аниқланг.

Айрим, буйни, буйруги, кураги, ата, билаги, ўгли, саргаймоқ, қайноқ, ўрнатмоқ, чанқоқни, сусаймоқ, чанқоғи, уйна, сенинг, менинг, ямоқ, йиғлоқ, мақтов, этиги, сайлов, қишлоқ, учала, иккала, шаҳри, буюқ, йиққан, уқув, яша, яшна, улчов, пасаймоқ, боққа, теккан, сочиги. совуқ.

16- машқ. Қуйидаги сўзларнинг талаффузида қандай товуш ўзгаришлари содир бўлганлигини аниқланг. Сўзларнинг ёзилиши ва талаффузини қиёсланг.

Учта>ушта, уч сўм>уссўм, беш сўм>бессўм, юзсиз> юссиз, қучди> қушди, етди>етги, ишсиз>иссиз, ошни>ошши, ишни>ишши, юзни>юззи, қорни>қорри, ўтда>ўтга, паст>пас, гўшт>гўш, хурсанд>хурсан, Самарқанд>Самарқан, дара>дарт, баланд>балант, банд>бант, бўлса>буса, келса>кеса, бўлган>бўган, келган>кеган, қолган>қоган, мақтов>махтов, тақсимот>тахсимот, мақсад>махсад, шанба>шамба, шафтоли>шаптоли, мақбара>махбара, тақсир>тахсир, танбур>тамбур, сунбул>сумбул, тупроқ>турпоқ.

17- машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

1. Мана энди Комил катта йўлда. Инобатнинг саман йўргасини елдириб бораркан, Барнонинг қарашни юрагини бир ғамгин ҳисларга тўлдирар, бир хаёлида аламли уйлар қўзгарди. (О. Ёқубов), 2. – Қолдирадиганим сизгаям, болаларгаям етиб-ортади, хоним. (М. Мухаммад Дўст), 3. Эртадан қишлоқдаги қимирлаган жон борки далага чиқиши керак экан. Сиз билан менинг ўрнимгаям Кенжа чиқиб турмаса булмас... (Ҳ. Назир), 4. Йиги тамом бўлгандан кейин, бир-бирларини **англашиб** суриштира бошладилар. (Ғ.Фуллом), 5. – Ўзингизни танитсангиз эҳтимол бирон қариндошингиз чиқиб қолар эди. (А. Қаҳҳор). 6. Фозил **ташқи эшикка** ҳам қўлф солмай Ҳожия **холаникига** жўнади. (В. Ғофуров).

Бўгин ва унинг турлари

Нутқ жараёнида бир ҳаво зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар йиғиндиси бугин дейилади. Бўгин ҳосил бўлишида унли товушнинг аҳамияти катта. Сўзнинг таркибида нечта унли бўлса у шунча бугинга ажралади. Унли товушсиз бугин тузилмайди. Битта унли товуш ҳам бугин ҳосил қила олади. Масалан, *о-на, бо-ла-лар-нинг, ки-то-би-миз* каби. Бўгиннинг қўйидаги турлари мавжуд:

1) *Очиқ бугин*. Унли товуш билан тутаган бугинга очиқ бугин дейилади: *та-ла-ба, о-та* – барча бугинлари очиқ бугин; *ки-тоб, мак-таб-га* – биринчи ва охириги бугин очиқ бугин.

2) *Ёпиқ бугин*. Ундош товуш билан тутаган бугинга ёпиқ бугин дейилади: *меҳ-нат-каш-ла-ри-миз* – биринчи, иккинчи, учинчи ва олтинчи бугинлар ёпиқ бугин.

3) *Беркитилган бугин*. Ундош товуш билан бошланган бугинга беркитилган бугин дейилади: *ба-ҳор-ги, муъ-жиз-за*;

4) *Беркитилмаган бугин*. Унли товуш билан бошланган бугинга беркитилмаган бугин дейилади: *ол-хў-ри, уч-ра-шув, уй-ма-кор-лик* сўзларидаги биринчи бугинлар.

Бугиннинг аҳамияти.

1) Болаларни ўқишга ўргатиш бугин асосида амалга оширилади.

2) Ёзувда бир сатрга сигмай қолган сўзнинг қисми иккинчи сатрга бугин асосида кўчирилади.

3) Шеърятда бугинга амал қилинади. Шеърый мисраларнинг бугинлар сони тенг бўлади.

18- машқ. Матнини ўқинг. Сўзларни бугинларга ажратинг ва турларини айтинг.

Навоийнинг бутун оила, қариндош-уруғлари Бойқаро тарафида бўлганлиги маълум. Навоий Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиёт ривожини таъминламоқ, осойишта ҳаёт барпо этмоқ учун адолатли ва кучли ҳукмрон бўлиши керак деб ҳисобларди. У Ҳусайн Бойқарони ана шундай ҳукмрон бўлади, деб ишонар эди. Ҳусайннинг шоирлик истеъдоди, улар ўртасидаги болалик йилларидан бошланган дустлик бу ишонччи янада мустақамлар эди. Шунинг учун Навоий ўз сиёсий фаолиятининг бошиданоқ, Ҳусайн Бойқаро тарафида бўлди ва бу мавқеда ҳаётининг охириги дақиқасигача қолди.

(Азиз Қаюмов).

19- машқ. Бўгинларнинг товуш таркибига эътибор беринг.

Тошшириқ: 1) Бир бугинли сўзларга мисоллар тупланг.

2) Бир унли ва икки ундошдан иборат бугинли сўзларга мисоллар тупланг.

3) Бир унли ва уч ундошдан иборат бўгинли сўзларга мисоллар тупланг.

4) Бир унли ва тўрт ундошдан иборат бўгинли сўзларга мисоллар тупланг.

20- машқ. Ёпиқ бўгинларидан бири унли ва фақат жарангли ундошлардан ташкил топган сўзларни алоҳида ажратиб ёзинг.

Баландпарвоз, меҳнат, ботир, мактаб, темир, галла, тошлоқ, китоб, пулат, балки, пахта, алаким, англамоқ, алангламоқ, дилхирож, ёнбағир, замонавий, картошкагул, олқиш, пайванд, шижоаткорона, ўзбилармон, қалампирмўнчоқ.

Ургу

Сўз таркибидаги бирор бўгиннинг ёки гап таркибидаги бирор сўзнинг бошқаларига нисбатан кучли, зарб билан талаффуз қилинишига ургу дейилади. Тушиш урнига кура ургу 2 турга бўлинади: 1) сўз ургуси; 2) мантиқий ургу.

Сўз ургуси.

Сўз бўгинларидан бирига тушиб, унинг талаффузини ва маъносини шакллантирадиган ургу сўз ургуси дейилади. Ўзбек тилида ургу кўпинча сўзнинг охириги бўгинидаги унли товушга тушади: *бола, мактаб, чиройли, катта, талаба* каби. Сўз қўшимчалар ҳисобига кенгайиб борган сари ургу ҳам охириги бўгинга куча боради: *бола-болалар, болаларнинг* каби.

Қуйидаги ҳолатларда ургу сўзнинг охириги бўгинига тушмайди:

1. *Ҳамма, барча, қанча, қандай, алаким, аланима, алақачон, кимдир, қачондир, ҳар ким, ҳар қачон, ҳар қайси, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси* каби олмошларда.

2. *Дўим, асло, ҳамиша, ҳозир, астойдил, зурга, анча, янги* каби равишларда.

3. *Албатта, дараҳқиқат, афсўски, зёро* каби модал сўзларда.

4. *Аммо, лекин, балки, ҳатто, гарчи, токи* каби ёрдамчи сўзларда.

5. *Машина, трактор, лекция, радио* каби рус тили орқали ўзлашган сўзларда.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир қанча қўшимчалар ҳам ургу олмайди. Улар қуйидагилар:

1) *-ман, -сан, -миз, -сиз* биринчи группа тусловчи қўшимчалари: *ишлайман, ишлайсан, ёзарман, ёзарсан, талабамиз, талабасиз* каби;

2) *-та, -тача* доналик ва чама сон ясовчи қўшимчалари: *унта, унтача, бешта, бештача* каби;

3) *-ча, -дек, -дай* равиш ясовчи қўшимчалари: *ийгитча, мардча, мардларча, қаҳрамонларча, ойдек, уқдек, гулдай, сўздай* каби;

4) *-ма* феълнинг бўлишсиз шаклини ясовчи қўшимчаси: *борма, кетма, югурма, гапирма* каби;

5) *-у(ю), -жу, -ми, -чи, -оқ (-ёқ), -да, -гина, -кина, қина* каби аффикс юкламалари: *мён-да, келди-да, келди-ю, шаҳарда-жу, айт-чи? мён-ми?* каби.

Сўз ургусининг аҳамияти:

- 1) нутқда сўзларнинг талаффуз меъёрини белгилаб беради;
- 2) шаклан тенг келиб қолган сўзларни талаффузига кўра бир-биридан фарқлашга ёрдам беради: янги (сифат) – янги (равиш) каби;
- 3) тенг келиб қолган сўз шаклларини бир-биридан фарқлашга ёрдам беради: талабамиз (-миз шахс-сон қўшимчаси) – Биз талабамиз каби. Талабамиз (-миз эгалик қўшимчаси) – Бизнинг талабамиз каби.

Мантиқий ургу. Гап таркибидаги бирор бўлакни бошқаларига кўра кучлироқ, зарб билан айтиш орқали ажратиб кўрсатишга мантиқий (логик) ургу дейилади. Мантиқий ургу гапнинг мазмунини белгилаб беради. Масалан: 1) *Биз бутун музейга борамиз.* (Бизнинг боришимиз ҳақида гап кетяпти).

2) *Биз бутун музейга борамиз.* (Бошқа куни эмас, бутун боришимиз ҳақида гап кетяпти).

3) *Биз бутун музейга борамиз.* (Бошқа жойга эмас, музейга боришимиз ҳақида гап кетяпти).

4) *Биз бутун музейга борамиз.* (Албатта боришимиз ҳақида гап кетяпти).

Мантиқий ургу интонация ҳодисаси билан узвий боғлиқдир.

Интонация

Товуш ва бўгин нутқнинг моддий томонини ташкил этса, интонация ва ургу нутқнинг мазмун томонига дахлдордир. Товуш ва бўгин нутқнинг доимий бирликлари саналади. Шунга кўра улар сегмент бирликлар ҳисобланади.

Нутқнинг синтактик маъноларни ва таъсирчанликни ифодалаш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик томони; овознинг баланд пастлиги; оҳанг интонация деб юритилади. Интонация нутқ қисмларининг талаффуз меъёрларини белгилаб берувчи восита сифатида хизмат қилади.

Интонация нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ интенсивлиги, нутқ темпи, нутқ тембри, мантиқий ургу, фраза ургуси каби бирликлардан таркиб тошгандир. Бу бирликларни нутқдан ажратилган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Улар нутққа яхлит ҳолатда алоқадор, боғлиқ бўлган ҳодисалардир. Нутқнинг ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб туради. Шунга кўра улар суперсегмент бирликлар ҳисобланади. Интонация гапнинг ифода мақсадига ва таъсирчанлигига кўра турларини фарқлашга ёрдам беради. Шунга кўра гапнинг барча турлари: дарак гап, сўроқ гап, ундов гап, буйруқ гап, ундалмали гап, вокатив гап, уюшиқ бўлакли гапларнинг ҳар бири ўзига хос оҳанг, интонация билан талаффуз қилинади. Шу асосда интонациянинг кўринишлари, турлари юзага келади.

21- машқ. А. Ориповнинг «Муножат»ни тинглаб... шеърини ўқинг. Интонация орқали шоирнинг ички кечинмаларини ифодаланг. Сўзларнинг ургусини аниқлаб, белгилаб чиқинг.

Қани, айт мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг,
Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам.
Эшилиб, тўлганиб ингранади куй,
Қайлардан тугилмиш бу оҳу фарёд.
Ким у йиглаётган? Навоиймикин
Ва ё май куйчиси Ҳайёммикин, дод!
Етар, эй чолгувчи, бас қил созингни,
Бас, етар, кўксимга урмагил ханжар.
Наҳотки дунёда шунча ғам бордир!
Агар шу муножат рост бўлса агар,
Агар адамаса шу совуқ симлар,
Ғар шу эшитганим бўлмаса рўё,
Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!..
Эшилиб, тўлганиб ингранади куй,
Асрлар гамини сўйлар муножат.
Куйи шундай бўлса, ғамнинг узига
қандай чидай олган экан одамзод!
(А. Орипов).

22- машқ. Берилган сўзларни ургусига кўра 3 гуруҳга ажратиб ёзинг:

- 1) Ургуси биринчи бўғинга тушган сўзларни.
- 2) Ургуси иккинчи бўғинга тушган сўзларни.
- 3) Ургуси учинчи бўғинга тушган сўзларни

Радио, кофе, трактор, албатта, афсуски, самимий, адолат, дабдаба, муқаддас, фонетика, келажак, тушунча, аммо, лекин, ҳатто, гарчи, ҳамма, барча, жами, кимдир, мен-да, ишда-ку, сен-ми?, биз-чи?, зеро, доим, асло, ҳаммаша, аксинча, актёр, акустика, аллома, бусага, вафодор, изчил, кафедра, кафолат, синтагма, синтез.

23- машқ. Келтирилган сўзларнинг талаффузига этибор беринг. Ургунинг ўзгариши билан маънода фарқланадиган сўзларни ажратиб ёзинг ва шулар асосида гаплар тузинг.

Тортма, академик, ўқувчимиз, ток, этик, кўзлар, чанги, торт, ишчи, болада, қўлла, аҳил, хийла, армия, белча, бешала, боғлар, ишлар, қишлоқча, ботир, бурун, уйлар, ечиқ, бутоқ, гада, қизча, сўзлар.

болагина, қизгина, техник, олма, боласиз, гулсиз, атлас, кесма, тугма, математик.

Ёзув ҳақида маълумот

Ёзув кўз билан кўриб ўқиладиган ва кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган оптик-график белгилар тизимидир. Нутқнинг ёзма шакли ёзув орқали ифодаланади. Ёзувнинг имкониятлари жуда кенг. Ёзув графика, орфография, пунктуация каби компонентлардан таркиб топгандир. Графика ёзувнинг етакчи компоненти саналади.

Ёзув ҳарфлар, тиниш белгилари, рақамлар каби оптик-график белгилар ёрдамида иш кўради. Ҳарфлар ёрдамида нутқнинг товуш томони акс этади. Оптик-график белги сифатида тиниш белгилари нутқнинг товуш томонини ифодаламайди, балки нутқнинг ритмик-интонацион томонини, оҳанг билан боғлиқ томонини ифодалайди. Рақамлар эса бевосита тушунчанинг номи бўлган сўзларнинг ёзувдаги оптик-график белгисидир.

Фонема ва ҳарф

Ҳарф ёзма нутқда фонемани ифодалайдиган энг кичик оптик-график белгидир. Ҳарфлар ҳар бир тилнинг фонемалар тизимини акс эттириш учун белгилаб (кодлаштириб) қўйилади.

Ҳарфларнинг муайян тартибда жойлашуви алифбо дейилади.

Амалда қўлланиб келинаётган ўзбек алифбоси 1940 йилда рус графикаси асосида қабул қилинган бўлиб, унда 35 та график белги бор. Шундан 33 таси ҳарф, иккитаси (ъ, ь) белги саналади. Ҳар бир ҳарфнинг катта ва кичик ҳамда босма ва ёзма шакллари мавжуд.

Ўзбек алфавитидаги ҳарф ва белгилар ҳамда ўларнинг номлари куйдагича:

Ҳарфлар	Уларнинг номлари	Ҳарфлар	Уларнинг номлари
А а	А	С с	эс
Б б	бе	Т т	те
В в	ве	У у	у
Г г	ге	Ф ф	эф
Д д	де	Х х	ха
Е е	е	Ц ц	це
Ё ё	ё	Ч ч	че
Ж ж	же	Ш ш	ша
З з	зе	Ъ	Айриш
И и	и	Ь	белгиси
Й й	из		Юшатиш
К к	ка		белгиси.
Л л	эл	Э э	э
М м	эм	Ю ю	ю
Н н	эн	Я я	я
О о	о	У у	у
П п	пе	Қ қ	қе
Р р	эр	Ғ ғ	ге
		Ҳ ҳ	ҳе

Амалдаги алифбонинг ўзбек тилининг фонемалар тизими билан мутаносиблиги қейдагича: ҳозирги ўзбек адабий тилидаги жами 31 та фонема алифбода 33 та ҳарф орқали ифодаланади. Шундан 6 та унли фонема ёзувда 10 та ҳарф: *а, о, и, э, у, ў, е, ё, ю, я* ёрдамида; 25 та ундош фонема 23 та ҳарф: *б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, ... п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, э, ҳ* ёрдамида ифодаланади.

Амалдаги ўзбек ёзувининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

1. Алифбомизда ўзича товушни ифодаламайдиган график белгилар мавжуд. Буларга *ъ, ь* белгилари киради.

2. Алифбонинг асосий қисмини бир фонема ифодалайдиган ҳарфлар ташкил этади: *а, б, в, г, д, з, и, й, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ч, ш, э, ў, қ, ғ, ҳ*.

3. Бир вақтнинг ўзида иккита фонемани ифодалай оладиган ҳарфлар: *е, ё, ю, я*.

4. Иккита фонемани билдирадиган ҳарф: *ж* а) *Жура жанг, жиддий, жавоб* каби сўзларда тил олди қоришиқ *дж* фонемасини; б) *ғижда, аждар, журнал, жаргон* каби сўзларда тил олди сиргалувчи *ж* фонемасини.

5. Амалдаги алифбода ҳарфий бирикма (*н* ва *л*) *нг* ёрдамида ифодаланадиган тил олди бурун товушига махсус ҳарф берилмаган: *тонг, тенг, ўқинг, ўзинг* каби.

24- машқ. Берилган матнни ўқинг ва сўзлардаги ҳарфлар қандай товушларни ифодалашини тушунтиринг.

Желабухи қишлоғи учун бўлган жангда душман беш марта қарши атака қилиб, ниҳоят хийлагина катта бир гуруҳи қуршовда қоладиган бўлди. Ёш офицер Собконинг плумётчилари душманни ўрмон томонига кеттали қўймаслиги керак эди. Беш марта қарши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин қутурган, энди қуршовда қолиб жон талвасасига тушган душман ўрмонга кириб кетиш учун қандай уринишини, бунинг натижасида қандай даҳшатлар рўй бериши мумкин эканлигини Собко яхши билар, тасаввур қилар эди. Олтита «Юнкерс» шу даҳшат бошлангандан хабар бериб, тепаликка беҳисоб майда бомба ёғдириб утди. Немисларнинг мулжалига кўра, бу тепаликда бомба тушмаган бирон қарич ҳам ер қолмаслиги керак эди. Ҳақиқатан ҳам жангчилардан бир неча киши نبود, анча киши ярадор бўлди. Бу жанг қанча вақт давом этганлиги Аҳмаджоннинг эсида йўқ, фақат шуни биладикки, немислар бу тепаликни ҳаддан ташқари қаттиқ ўққа тутди. Ўнг томондаги пулемёт тўсатдан жим бўлиб қолди. (А.Қаққор)

Ўзбек ёзуви тарихи

Тарихий обидалар ва ёдгорликларга кўра ўзбек халқи тарихда ўрхун-энасой, сўғд, хоразм, уйғур каби ёзув турларидан фойдаланганлиги маълум. Жумладан, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарлари уйғур ёзувида битилган.

Урта Осиёда VIII – IX асрларга келиб араб ёзуви тарқала бошлаган. XI асрда яратилган энг қадимги ёдгорликлар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит – турк» асари ҳам араб ёзувида ёзилган. Қарийб 1200 йил қўлланиб келинган араб ёзувида ўзбек халқининг Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Улугбек, Форобий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат, Чулпон, Фитрат каби минглаб алломалари ўз асарларини яратганлар.

Араб ёзуви 1929 йилгача қўлланиб келинган. 1929 – 1940 йиллар ичида лотин ёзуви асосидаги ўзбек ёзувига утилган. 1940 йилдан бошлаб эса рус графикаси асосидаги ўзбек ёзуви жорий этилган. Ҳозирда шу ёзудан фойдаланиб келинмоқда.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилди: *a, b, c, d, e, f, g, h, i, j, k, l, m, n, o, p, q, r, s, t, u, v, x, y, z, ʻ, ʼ, ˆ, ˘, ˙, ˚, ˛, ˜, ˇ, ˘, ˙, ˚, ˛, ˜, ˇ, ˘, ˙, ˚, ˛, ˜, ˇ* тутуқ белгиси (апостроф).

1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун ўзгартиришлар киритди. Унда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрида қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 331 модда) қуйидаги узгартиришлар киритилсин:

1. 1-моддадаги «31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан» сузлари «26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан» сузлари билан алмаштирилсин.

2. С, с, ʃ, ʒ ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилсин.

3. Ō ō ҳарфи О' о' шаклида, Ġ ġ ҳарфи G' g' шаклида, Ş ş ҳарфи Sh sh шаклида, Ç ç ҳарфи Ch ch шаклида, Ñ ñ ҳарфи Ng ng шаклида, q ҳарф белгиси q шаклида ифодалансин.

4. Aa, Ii, Gg, G'g' Qq, O'o', Zz ҳарфлари ва Ch ch ҳарфлар: бирикмасининг ёзма шакли тегишлича *Aa, Ii, Gg, G'g', Qq, Ōō, Zz, Chch* тарзда ифодалансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти:

И. Каримов

Тошкент шаҳри 1995 йил 6 май.

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

ЛОТИН ҲАРФЛАРИ			КИ-РИЛЛ ҲАРФЛАРИ	ЛОТИН ҲАРФЛАРИ			КИ-РИЛЛ ҲАРФЛАРИ
БОСМА	ЁЗМА	НОМИ		БОСМА	ЁЗМА	НОМИ	
A a	<i>Aa</i>	a	А а	Q q	<i>Qq</i>	qe	Қ қ
B b	<i>Bb</i>	be	Б б	R r	<i>Rr</i>	er	Р р
D d	<i>Dd</i>	de	Д д	S s	<i>Ss</i>	es	С с
E e	<i>Ee</i>	e	Э э	T t	<i>Tt</i>	te	Т т
F f	<i>Ff</i>	ef	Ф ф	U u	<i>Uu</i>	u	У у
G g	<i>Gg</i>	ge	Г г	V v	<i>Vv</i>	ve	В в
H h	<i>Hh</i>	he	Ҳ ҳ	X x	<i>Xx</i>	xe	Х х
I i	<i>Ii</i>	i	И и	Y y	<i>Yy</i>	ye	Й й
J j	<i>Jj</i>	je	Ж ж	Z z	<i>Zz</i>	ze	З з
K k	<i>Kk</i>	ke	К к	O'o'	<i>Ōō'</i>	o'	У у
L l	<i>Ll</i>	el	Л л	G' g'	<i>Ġġ'</i>	g'	Ғ ғ
M m	<i>Mm</i>	em	М м	Sh sh	<i>Şş</i>	she	Ш ш
N n	<i>Nn</i>	en	Н н	Ch ch	<i>Çç</i>	che	Ч ч
O o	<i>Oo</i>	o	О о	Ng ng	<i>Ññ</i>	nge	Ң ң
P p	<i>Pp</i>	pe	П п				

25- машқ. Матнларни дафтарингизга кўчириб ёзинг. Ҳарфларнинг қандай товушларни ифодалашига ва ёзилишига эътибор беринг.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
DAVLAT MADHIYASI

Mutal (Mutavakkil) Burhonov musiqasi,
Abdulla Oripov so'zi

Serquyosh, hur o'lkam, elga baxt, najot,
Sen o'zing do'stlarga yo'ldosh, mehribon!
Yashnagay to abad ilm-u fan, ijod,
Shuhrating porlasin toki bor jahon!

Naqorat:

Oltin bu vodiylar – jon O'zbekiston,
Ajdodlar mardona ruhi senga yor!
Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon,
Olamni mahliyo aylagan diyor!

Bag'ri keng o'zbekning o'chmas iymoni,
Erkin, yosh avlodlar senga zo'r qanot!
Istiqlol mash'ali, tinchlik posboni,
Haqsevar, ona yurt, mangu bo'l obod!

Naqorat:

Oltin bu vodiylar – jon O'zbekiston,
Ajdodlar mardona ruhi senga yor!
Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon,
Olamni mahliyo aylagan diyor!

ISTIQLOL

Na molim bor, na joyim bor,
O'zim kimman unutgandim!
Tilim gung-u dilim gung-u,
Alamni ichga yutgandim.

Tutab milt etmadi yillar,
Xazondek yurtda istiqbol.
Nechun erkin nafas olmoq,
Agar yo'q bo'lsa Istiqlol?

Dilim bandi, tilim bandi,
Umr bandilikda o'tkazdim.
Tilim, hayqir, dilim, hayqir:
Xudoyim erkka yetkazdi!

Ovozing boricha hayqirgil,
Tirilganingni bilsinlar!
Bugun mag'rib-u mashriqda
Temur zotin eshitsinlar!

Bugun yurtimda Istiqlol!
Abad yurtimda Istiqlol!

(Shukrullo)

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида фонемаларнинг ифодаланиши

Унли фонемаларнинг ифодаланиши. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унли фонемалар 6 та, уларга алифбода 6 та ҳарф берилган. Улар қуйидагилар: *li, Uu, Ee, O'o', Aa, Oo.*

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига бир вақтнинг ўзида иккитадан фонемани ифодалай оладиган амалдаги *e, ё, ю, я* ҳарфларининг ўрнини босадиган янги ҳарфлар киритилмаган. Эндиликда уларнинг таркибидаги ҳар бир фонема алоҳида-алоҳида ҳарфлар ёрдамида қуйидагича ифодаланади:

Кириллча	Лотинча	
e	-	ye - yer, yelkam, yetakchi каби.
ё	-	yo - yordam, yorqin, yosh каби.
ю	-	yu - yulduz, yumshamoq, yulmoq каби.
я	-	ya - yaxmalak, yaxshi, yashin каби.

Ундош фонемаларнинг ифодаланиши. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундош фонемалар 25 та. Уларга алифбода 20 та ҳарф ва 3 та ҳарфий бирикма, жами 23 та графема берилган. Янги алифбода 2 та ҳарф, яъни *s* ва *j* ҳарфларининг ҳар бири биттадан эмас, иккитадан фонемани ифодалайди. Яъни: *s* ҳарфи: 1) *sovuq, sovg'a, soya* каби сўзлардаги тил олди сирғалувчи *s* фонемасини; 2) *sirk, sement, silindr* каби рус тилидан ўзлашган сўзлардаги тил олди қоришиқ *ц* фонемасини.

J ҳарфи: 1) *jamg'arma, janub, javob* каби сўзлардаги тил олди, қоришиқ *дж* фонемасини; 2) *ajdar, gijda, jurnal* каби сўзлардаги тил олди сирғалувчи *ж* фонемасини.

Янги алифбонинг узига хос яна бир хусусияти шуки, алифбо сирасига 3 та ҳарфий бирикма махсус графема сифатида киритилган. Демак, янги алифбо фақат ҳарфлардангина эмас, балки ҳарфий бирикмалардан ҳам таркиб топган.

Булар: 1) тил олди сирғалувчи *ш* фонемасини ифодаловчи *sh* ҳарфий бирикмаси: *Alisher, shahar, shoh* каби;

2) тил олди қоришиқ *ч* фонемасини ифодаловчи *ch* ҳарфий бирикмаси: *barcha, chashma, chek* каби;

3) саёз тил орқа, сонор *лг* фонемасини ифодаловчи *лг* ҳарфий бирикмаси: *jangovor, ko'ngil, singil* каби.

Рус тилидан ўзлашган баъзи сўзлар таркибида келувчи тил одди, қоришиқ *ц* фонемаси *ts* ҳарфий бирикмаси билан ҳам берилади: *konstitutsiya, litsey, millitsiya* каби. Лекин у янги алифбо сирасида махсус графема сифатида берилмаган.

26- машқ. Матнни ўқинг. Унли ва ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг ёзилишига эътибор беринг.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT BAYROG'I

O'zbekiston Respublikasining Davlat Bayrog'i O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining navbatdan tashqari o'tkazilgan VII sessiyasida 1991-yil 18 noyabr kuni tasdiqlangan. Davlat bayrog'i va uning ramzi bugungi O'zbekiston sarhadida qadimda mavjud bo'lgan davlatlar bilan tarixan bog'liqligini anglatadi hamda respublikaning milliy- madaniy an'analarini o'zida mujassamlashtiradi.

1. Bayroqdagi moviy rang- tiriklik mazmuni aks etgan mangu osmon va obihayot ramzidir. Timsollar tilida bu yaxshilikni, donishmandlikni, halollikni, shon- shuhrat va sadoqatni bildiradi. Binobarin, Amir Temur davlati bayrog'ining rangi ham moviy rangda edi.

2. Bayroqdagi oq rang- muqaddas tinchlik ramzi bo'lib, u kun charog'onligi va koinot yoritqichlari bilan uyg'unlashib ketadi. Oq rang poklik, beg'uborlik, soflik va hayollar tozaligi, ichki go'zallikka intilishning timsolidir.

3. Yashil rang- tabiatning yangilanish ramzi. U ko'pgina xalqlarda navqironlik, umid va shodumonlik timsoli hisoblanadi.

4. Qizil chiziqlar- vujudimizda jo'shib oqayotgan hayotiy qudrat irmoqlaridir.]

5.Navqiron yarim oy tasviri bizning tarixiy an'analarimiz bilan bog'liq.

6. Yulduzlar barcha xalqlar uchun ruhoniyl, ilohiy timsol sanalgan O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'idagi 12 ta yulduz tasviri ham tarixiy an'analarimiz, qadimgi quyosh yilnomamizga bevosita aloqadordir. Bizning 12 yulduzga bo'lgan e'tiborimiz O'zbekiston sarhadidagi qadimiy tafakkurida «Nujum ilmi» taraqqiy etganligi bilan ham izohlanadi. Davlat bayrog'imizdagi o'n ikki yulduz tasviri o'zbek xalqi madaniyatini qadimiyliги, uning komillikka, o'z tuprog'da saodatga intilishi ramzi sifatida tushunish lozim.

27- машқ. Берилган сўзларни янги лотинча алифбо асосида қайта ёзиб чиқинг, амалдаги е, ё, ю, я ҳарфларининг янги алифбога кўра ёзилишига эътибор беринг.

Адабиёт, алюминий, антенна, археолог, ашёвий, аҳён-аҳён, бедапоя, бежирим, белбог, биология, бояги, брокер, бунёд, буфет, бухгалтерия, буюк, буюм, бюджет, бюро, бюрократ, бюст, валюта, дастёр, деҳқон, диёр, дунё, елвизак, ер, ёнгоқ, ефрейтор, ёднома,

ёзувчи, ёшлик, ёқут, жонкуяр, заём, зарчечак, зиёда, идеолог, иллюзия, инвестиция, интернат, интонация, июль, камёб, келажак, коллеж, комбинация, конвейер, кредит, куёв, курьер, кўпаковчи, мезон, мумиё, назария, ноёб, нортуя, октябрь, пейзаж, пенсионер, перпендикуляр, премьер, приёмник, разъезд, режиссёр, сайёра, салют, сарёғ, сармоядор, сентябрь, суюкли, суянч, тайёр, уюшиқ, уят, хиёбон, шеър, шеърят, шлюз, шляпа, электр, ювош, юз, ютуқ, ягона, қиём, қуюшқон, қуюқ, ҳаёт.

28- машқ. Келтирилган сўзларни латин ёзуви асосида қайта ёзиб чиқинг, ц ҳарфининг ёзилишига эътибор беринг.

Авиация, акциз, акционер, антициклон, ассимиляция, апетон, вакцина, вулканизация, гербицит, горчица, дедукция, дезинфекция, декларация, делегация, дециметр, диссертация, диссимиляция, инвестиция, индексация, инсценировка, интонация, ирригация, киносценарий, конституция, контрибуция, концентрация, концерн, концерт, кооперация, коррупция, лицей, лицензия, милиционер, милиция, мотоцикл, облигация, операция, пеницилин, пинцет, публицист, пунктуация, радиация, редукция, санкция, социология, сценарий, фармацевтика, федерация, цемент, цех, циклон, цирк, шприц, эволюцион, эксплуатация, эмиграция, энциклопедия.

29- машқ. Латин алифбоси асосида ҳарфлар сирасини ёддан айтиб беринг. Алифбодоғи ҳарфлар тартибини рақамлар ёрдамида ифодаланг. Қўйидаги мисоллар таркибидаги сўзларнинг келтириб чиқарган рақамлар қаторини ёзиб чиқинг.

Намуна: *Vatanimiz 21,1,19,1,13,8,12,8,24.*

Dunyoda har ishning bordir o'z gali,
O'lis xotiralar hamroh ishimga.
Shoirlik yodindan chiqqan mahali
Cho'ponlik yillarim tushar esimga.
(A. Oripov)

ОРФОГРАФИЯ

Адабий нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд бўлиб, улар маълум қонун-қоидалар асосида ривожланади. Нутқнинг оғзаки шаклида талаффуз меъёрларига (орфоэпияга) амал қилинса, ёзма шаклда эса имловий меъёрларга (орфографияга) амал қилинади.

Орфография грекча *orthos* ва *gparo* сўзларидан таркиб топган бўлиб, «тўғри ёзаман» деган маънони билдиради.

Орфография адабий тилнинг ёзма шаклига тегишли бўлиб, сўзларни тўғри ёзиш, сўзларнинг узак ва негизларини, қўшимчаларини, қўшма сўзларнинг қўшилиб ёки ажратиб ёзилишини,

қисқартма сўзларнинг ёзилишини, бош ҳарфларнинг ёзилишини, бўгин кучирилишини адабий талаффуз меъёрига мослаб, қоидалаштириб берадиган фандир. Адабий тилнинг ёзма шаклини маълум қонун қоидалар асосида тургун ҳолатда ушлаб турадиган орфографиянинг қўйидаги принциплари мавжуд: фонетик принцип, фонематик принцип, морфологик принцип, тарихий анъанавий принцип, этимологик ёки график принцип.

Фонетик принцип. Бу принципга кўра сўз ёки унинг таркибий қисмлари қандай талаффуз қилинса, шундай ёзилади: 1) *кўк+га > кўкка, ток+га > токка, қишлоқ+га > қишлоққа каби*; 2) *оғиз+им > оғзим, ўғил+им > ўғлим, бурун+и > бурни каби*; 3) *ёш+а > яша, сон+а > сана, онг+ла > англа каби*; 4) *сўра+қ > сўроқ, қишла+в > қишлоқ, сайла+в > сайлов каби*; 5) *икки+ов > икков, етти+ов > еттов каби*; 6) *қот+иқ > қаттиқ, ачи+иқ > аччиқ, иси+иқ > иссиқ каби*; 7) *улуғ+ай > улгай, сариқ+а > саргай каби*.

Фонематик принцип. Бу принципга кўра ҳарфлар сўз таркибидаги товушлар талаффузига эмас, балки фонемаларга мослаб ёзилади, яъни ёзувда сўз таркибидаги фонеманинг талаффузи эмас, асли ҳисобга олинади: *обод>обот, озод>озот, мазкур>маскур, фан>пан, фасл>пасл, фабрика>пабрика, ҳарф>ҳарп каби*.

Морфологик принцип. Бу принципга кўра сўз ва унинг қисмлари қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар аслига кўра ёзилади: *айт+ди > айтти, кет+ди > кетти, бориб+ди>боришти, чоп+ди > чопти, иш+га > ишка, кет+ган > кеткан, кет+гунча > кеткунча, завод+дан > заводтан, кўп+дан > кўптан каби*.

Тарихий – анъанавий принцип. Бу принципга кўра сўз ва унинг қисмлари тарихда қандай ёзиб келинган бўлса, ҳозир ҳам шундай ёзилади. Сўзларнинг тарихий анъанавий принцида ёзилишидан кўпроқ услубий мақсадларда фойдаланилади: *келгин//келги, келар//келур, келарми//келарму, у//ул, билан//ила каби*.

Этимологик ёки график принцип. Бу принципга кўра ўзлашма сўзлар қайси халқнинг тилидан ёки графиксидан олинган бўлса, уша қадимги этимологик ёки график ҳолатни сақлаган ҳолда ёзилади: *маъно, шеър, аъло, муаммо, можаро, фабрика, аэропорт, станция, телеграмма, фотозлемент каби*.

30- машқ. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган. сўзларнинг орфографиянинг қайси принцигига кўра ёзилганлигини тушунтириб беринг.

-Жаноб устод, - мурожаат этди Беҳзод. Шернинг бўйнидан занжирлар узилдими?

Навоий “ялт” этиб қаради. Кейин кулимсираб деди: - Ҳайдар айтдими сизга? У йингитнинг кунгли гоят бегубордир.

- Ҳайдар ишонтирдики, - деди Беҳзод, - у ёлғиз менга сўзланган. Мен у расмни кўрмоққа муштоқмен. Қачон курсатурсиз?

- Меники бамисоли болаларнинг чизмакашлигидек бир нарса... - деди Навоий қўлини силкиб.
- Занжирбанд шер ўз асоратчиларига қарши яна ҳам **қўрқинчлироқ бўлу**р, - деди секингина Беҳзод, - Шернинг **бўйни** занжирга итот қилса ҳам, юраги асло **бўйсунмас**, афсуски, бу оддий ҳақиқатни идрок этмайдилар... (Ойбек).

31- машқ. Этимологик ёки график принцип асосида ёзиладиган сўзларга мисоллар келтиринг ва изоҳланг.

Унли фонемаларни ифодаловчи ҳарфлар имлоси

Аа ҳарфи қуйидаги уринларда ёзилади: а) олд қатор кенг унлини ифодалаш учун: *ака, она, фан, мана, қалам, пахта* каби; б) баъзи сўзларнинг таркибида о га мойилроқ талаффуз қилинади, лекин а ёзилади: *баҳор>боҳор, март>морт, зал>зол* каби; в) баъзи сўзларнинг таркибида и га мойилроқ талаффуз қилинади, лекин а ёзилади: *муомала>муомила, муҳокама>муҳокима, муносабат>муносибат* каби.

Оо ҳарфи қуйидаги уринларда ёзилади: а) орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун: *оила, она, ота, нон, баҳор, маъно, офтоб* каби; б) ўзлашма сўзларда: **ў** га яқинроқ: *бокс>букс, тонна>тунна, поезд>пүезд, опера>упера* каби; а га яқинроқ: *агроном>аграном, горизонт>гаризонт, доклад>даклат*, и га яқинроқ: *трактор>трактир, директор>директир, ректор>ректир* каби талаффуз қилинсада о ҳарфи ёзилади.

Ии ҳарфи қуйидаги уринларда ёзилади: а) қисқа ва олд қатор унлини ифодалаш учун: *билим, билан, бир, бирон, тил* каби; б) ургули бугинлардаги **чүзиқ** унлисини ифодалаш учун: *лирика, Навоий, тарихий* каби; в) қ, х, г товушлари билан ёнма-ён келганда қисқа ва қаттиқроқ айтиладиган и унлисини ифодалаш учун: *қизил, қишлоқ, гишт, хирмон* каби; г) рус тили орқали ўзлашган сўзларда **ы** фонемасини ифодалаш учун: *виставка, посилка, вишка* каби.

Уу ҳарфи қуйидаги уринларда ёзилади: а) бир ва икки бугинли сўзлардаги қисқа у унлисини ифодалаш учун: *кун, тун, қурт; улуг, уруг, узум* каби; б) ургули бугиндаги **чүзиқ** унлисини ифодалаш учун: *архитектура, структура* каби; в) таркибида о, а, у унлиларидан бири бўлган бугиндан сўнг в билан бошланадиган ёпиқ бугинда келувчи у фонемасини ифодалаш учун: *қовун, совун, овул, совуқ, қирговул, товуш, тарвуз, тасаввур, қувур* каби; г) биринчи бугинда, у (ю) келган сўзларнинг иккинчи бугинида, айтилишига мувофиқ, у (ю) ёзилади: *гурмуш, улуш, бутун, буюк, буюм, юлдуз, тутун, гумбуру-гумбур* каби; д) сўзларнинг иккинчи очиқ бугинида қ ёки г фонемаларидан кейин ҳам у ёзилади: *уйқу, туйғу, ургу* каби.

Уу ҳарфи қўйидаги уринларда ёзилади: бир бүгинли сўзларда, куп бүгинли сўзларнинг биринчи бүгинидаги у ни ифодалаш учун: *ут, қул, утин, кўмир, тўқи* каби

Ээ ҳарфи қўйидаги уринларда ёзилади: а) сўзларнинг бош қисмидаги э фонемасини ифодалаш учун: *экин, элак, экан, этак, экран* каби; б) сўзларнинг ўртасида ўзича алоҳида бүгин ҳосил қилган э фонемасини ифодалаш учун: *поэзия, нозма* каби; в) сўз ичидаги бүгин бошида келган э фонемасини ифодалаш учун: *дуэт, дуэль* каби.

Ее ҳарфи қўйидаги уринларда ёзилади: а) сўз ёки бүгин бошида қўлланган, шунингдек, ўзи алоҳида бүгин ҳосил қилувчи йэ фонемалар бирикмасини ифодалаш учун: *ер>йэр, ем>йэм, етмиш>йтмиш, развез>разъйезд, елим>йэлим* каби; б) сўзларнинг таркибида ундошдан сўнг ёки икки ундош орасида келувчи э фонемасини ифодалаш учун: *кел>кэл, кет>кэт, тер>тэр, меҳмон>мэхмон, телефон>тэлэфон* каби.

Лотин ёзувига асосланган имлога кўра Ее ҳарфи фақат олд қатор урта-кенг э фонемасини ифодалаш учун ёзилади. қиёсланг: *эгат = egat, экин = ekin, экспертиза = ekspertiza, лекин = lekin, меҳнатсевар = mehnatsevar, елка-yelka, етмиш- yetnish, эълон- e'lon, шеър- she'g* каби.

Ёё ҳарфи қўйидаги уринларда ёзилади: а) сўз ёки бүгин бошида қўлланган, шунингдек ўзича бүгин ҳосил қилган йо фонемалар бирикмасини ифодалаш учун: *ёш>йош, ёқ>йоқ, ёрдам>йордам, аёл>айол, пиез>пийоз, тайёр>таййор* каби; б) рус тилидан ўзлашган баъзи сўзларда о тарзида айтиладиган фонемани ифодалаш учун: *самолёт>самольот, счёт>счъот, режиссёр>режиссьор, актёр>актьор* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имло қондаларига кўра рус тилидан ўзлашган бундай сўзлар о ҳарфи орқали ёзилади. Қиёсланг: *режиссёр = rejissor, суфлёр - suflor* каби.

Юю ҳарфи қўйидаги уринларда ёзилади: а) сўз ёки бүгин бошида қўлланган, шунингдек ўзича бүгин ҳосил қиладиган йу фонемалар бирикмасини ифодалаш учун: *юз>йуз, юк>йук, юрт>йурт, юлдуз>йулдуз, уюшма>уйушма, июль>ийуль, юрак>йурак* каби; б) рус тилидан ўзлашган баъзи сўзларда у тарзида айтиладиган фонемани ифодалаш учун: *бюджет>бъуджет, брошюра>брошьюра, сюжет>сужет* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имло қондаларига кўра бундай сўзлар и ҳарфи орқали ёзилади. қиёсланг: *бюджет - budjet, брошюра - broshura, дюжина - dujina, дюйм - duym, сюжет - sujet, шлюз - shluz, этюд - etud* каби.

Яя ҳарфи қўйидаги уринларда ёзилади: а) Сўз ёки бүгин бошида қўлланган, шунингдек ўзича бүгин ҳосил қиладиган йа фонемалар бирикмасини ифодалаш учун: *япроқ>йяпроқ, яшиш>йяшиш, жияк>жйяк, суюк>суйяк, яшил>йяшил, ноябрь>нойябрь* каби; б) рус тилидан ўзлашган баъзи сўзларда бүгин ўртасида келиб а тарзида

айтиладиган фонемани ифодалаш учун: *октябрь>октябрь, сентябрь>сентябрь, отряд>отряат* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имло қоидаларига кўра бундай сўзлар а ҳарфи орқали ёзилади. қиёсланг: *октябрь - oktabr, сентябрь - sentabr, отряд - otrad, шляпа - shlapa* каби.

32- машқ. Берилган сўзлардаги нуқталар ўрнига и ёки у унлиларнинг мосини қўйиб кўчиринг.

1. Бир оқшом, кут...лмаган вақтда, кўчамизда туяларнинг бақирishi, ҳавони янграган қандайд...р нотаниш овозлар эшитилди. (Ойбек). 2. - Кур...б тур...бмиз, биримиз икки бўлаётгани йўқ. Ер бўлгани билан худо баракани кўтарса қийин. ҳали ҳам ўша "булт...рғи Эшматмиз". (А. Қаҳҳор). 3. Наима тўгрисидан ташвиш йўқ; ҳусн, одоб, юм...ш, ҳаммасидан кунг...л тўқ; ... (А. Қодирий). 4) Ҳуш кулोलликнинг итлари нимани қизганади? Мен қур...қ, бўш хумни, ошсиз сопол товоқни ёки сув тегмаган қув...рни еб қўяманми? (Ғ.Ғулом).

Арг...мчоқ, атирсов...н, ажабтов...р, баҳуз...р, бемавр...д, бўл...м, буй...н, жулд...р, жуж...н, зул...к, куч...қ, кўм...ш, кум...ш, мур...д, мухб...р, муҳ...м, муд...р, муҳ...т, муҳ...м, нуф...з, нуқ...л, пут...р, пуч...қ, суз...к, сук...т, сунб...ла, суп...рғи, сург...н, сур...штирмақ, сур...нкали, сург...ч, суқс...ир, суг...рта, тут...н, тузл...қ, тўз...к, туз...м, туз...ш, тўйн...к, тумш...қ, туң...ка, турк...м, турм...ш, тур...ш, тург...н, тут...н, тут...қ, тутқ...н, тух...м, туш...нг, туш...нча, хур...ж, чумч...қ, чуч...к, қуй...н, ҳўк...з.

33- машқ. Нуқталар ўрнига а ёки о ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг ва сўзларнинг тўтри ёзилишини билиб олинг.

Агр...техника, адв...кат, ажабт...вур, анд...ва, ант...логия, ...построф, ...риқ, аэр...дром, аэр...порт, т...мош..., бак...вул, бар...вар, б...ҳорикор, бед...во, бекинм...чоқ, бе...даб, бе...доб, беп...ён, беф...рос...т, бех...вотир, би...логия, б...ржом, бор...на, б...шоқ, б...шқача, г...вда, г...вжум, г...вҳар, г...рмон, д...вомат, д...врон, дилл...омат, д...вон, д...мино, дўл...на, ж...влон, ж...воб, ж...вон, ж...мол, жанг...в...р, жан...за, ж...ҳон, з...вқ, з...мон...вий, зир...в...р, зўр...вон, иде...логия, ижоб...т, к...всар, к...вуш, к...вшарламоқ, к...лбаса, к...лекция, к...л...р.ит, к...мбинат, к...нтакт, к...нтора, к...нфет, кор...нда, к...ридор, к...нспект, м...нтёр, лаб...ранг, м...н...лог, м...рф...логия, п...пка, р...вн...қ, п...ртрет, ф...нетика.

34- машқ. Берилган сўзларни лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида кўчириб ёзинг. Е, ё, ю, я ҳарфларининг янги алифбода ёзилишига эътибор беринг.

Абонент, авлиё, агглютинация, амалиёт, археолог, ашёвий, аямоқ, баён, бағоят, беайб, безга, безтибор, бояги, брильянт, брокер, бюджет, бюро, бюст, гиёҳ, губерня, девон, дунё, дюжина, дюем, жюри, елвизак, елка, етти, ёдгорлик, ёругсевар, зеҳн, зиёда, иллюзия, костюм, ноябрь, октябрь, сентябрь, шлюз, шляпа, этюд, сюжет, режиссёр, суфлёр.

Ундош фонемаларни ифодаловчи баъзи ҳарфларнинг имлоси

1. **Бб** ҳарфининг имлоси: а) баъзи сузларнинг охирида жарангсиз **п** тарзида айтилса ҳам **б** ёзилади: *мактаб>мактап, жавоб>жавоп, китоб>китоп, ёзиб>ёзип, олиб>олип* каби; б) баъзи сузларнинг бошида **м** тарзида айтилса ҳам **б** ёзилади: *бундай>мундай, буйин>муйин, бурун>мурун, буюм>муом* каби.

2. **Жж** ҳарфининг имлоси: а) қоришиқ портловчи **дж** ундошини ифодалаш учун ёзилади: *жавоб>джавоб, жадвал>дждвал, жазо>джазо, жамоа>джамоа, жануб>джануб* каби; б) сиргалувчи **ж** ундошини ифодалаш учун ёзилади: *аждар, гижда, мужда, журнал, жюри, прожектор* каби;

3. **Нн** ҳарфининг имлоси: а) сўз ўртасида **б**, **п**, **м** лаб ундошлари билан ёнма-ён келганда **м** тарзида айтилса ҳам, ҳар вақт **н** шаклида ёзилади: *шанба>шамба, сунбул>сумбул, манба>мамба, ёнбош>ёмбош, айланма>айламма* каби; б) сўз ўртасида **к**, **г**, **қ**, **г** ундошлари билан ёнма-ён келганда, **нг** тарзида айтилса ҳам **н** ёзилади: *куланка>кулангка, аланга>алангга, чанқамоқ>чангқамоқ, қунгироқ>қунгтироқ* каби.

4. **Хх** ва **Ҳҳ** ҳарфларининг имлоси: а) **х** ҳарфи қаттиқ талаффуз этиладиган чуқур тил орқа ундоши ўрнида ёзилади: *хабар, хаёл, халоскор, хиёбон, пахта* каби; б) **ҳ** ҳарфи юмшоқ талаффуз этиладиган бўғиз ундоши ўрнида ёзилади: *ҳаво, ҳаёт, баҳор, таҳлил, соҳибкор* каби.

35- машқ. Нуқталар урнига **б** ёки **п**, **д** ёки **т** ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг ва сузларни лотин ёзуви асосидаги алифбода ёзиб чиқинг.

Азо..., ай..., ара..., газа..., танқи..., аса..., хари..., ба...кирдор, нажо..., балан..., кано..., сабзаво..., рубо..., заво..., взво..., саво..., голи..., авло..., суҳба..., се..., велосипе..., водоро..., войдо..., ибра..., бо..., атайла..., кабо..., асбо..., арбо..., мада..., арз-до..., шарба..., водопрово..., гурба..., зумра..., мақса...

36- машқ. Нуқталар ўрнига **п** ёки **ф** ҳарфларидан мосини қўйиб уқинг ва сузларни лотин ёзуви асосидаги алифбода ёзинг.

Ара...а, агро..., а...анди, ...абрика, ...азилат, ...азо, а...зал, а...тека, ...айз, ...акультет, ...азанда, ...амилия, ...айдо, ба...уржа, ...ан, ...анер, бата...сил, ...аймона, тул...ор, ка...т, ...алак, ...аол, ...араз, ...алахса, бева...о, ...анжара, ...аровон, ...арзанд, ...ано, ...арқ, ...ашист, ...ельетон, ...ермер, бо...ламоқ, вази...а, ...ирибгар, ...ойда, ...ормула, ...ардоз,

...аризод, ...отиҳа, ...атефон, ...атнис, ...инҳона, ...отограф, ...олиз,
...утбол.

37- машқ. Нуқталар ўрнига х ёки һ ҳарфларининг мосини қўйиб матнни лотин ёзуви асосидаги имлода кўчиринг. Ундощларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Мен мирзо Анвар ...икоясини отам мар...умдан эшитган эдим. Мирзо Анвар Қўқондан қочиб келиб, уч-тўрт йил чамаси Тошкентнинг маш...ур Эскижўва ма...алласида турган. У вақтларда бизнинг ...овлимиз шу Эскижўвада бўлиб, Мирзо Анвар отамга қўшни эмиш.

«Қўқондан бир мирзо кўчиб келиб, фалончининг ...овлисини ижарага олган эмиш», деган гап чиқиб қолди, - деб ...икоя қилар эди чол. - Мен мирзо ...абарини эшитсам ҳам, бир ...афтача ўзини кўролмадим. Руза кунларининг бирида биз масжиддан шом намозини ўқиб чиқар эдик, сўфи: «...аммангизни ...удоёр...оннинг мирзоси ифторга таклиф қилган», деди. Биз йигирма чоғлиқ киши янги қўшнининг уйига бордик. Бир уй ва бир айвонга я...ши палослар солинган, кўрпачалар ёзилган, ўртада анвои дастур...онлар. Биз уйга кириб ўлтургандан кейин эшик ёнида ...ушсураётган бир йигит кўринди. Бизга тавозеланиб ...уш омади айтди. Мирзо Анвар, дегани шу эмиш. Биз ифторга қарадик, мирзодан а...вол сўрадик. (А. Қодирий).

38- машқ. «Ўзбек тилининг лотин алифбоси асосидаги имло лугати»дан маъноси х ва һ ҳамда р ва ʼ билан фарқланадиган сўзларга мисоллар танаб дафтарингизга ёзинг, уларнинг ёзилишини билиб олинг.

Сўз қисмларининг имлоси

Сўзнинг ўзак қисмига турли сўз ясовчи ёки шакл ясовчи қўшимчалар қўшилиши билан уларда турлича ўзгаришлар содир бўлади. Талаффуздаги бундай ўзгаришлар имлода ҳам ўз аксини топади. Масалан: *сон + а = сана, онг + ла = англа, ёш + а = яша, от + а = ата, тара + қ = тароқ, сўра + қ = сўроқ, чанқа + қ = чанқоқ, бўя + қ = бўёқ* каби.

Сўз қисмларининг имлоси ҳақида фикр юритилганда амалдаги имло қоидалари билан янги лотин ёзуви асосидаги имло қоидалари ўртасида бир оз фарқ борлигини ҳисобга олиш зарур.

Амалдаги имлога кўра тақлидий сўзлардан феъл ясовчи *-иля* қўшимчаси аслига кўра ёзилади: *шарилламоқ, шақилламоқ, қарсилламоқ, шовилламоқ, гувилламоқ, гувилламоқ, гурилламоқ, варилламоқ, чийилламоқ* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имло қоидаларига кўра эса тақлидий сўзлардан феъл ясовчи *-иля* қўшимчаси таркибида *v* ёки *u* товуши бўлган сўзларга қўшилганда аслига кўра эмас, айтилишига кўра *-улла* шаклида ёзилиши белгилаб қўйилди. Қиёсланг: *зувилламоқ* -

zuvllamoq, шовилламоқ - shovullamoq, гувилламоқ - guvullamoq, гурилламоқ - g'urullamoq каби.

Қолган ҳолатларда эса лотин ёзуви асосидаги имлода ҳам аслига кўра илла шаклида ёзилади: *shaqillamoq, sharillamoq, qirsillamoq, chiyyillamoq, g'izillamoq* каби.

Аммо г билан тутаган баъзи ўзлашма сўзларда ўзгариш бўлмайди, г билан ёзилади: *педагог+га - педагогга, хирург+га хирургга, Люксембург+га - Люксембургга* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имло қоидаларига кўра эса таркиби *g* ва *g'* ундошлари билан тутаган сўзларга *g* товуши билан бошланадиган - *ga, -gacha, -guncha, -gani, gudek, -gan, -gin, -gina* қўшимчалари қўшилганда айтилишига мос ҳолда эмас аслига кўра ёзилиши белгилаб қўйилди.

Қиёсланг:

Кирилл ёзуви асосида		Лотин ёзуви асосида	
асли	ёзилиши	асли	ёзилиши
Барг+га	Баркка	Barg+ga	Bargga
Тег+ган	Теккан	Teg+gan	Teggan
Эг+гани	Эккани	Eg+gani	Eggani
Туг+гунча	Туккунча	Tug+guncha	Tugguncha
Тог+га	Тоққа	Tog'+ga	Tog'ga
Бог+га	Боққа	Bog'+ga	Bog'ga
Чуг+га	Чуққа	Cho'g'+ga	Cho'g'ga
Ёг+гунча	Ёққунча	Yoq'+guncha	Yog'guncha
Сог+гани	соққани	Sog'-gani	Sog'gani

Таркиби *к* ёки *қ* ундоши билан тутаган кўп бўгинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда *к* товуши *г* каби, *қ* товуши *г* каби айтилади ва шундай ёзилади: *челак+им = челаким, истак+им = истагим; қишлоқ+им = қишлогим, ўртоқ+им = ўртогим* каби.

Аммо *к* ёки *қ* ундоши билан тутаган баъзи бир бўгинли ҳамда кўп бўгинли сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда ҳам юқоридаги каби ўзгариш бўлмайди: *ток+и = токи, чек+им = чеким, ўқ+им = ўқим, нок+и = ноки, цирк+и = цирки, иттифоқ+и = иттифоқи, тасдиқ+и = тасдиқи* каби.

Мен, сен олмошларига *-нинг, -ни, -ники* қўшимчалари қўшилганда бир *н* ундоши айтилмайди ва шундай ёзилади: *мен+нинг*

= менинг, сен+нинг = сенинг, мен+ни = мени, сен+ники = сеники каби.

У, бу, шу олмошларига *-да, -дан, -дай, -га, -ча* қўшимчалари қўшилганда талаффузда бир н товуши орттирилади ва шундай ёзилади: *у+да = унда, бу+дан = бундан, шу+дай = шундай, у+га = унга, бу+ча = бунча, шу+ча = шунча* каби.

Феълнинг орттирма нисбат қўшимчаси *-дир* қўйидагича ёзилади: а) жарангсиз ундош товуш билан тутаган сўзларга қўшилганда *-тир*, шаклида ёзилади: *бушат+дир = бушаттир, эк+дир = эктирмоқ, чўк+дир = чўктирмоқ, бурт+дир = бурттирмоқ, уқ+дир = уқтирмоқ* каби; б) жарангли ундош билан тутаган бир бўгинли сўзларга қўшилганда *-дир* шаклида ёзилади: *ёз+дир = ёздирмоқ, бил+дир = билдирмоқ, ол+дир = олдирмоқ, сур+дир = сурдирмоқ* каби. Аммо кел сўзи бундан мустасно: *кел+дир = келтирмоқ*; в) жарангли ундош билан тутаган куп бўгинли сўзларга қўшилганда *-тир* шаклида ёзилади: *кийин+дир = кийинтирмоқ, чумил+дир = чумилтирмоқ, севин+дир = севинтирмоқ, узай+дир = узайтирмоқ* каби.

39- машқ. Берилган сўзларнинг ўзак ва қўшимчаларига эътибор беринг, сўз қисмларининг ўзгариш сабабларини таҳлил қилинг.

Англамоқ, огзим, угли, тароқ, саноқ, бурни, сайловчи, қуршов, ташувчи, урнида, ўрнатмоқ, сайроқи, улғаймоқ, багишловчи, бўёқчи, ишловчи, саргаймоқ, қайроқи, уқувчи, терговчи, икковлон, санамоқ, атамоқ.

40- машқ. 1- топшириқ. Берилган сўзларга г товуши билан бошланадиган *-га, -ган, -гач, -ганча, -гунча, -гани* қўшимчаларидан мосини қўшиб чиқинг. Сўз қисмларида содир бўладиган ўзгаришларга эътибор беринг.

2- топшириқ. Юқоридаги топшириқни лотин ёзуви асосида ҳам бажаринг. Имлодаги фарқларни изоҳланг.

Авлод, адабиёт, айт, барг, бог, чиқ, боқ, бирик, кўйлак, ошиқ, терак, туг, тег, эшит, сог, тоғ, қишлоқ, япроқ, педагог, митинг, айиқ, археолог, белбог, бодиринг, бонг, ботқоқ, буғ, тиг, вағ-вуғ, ёғ, диалог, киприк, эк, тик, тук.

41- машқ. Қўйидаги берилган буйруқ феъл шаклларида орттирма нисбат ясовчи *-дир, -тир* қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг ва сўзларни лотин ёзуви асосидаги алифбода қайта ёзинг.

Адаш, аралаш, бақир, без, бер, беркит, бил, бор, бук, бур, бул, гашир, ёз, ёп, кел, ич, кучай, кўр, тўл, тут, топ, торт, чақир, чиз, черт, шодлан.

42- машқ. Тақлидий сўزلардан *–илла* қўшимчаси ёрдамида феъл ясанг. Ясалган феълларни лотин ёзуви асосидаги алифбода қайта ёзиб чиқинг. Уларнинг имлодаги фарқларини таҳлил қилиб беринг.

Қўшма сўзларнинг имлоси

1. Қўйдаги таркибдаги қўшма сўзлар қўшиб ёзилади:

1. Таркибида *хона, нома, поя, бош, хуш, ҳам, бахт, кам, умум, аро, ранг, миждоз, сифат, талаб* каби сўзлардан бири қатнашган қўшма от ва қўшма сифатлар: *ишхона, қабулхона, маълумотнома, табрикнома, шолিপоя, ғўзапоя, оммабош, хушхабар, ҳамдуст, ҳамсуҳбат, оромбахш, камгап, умумхалқ, совуқмиждоз, девсифат, иззатталаб* каби.

2. Иккинчи қисми *–ар* (инкор шакли *–мас*) қўшимчаси билан тутаيدиган қўшма от ва қўшма сифатлар: *отбоқар, ўринбосар, молбоқар, бешиктерватар, тезоқар, эртапишар, тинчликсевар, ишқамас, қушқунмас* каби.

3. Ўхшаш, қиёслаш асосида юзага келувчи қўшма отлар ва қўшма сифатлар: *карнайгул, қузиқорин, отқулоқ, ойболта, бодомқовоқ, девчечак* каби.

4. Нарсани бирор белгиси асосида билдирувчи қўшма отлар: *олақарга, қизилиштов, аччиқтош, мингоёқ* каби.

5. Нарсани жойга нисбатан билдирувчи қўшма отлар: *тоғолча, чўялпиз, сувилон, қашқаргул* каби.

6. Бирор мақсад, иш учун мўлжалланган нарсани билдирувчи қўшма отлар: *кирсовун, қийматахта, тоққайчи, кўзойнак* каби.

7. Қаратқич х қаралмиш типидagi бирикманинг сўзга айланиши билан юзага келувчи қўшма отлар: *мингбоши, шафтолиқоқи, олмақоқи, қовунқоқи* каби.

8. Иккинчи қисми турдош отлардан ёки обод сўзи булган жой номлари: *Сирдарё, Каттақургон, Турткул, Яккабоғ, Янгиобод, Халқобод, Файзиобод* каби.

Аммо иккинчи қисми атоқли отлардан булган жой номлари ажратиб ёзилади: *Урта Осиё, Юқори Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ, Кўҳна Урганч* каби.

9. Рус тилидан айнан ўзлашган ёки калька усулида ҳосил қилинган қўшма сўзлар: *кинотеатр, фотоаппарат, электроаппарат, электротехника, телекўрсатув, яримавтомат, сувости, байрамодди* каби.

10. Қисқартма отлар қўшиб ёзилади: *ЎзМУ (Ўзбекистон Миллий Университети), ЎзХДП (Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси)* каби.

II. Чизиқча билан ёзиш.

1. Жуфт ва такрор сўзлар чизиқча билан ёзилади: *мехр-оқибат, катта-кичик, эл-юрт, аста-секин, борди-келди, дов-дун, майда-чўйда, тақ-туқ, қоп-қоп, баланд-баланд, чопа-чопа, юра-юра айрим-айрим, бориб-бориб* каби.

Агарда жуфт сўз қисмлари *-у (ю)* боғловчиси ёрдамида боғланса чизиқча қўшилмайди: *катта-кичик = каттаю кичик, эл-юрт = элу юрт, ор-номус = ору номус, тун-кун = туну кун, кеча-кундуз = кечаю кундуз* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имлода эса бу қоидага ўзгартириш киритилган, яъни жуфт сўз қисмлари орасида *-и (-уи)* боғловчиси келса, ундан олдин чизиқча қўйилади ва жуфт сўз қисмлари ажратиб ёзилади, деб белгилаб қўйилган.

Қиёсланг:

Каттаю кичик	-	katta-yu kichik
Туну кун	-	tun-u kun
Элу юрт	-	el-u yurt

2. Амалдаги имлога кўра *йилдан-йилга, кундан-кун, кундан-кунга* каби бирикмалар жуфт сўзлар доирасида қаралган, шунга кўра чизиқча билан ёзиш қоидалаштирилган.

Лотин ёзуви асосидаги имлога кўра биринчи қисми чиқиш келишигида, иккинчи қисми жуналиш келишигида бўлган *kundan kunga, yildan yilga* кабилар шунингдек, белгининг ортиқ даражасини билдирувчи *ko'pdan ko'p, ochdan och* каби бириктишларнинг чизиқчасиз ёзилиши белгилаб қўйилган.

Қиёсланг:

Йилдан-йилга	-	yildan yilga
Кундан-кунга	-	kundan kunga
Наридан-бери	-	naridan beri
Тугридан-тугри	-	to'g'ridan to'g'ri
Кундан-кун	-	ko'pdan ko'p
Текиндан-текин	-	tekidan tekin
Янгидан-янги	-	yangidan yangi
Очиқдан-очиқ	-	ochiqdan ochiq

3. Амалдаги имло қоидаларига кўра йил ва ойларни (числоларни) кўрсатувчи арабча рақамдан сўнг чизиқча қўйилмайди: *2003 йил, 1 сентябрь* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имлога кўра бундай ўринларда чизиқча қўйиб ёзиш белгилаб қўйилган.

Қиёсланг:

2003 йилнинг 9 сентябри = 2003 -yilning 9 -sentabri

4. Кучайтирилган белги шакллари чизиқча билан ёзилади: *қоп-қора, ям-яшил, яп-япалоқ, кўм-кўк, дум-думалоқ, куша-кундузи, ёп-ёруғ* каби.

5. Рус тилидан айнан ўзлашган ёки калька усулида ўзлашган сўзлар аслига мувофиқ чизиқча билан ёзилади: *инженер-конструктор, грамм-молекула, киловат-соат, чанглагич-пуркагич, вице-президент* каби.

III. Ажратиб ёзиш.

1. Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: *имзо чекмоқ, таъсир этмоқ, вафо қилмоқ, сотиб олмақ, олиб келмоқ, олиб чиқмоқ* каби.

2. Белгининг ортиқ ёки камлигини билдирувчи *оч, тўқ, тям, ним, ляқ, жиққа, ланг* каби сўзлар билан келган сифат туркумига оид сўзлар ажратиб ёзилади: *оч қизил, тўқ қизил, тям қора, ним пушти, лиқ тўла, жиққа ҳул, ланг очик* каби.

3. *Ҳар, ҳеч, ҳамма, баъзи, гайри, бир, қай, у, бу, шу, уша* сўзлари ёнида келган сўздан ажратиб ёзилади: *ҳар замон, ҳеч ким, ҳамма вақт, баъзи бир, гайри табиий, бир қанча, бир йўла, бир оз, қай куни, у ерга, бу ёқдан, шу ердан, уша ёққа* каби.

Лекин *биршас, биратула, бирваракайига, бирмунча, буён (бери)* сўзлари қўшиб ёзилади.

Лотин ёзуви асосидаги имлога кўра *bigoz* сўзининг ҳам қўшиб ёзилиши белгилаб қўйилган.

Қай сўзи ер, ёқ, ён сўзлари билан келганда бир й тушиб қолиши натижасида бу сўзлар қўшиб ёзилади:

Қиёсланг: қай ерда – қаерда, қай ёққа – қаёққа, қай ёндан – қаёндан каби.

Қайбир, қайвақт сўзлари ҳам қўшиб ёзилади.

4. Мураккаб сонларнинг қисмлари ажратиб ёзилади: *йигирма беш, бир юз элик икки* каби.

5. Кириллча ёзув асосидаги имло қоидаларига кўра *муз ёрар, иш ёқмас, ҳул ёзма, шер юрак* сўзлари ажратиб ёзилади деб белгилаб қўйилган. Лекин амалдаги лугатларда турлича ёзиб келинган. Лотин ёзуви асосидаги имло қоидаларига кўра бу сўзларнинг қўшиб ёзилиши қатъи белгилаб қўйилди: *muzyorak, sheryurak, devyurak, ishyoqtas, qo'lyozma* каби.

6. Тожикча изофали бирикмалар ажратиб ёзилади: *таржиман ҳол, нуқтаи назар, ойнаи жаҳон, дарди бедаво* каби.

Лотин ёзуви асосидаги имло қоидаларига кўра ҳам изофали бирикмалар ажратиб ёзилади. Шунингдек, янги имло қоидаларида изофа ундош билан тутаган сўзларга *і* шаклида, унли билан тутаган сўзларга *уі* шаклида қўшилиши белгилаб қўйилди.

Қиёсланг: *dardi bedavo, nuqtayi nazar, tarjimai hol, oyna'i jahon, piri badavlat* каби.

43– машқ. Гапларни ўқинг, қўшма сўзларни аниқланг. Қайси сўз туркумига оидлигини белгилаб дафтарингизга ёзиб олинг.

1. -Қўйинг, кампир, ўзим олиб келаман, - деганимга ҳам қулоқ солмасдан, кампир чиқиб кетди. Орадан ун минутлар ўтганда Ёдгорни қўлидан етаклаб кириб келди. (Ғ.Ғулум). 2. Саидий бир куни ишдан анча эрта – қоронғу тушар-тушмас қайтиб келди. (А.Қаҳҳор). 3. – Ҳалиги, ҳа. шунча саволи замлаб ташладингки, қайси бирига қандай жавоб беришни билмай қолдим. Тухта-тухта, биров келяптими, - деди у ташқарига қулоқ солиб. (М. Исмоилий). 4. Бу орада кечки овқат

утди. Икки марта ҳамшира келиб кетди. (В.Гофуров). 5. Юсуфжоннинг ўзи Бутакуздан кетса ҳам, сояси кетгани йўқ эди. (И. Раҳим). 6. ..., мен иккиюзламачилик қилолмайман!.. (М. Муҳаммад дўст). 7. Шу чоғ «Волга» рулидаги кўзлари чақчайган, хушмўйлов, ягриндор кишининг ояисига «тез бўлинг»деб имлаганини сизди. Соттихон шаштидан тушиб, қайнатасига: - Майли, ҳозир сизлар кўриб келинглар. Мен эртага бораман, - деди. (Ҳ. Назир). 8. - Меҳмондўстлигингиз учун ... Раҳмат. (О. Ёқубов).

44- машқ. Жой номларини билдирувчи қўшма отларга 10 та мисол топинг. Уларнинг имлосини таҳлил қилиб беринг.

45- машқ. Қуйида берилган жуфт сўзларнинг қисмларини –и (уи) боғловчиси ёрдамида боғлаб дафтарингизга кўчиринг ва уларни амалдаги ёзув асосидаги имлоси билан қиёсланг.

Arz-dod, aft-angor, aql-zakovat, katta-kichik, maza-bemaza, baxt-saodat, bahs-munozara, bosh-oyoq, bog'-rog', davr-davron, ko'cha-ko'y, yor-birodar, yosh-qari, ona-bola, orzu-istak, jon-jahd, ilm-fan, kasb-hunar, xalta-xulta, chora-tadbir, kibr-havo, mehr-oqibat, mol-dunyo, yakka-yolg'iz, nari-beri, tun-kun, ust-bosh, yaxshi-yomon, qadr-qiymat, husn-jamol.

Бўгин кўчирилиши

Орфография қоидаларига қўра бир қаторга сигмай қолган сўзнинг қисми иккинчи қаторга қуйидагича кўчирилади:

1. Сўз қисмларга бутунидан ажратиб кўчирилади: *тала-ба, талаба, мак-таб, қўнг-ил* каби.

2. Бир унлидангина иборат бўлган бўгин олдинги сатрда қолдирилмайди. Шунингдек, кейинги сатрга ҳам бир унлидан иборат бўлган бўгин кўчирилмайди: *о-нанинг эмас, она-нинг, жамо-а эмас, жа-моа, мудофа-а эмас, мудо-фаа* каби.

3. Бир товушни ифодалайдиган ҳарфий бирикмалар ажратилмай кўчирилади. Мисолларни ҳар икки ёзув асосида қиёсланг: *Кў-нги, тонг-ги, си-нги; поме-шчик, ме-шчан; та-shaqqat, ke-chuv, kesh-qituv, tong-gi, so'ng-ga, pome-shik, me-shchan* каби.

4. Айириш, юмшатиш белгилари олдинги бўгин билан қаторда қолдирилади. Мисолларни ҳар икки ёзув асосида қиёсланг: *суръ-ат - sur'at, сульфат - sul-fat, разъезд - raz-yezd, маъ-руза - ma'ruza* каби.

5. Бош ҳарфлардан тузилган қисқартма отлар, кўп хонали рақамлар иккинчи қаторга бўлиб кўчирилмайди: *ЎЗМУ, БМТ, АКТ, 155, 2003, ХХІХ* каби.

6. Исм ва фамилияларнинг ҳарфий қисқартмалари ажратиб кўчирилмайди: *И. О. Султонов, А. Б. Аҳмедов* каби.

46- машқ. Қуйидаги берилган сўзларни ҳар икки ёзув асосида бўғинларга ажратинг ва уларни биринчи сатрдан иккинчи сатрга кучириш йўллариини тушунтиринг.

Авлиё- avliyo, адлия- adliya, аёз- ayoz, акция- aksiya, аланга- alanga, альбом- albм, ана- ana, ангишвона- angishvona, аппарат- apparat, аранг- arang, ария- ariya, армия- armiya, арпапоя- аграроуа, археология- arxeologiya, елим- yelim, елка- yelka, емиш- yemish, енгил- yengil, етук- etuk, ечим- yechim, ёзув- yozuv, ёмон- yomon, ёноқ- yonoq, ёруг- yorug', ёгоч- yog'och, дарё- darуо, даъво- da'vo, дунё- dunyo, зиё- ziyо, истеъдод- iste'dod, матбаа- matbaa, юган- yugan, югуриш- yugurish, юза- yuza, юмалоқ- yumaloq, юнг- yung, юрак- yurak, ютуқ- yutuq, ягона- yagona, ядро- yadro, яёв- yaуov, якандоз- yakandoz, яланг- yalang, ямоқ- yamoq, янгидан- yangidan, яъни- ya'ni, яшик- yashik.

Бош ҳарфлар имлоси

Орфография қоидаларига кўра бош ҳарфлар қуйидаги уринларда қўлланади:

1. Абзац, гап, шеърнинг ҳар бир мисраси бош ҳарф билан бошланади.

2. Атоқли отлар бош ҳарф билан бошланади: *Алишер Навоий, Гафур Гулом, Тошкент, Ўзбекистон* каби.

3. Планета ва юлдузларнинг номлари бош ҳарф билан бошланади: *Ер, Қуёш, Ой, Марс, Ҳулкар* каби. Аммо *Ер, Қуёш, Ой* Сўзлари планета маъносидан бошқа маъноларда келганда кичик ҳарф билан бошланади. *Қиёсланг: Ер Қуёш атрофида, Ой Ер атрофида айланади; Ҳамма бир ерга тўпланиб, келаси ойнинг режасини тузиб олдик.*

4. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларнинг, халқаро ташкилотларнинг номларидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади. *Ўзбекистон Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси* каби.

5. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: *Маданият фазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Тил ва адабиёт институти* каби.

6. Маданий- маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ- овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарфлар билан бошланади: *«Саодат» драммаси, «Навруз» хайрия жамғармаси, «Тошкент» меҳмонхонаси, «Қўтлуғ қон» романи, «Пахтакор» стадиони, «Дилором» операси* каби.

7. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳар билан бошланади: *Мустақиллик куни, Хотира куни, Рамазон ҳайити, Навруз байрами* каби.

8. Давлатнинг олий даражали мукофотлари номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: «*Ўзбекистон Қаҳрамони*» (унвон), «*Олтин Юлдуз*» (медал).

Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: «*Соғлом авлод учун*» (орден), «*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби*» (фахрий унвон), «*Матбаа алоқачиси*» (нишон) каби.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лугат таркиби тил бирликлари саналган сўзлар (лексемалар) ва иборалар (фраземалар)дан иборатдир. Сўз лугавий бойлик сифатида *лексик бирлик* деб, ибора эса *фразеологик бирлик* деб аталади. Булар биргаликда *лугавий бирликни* ташкил этади.

Лексика деб тилдаги барча сўзлар мажмуига айтилади. *Лексикология* (يونونча lexikos «сўзга доир», logos «таълимот») тилнинг лугат таркиби, лексикаси ва унинг тараққиёти ҳақидаги таълимот демакдир.

Лексика тилдаги барча сўзларнинг оддий йигиндисидангина иборат эмас, балки маълум қонун-қоидаларга бўйсунадиган изчил ва мураккаб системадир.

Лексиканинг тараққиёти ҳар бир халқнинг турмуш шароити, ўсиш ва юксалиши билан боғлиқ. Хусусан, ўзбек тилининг лугат таркиби, лексикаси ҳам ўзбек халқининг бутун тараққиёт йулини узида акс эттиради. Жамият ривожига барча узгаришлар тилнинг тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Тараққиёт натижалари энг аввало тилнинг лугат таркибида, лексикасида ўз ифодасини топади.

СЎЗ ВА УНИНГ АСОСИЙ МОҲИЯТИ

Сўз мураккаб хусусиятга эга бўлган тил бирлигидир. Сўзнинг асосий моҳиятини, яъни унинг маъносини ва бошқа сўزلардан фарқланиб турадиган белгиларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Сўзнинг икки томони бор: 1. Моддий томони. 2. Маъноси.

Сўзнинг товушлардан таркиб топиши унинг *моддий томони* ҳисобланади. Ҳар қандай сўз ўз товуш қобигига эга.

Сўзнинг товуш қобигидан кейинги иккинчи муҳим белгиси унинг бирор *маънога эга бўлишидир*. Лекин барча сўзларнинг маънолари бир хил эмас. Улар сўзларнинг туркумланишига боғлаб белгиланади. Шунга кўра сўзлар қуйидагича турларга бўлинади.

1. *Номловчи сўзлар*. Бу турга от (баъзи атоқли отлардан ташқари), феъл, сифат, равиш, сон туркумидаги сўзлар киради. Бундай сўзлар нарсани (*китоб, бино, дарахт*), ҳаракатни (*юрмоқ, ўқимоқ, ҳайдамоқ*), уларнинг турли белгиларини (*секин, эрта, кеч*), сон, миқдор номини (*бир, беш, юз*) билдиради.

2. *Ифодаловчи сўзлар*. Бундай сўзлар номлаш маъносини билдирмайди. Бу турга ундов, модал сўз ва юклама киради: *Эҳ, оҳ, вой; албатта, шубҳасиз; диққат, наҳотки, ҳатто* каби.

3. *Кўрсатувчи сўзлар*. Улар сўзлар орасидаги грамматик муносабатларни кўрсатиш учун хизмат қилади. Бу турга боғловчилар (ва, ҳам, ҳамда), кўмакчилар (билан, учун каби) киради.

4. *Олмошловчи сўзлар*. Олмош мустақил сўзлар туркумига киритилади, аммо ўзича лугавий маънони билдирмайди. Бундай маънони контекста, нутқда олади. Шунинг учун ҳам улар

олмошловчи сўзлар деб аталади. Масалан: *мен, сен, у, ким, нима* каби.

5. *Атовчи сўзлар*. Атоқли отларнинг маълум турлари лексик маъно англатмайди. Шу жиҳатига кўра бундай сўзлар турдош отлардан, шунингдек, номловчи бошқа туркум сўзлардан кескин фарқ қилади. Тушунчани ифодаламайдиган, лексик маъно англатмайдиган бундай атоқли отлар *атовчи сўзлар* деб юритилади. Масалан, *муҳаббат* номловчи сўз сифатида маълум бир ҳис-туйғу ҳақидаги тушунчани англатади. *Муҳаббат* исм бўлиб келганда эса фақат атайди, лексик маъно англатмайди, асосий тушунчани ифодаламай қўяди. Шунинг учун ҳам шартли равишда исталган қизнинг исмини *Муҳаббат* деб аташ мумкин.

Кўринадики, тилнинг луғат таркибидаги барча сўзлар маъно жиҳатидан бир хил эмас. Булардан фақат номловчи сўзларгина предмет, воқеа-ҳодисалар, ҳаракат, ҳолатлар ва уларга оид бўлган белги-хусусиятлар ҳақидаги тушунчаларни билдиради. Шунинг учун улар лексик маъноли сўзлар ҳисобланади. Ифодаловчи, кўрсатувчи, олмошловчи, атовчи сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас ва улар лексик маъно билдирмайди. Шунга кўра лексикологиянинг урганиш объектига кирмайди. Лексикологияда фақат номловчи сўзлар урганилади.

Лексикология сўзнинг қуйидаги хусусиятлари ҳақида маълумот беради:

1. Сўзнинг маъноси (семантикаси) билан боғлиқ жиҳатлари.
2. Сўзнинг (лексеманинг) тил бирлиги сифатида ифода ва мазмун планига эгаллиги.
3. Сўзнинг (лексеманинг) семантик таркиби.
4. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари.
5. Сўзнинг лексик birlik сифатида ўз ёки узлашган эканлиги.
6. Сўзнинг қўлланиш даражаси, умумий ёки чегараланганлиги.
7. Сўзнинг замонавийлиги, тарихийлиги.
8. Сўзнинг эмоционал-экспрессив ва услубий бўёқдорлиги.

47– машқ. Уқинг. Берилган матндаги сўзларни қуйидагича гуруҳларга ажратиб кўчиринг

1. Номловчи сўзлар:
2. Ифодаловчи сўзлар:
3. Кўрсатувчи сўзлар:
4. Олмошловчи сўзлар:
5. Атовчи сўзлар.

Қуёш булутлардан алақачон чиқиб олган. Том буготларидан, тарновлардан чак-чак сув томади. Томлар тутатиб кетган, ҳаммаси бугот. Онда-сонда тунука том кўринади, бу албатта бойнинг ичкари-ташқари ҳовлиси, деяверинг.

Бизнинг уйда Исадан бошқа қор курайдиган одам йўқ. Бобом ҳассада, кекса, мен бўлсам кичкина. Мактабдан қайтгандан сўнг Иса

томга чиқади, эриган қорни зурга-зурга ҳовлига ташлайди. Ҳар ташлаганда бир «уж!» деб қўяди. Мен бир белни сургаб, нарвонга чиқаман. Оппоқ қор босган тоғлар яқин кўринади.

- Э-э! Қўй! Белни ташла! - қичқиради томдан Иса.

- Қўшнилاردан сўрасам биттасиям курагини бермайди, ҳаммаси, ўзимизга керак, дейди, - дейман ноҳуш товуш билан, белни ерга отаман-да, бурнимдан келган сувни енгларим билан артаман.

- Туш пастга, фалокат ёмон бўлади-я, туш, том жуда сирганчиқ! - дейди Иса томдан туриб.

Нарвондан аста истамасдангина тушаман-да, кучада бир оз айлангандан кейин Тожи бувимникига чиқаман. (Ойбек)

48- машқ. Матндан лексик маъно ифодаламайдиган сўзларни аниқлаш ва уларнинг нима сабабдан лексик маъно ифодамай олмаслигини тушунтиринг.

Лекин Бобур сўнги йилларда кўп касал бўлиб, жуда озиб кетган, жуссаси хийла кичрайиб қолган эди. Хондамир унинг ўзини қанчалик оддириб қўйганини Секри тоғига сайрга чиққанларида офтоб ёруғида жуда аниқ кўрди. Бобур Секри тоғининг муъжазлиги ва текис жойга тушганлиги Ўшдаги Бураатоғни эслатиши ҳақида гапирар, тоғ этагидаги кўл ичига қурилаётган тошсупани кўли билан курсатар, пастда қулф уриб ўсган ям-яшил боғ ва дарахтлар орасидан кўриниб турган янги иморатлар қандай барпо бўлганини ҳикоя қиларди.

Хондамир эса унинг суяги буртиб қолган озгин юзига, кўз атрофлари ва пешонасидаги қават-қават ажинларига, уйқусизликдан ичига ботиб кетган қовоқларига қараб, ич-ичидан унга куюнар эди.

Тогдан кўл томонга тушиб борётганларида Бобур Хондамирнинг бу куюнишини сезгандай бўлиб:

- Менинг тақдирим галати, мавлоно, - деди. - Атрофимни обод қилганим сари ўзим сўлиб бормоқдамен.

- Унчалик эмасиз... ҳар қалай, ўзингизга ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилишингиз зарурмикин?

- Зарурликка зарур. Лекин мамлакат қанчалик улкан бўлса, уни идора этиш шунчалик қийинашар экан. Мен зўр бир давлат тузиш мақсадини зиммамга олганимда бунинг қанчалик мушкул эканини тасаввур қилмаган эканмен. (Пириқул Қодиров)

СЎЗНИНГ СЕМАНТИК ТАРКИБИ

Сўз бир қанча таркибларга — фонетик, семантик, морфемик, сўз ясалиш, морфологик таркибларга бўлиб ўрганилади.

Сўзнинг семантик таркиби лугавий бирликнинг мазмун планига киради. Лугавий бирлик сифатида сўзнинг семантик таркиби икки ҳодисадан — лексик маъно ва қўшимча маъно қирраларидан (оттенкаларидан) таркиб топади. Сўзнинг семантик таркиби билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи соҳага *семасиология* дейилади.

ЛЕКСИК МАЪНО

Лугавий бирликнинг мазмун планида, семантик таркибида асосий ҳодиса лугавий маъно бўлиб, у сўзга нисбатан *лексик маъно* деб юритилади.

Сўзнинг борлиқдаги нарса, белги ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти (тасаввури), лугавий мундарижасига *лексик маъно* дейилади. Масалан, *ёз, баҳор, қиш, куз* каби сўзлар фасл турларини; *оқ, қора, қизил* каби сўзлар ранг турларини; *ўқи, юр, чал* каби сўзлар маълум типдаги ҳаракат турларини; *беш, ўн, йигирма, юз* каби сўзлар маълум миқдор номларини билдиради.

ЛЕКСИК МАЪНО ВА ТУШУНЧА

Сўз ўзининг лексик маъноси билан борлиқдаги нарса, ҳаракат, белги кабиларнинг айнан ўзини эмас, балки улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди. Шунга кўра лексик маъно деб, одатда, тушунча таъкидланади. *Тушунча* бу борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг киши онгидаги умумлашган инъикосидир. Тушунча бир турдаги нарса-ҳодисаларга хос умумий белгиларни бирлаштиради. Масалан, *мева, одам* ҳақидаги тушунча уларнинг айни бир турини эмас, балки мева ва одамларга хос умумий белгиларини бирлаштиради.

Сўз тушунча ифодалар экан, яъни сўзнинг маъноси тушунча билан боғланар экан, лексик маъно ва тушунча сўзнинг семантик таркибидаги асосий ҳодисалар ҳисобланади. Улар узаро узвий боғлиқ. Аммо улар тенг ҳодисалар эмас. Лексик маъно тилга хос ҳодиса, тушунча эса тафаккурга хос ҳодисадир.

Тушунча ифодалаш фақат номловчи сўзларга хос хусусият. Бундай сўзларни номинатив маънога эга бўлган сўзлар деб юритилади. Шу жиҳатдан қараганда, номинатив маънога эга бўлмаган мустақил сўзлар (Олмош туркумига оид сўзлар), шунингдек, мустақил бўлмаган сўзлар (Масалан, ёрдамчи сўзлар, ундовлар) тушунча ифодаламайди.

Лексик маъно билан тушунча боғланган бўлади, лекин улар бир-бирини тамомила қоплай олмайди. Лексик маънода нарса, белги ёки ҳаракатнинг айрим томони акс этмаслиги ва аксинча, уларнинг айрим томонлари алоҳида (таъкидли тарзда) ифодаланиши мумкин. Масалан, *лавозим, мансаб* сўзлари маълум масъул вазифа маъносига эга. *Мансаб* сўзи шу маънони билдиришдан ташқари, салбий қиррага ҳам эга. Кўринадики, *мансаб* сўзининг маъносида тушунчанинг ана шу қирраси ҳам акс этган. *Мириқмоқ* феъли умуман қониқиш, туйишнигина эмас, балки роҳатланиб туйишни билдиради.

Лексик маънодаги тушунчадан фарқли бўлган юқоридаги сўзлардаги каби белги-хусусиятлар маъно оттенкалари (қирралари) деб юритилади.

Лексик маъно билан тушунча муносабати ҳақида фикр юритилганда, **термин** сўзларнинг узига хос жиҳатларни таъкидлаш лозим. Терминларда лексик маъно ва тушунча орасида тенглик булади. Терминлар ўз маъносининг аниқ белгилаб қўйилганлиги билан бошқа сўзлардан фарқ қилади.

Термин ҳар вақт аини тушунчани англатади. Масалан, химиядаги сув термини фақат H_2O тушунчаси билан белгилаб қўйилган.

СЎЗНИНГ ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ ВА УСЛУБИЙ БУЁГИ

Сўзнинг семантик таркибини лексик маънодан ташқари яна қуйидаги қўшимча отгенкалар (қирралар) ташкил этади:

1. Сўзнинг эмоционал-экспрессив буюғи.
2. Сўзнинг услубий буюғи.

Эмоционал-экспрессив буюғ сўзнинг лексик маъносига қўшимча тарзи, кишининг турли ҳиссий муносабатларини, унинг ҳис-туйгуларини, кайфиятини ифодаловчи белгиларидир. Кишиларнинг воқеликка бўлган ҳиссий муносабатлари, ҳис-туйгулари ижобий ёки салбий булиши мумкин. Масалан: *бет, афт, башара, турқ* сўзлари салбий, *чеҳра, ораз, руҳсор* сўзлари ижобий ҳиссий муносабатни ифодалайди.

Услубий (стилистик) буюғ сўзнинг нутқ кўринишларидан (услублардан) бирига мансублигини кўрсатувчи белги-хусусиятдир. Масалан: *армуғоң, гирён, гулру, дилафруз, жушмоқ,, мардонавор, маҳваш, нетай, паймона* каби сўзлар бадийий услубга хос буюғдор сўзлар саналади. *Кетворган, паққос туширмақ, қитдай, турқ, бояқиш* каби сўзлар эса оддий-сўзлашув услубига хосдир.

Тилда эмоционал-экспрессив ва услубий буюғ қуйидаги усулларда ифодаланади:

1. Лексик усулда
2. Сўзнинг метофорик қўллаш усулида
3. Аффиксация усулида
4. Контекстуал усулда
5. Фонетик усулда

1. Лексик усулга кўра буюғдорлик сўз негизининг ўзи билан ифодаланади, яъни буюғдорлик сўзнинг ўзида булади. Буни лексик ифодаланиш дейилади. Масалан, *азамат, дилбар, дилдора, лобар, хушсурат, фусункор, парируй, ойпарча, нуроний, ҳассос; номард, маккор, каззоб, беномуқ, хонн, иғвогар, ифлос* каби.

2. Сўзни метафорик қўллаш ёрдамида кенг маънодаги предмет ёки ҳаракат номлари инсонга нисбатан, унинг табиати ва ҳаракат белгиларини характерлашга мўлжаллаб ишлатилади Бундай ўшатишда сўзловчининг бирор шахсга ёки ҳаракатга нисбатан ёрқин

ҳиссий муносабат^И ифодаланади. Масалан, *булбул, лочин, қўчқор, оҳу* ижобий ҳиссий муносабат ифодалайди. *Тунғиз, эшак, акилламоқ, сангимоқ* салбий ҳиссий муносабат ифодалайди.

3. *Аффиксация усулида* бўёқдорлик маълум қўшимча морфема ёрдамида ифодаланади. Буни морфологик ифодаланиш дейилади. Масалан, *қизгина, қизча, келинчак, отажон* каби. Бу усулга кўра сўзга *-ча, -хон, -жон, -тина, -жай, -лоқ, -чак, -вой (-бой), -ой, -бонув* каби морфемалар қўшилиб ижобий эмоционал экспрессив бўёқдорлик ифодаланади.

4. *Контекстуал усулга* кўра сўзни ўз ўрнида эмас, бошқа ўринда қўлаш асосида бўёқдорлик ҳосил қилинади. Буни контекстуал ифодаланиш дейилади. Контекстуал усулга кўра асосан киноя маъноси ифодаланади.

Масалан: 1. *-Ҳа, полвон, вазифани бажармабдилар-ку! 2.- Қойилман, ёлгонни ҳам дўндирдинг.* Бу гаплардаги *полвон, қойилман* сўзлари ўз ўрнида эмас, киноя мақсадида, тескари маънода қўлланган.

5. *Фонетик усулга* кўра сўз таркибидаги бирор товуш орттирилиши орқали ёки ургунинг ўрнини ўзгартириш орқали бўёқдорлик ҳосил қилинади. Бу кўпроқ оғзаки нутққа хос. Масалан, *Аввало йул ҳаққини туланг. Душман яшшамагур, кетди.*

48- машқ. А.Ориповнинг «Муаллимларга» шеърисида берилган сўзларнинг ифодаланган тушунчалари асосида қуйидагича гуруҳларга ажратиб дафтарингизга кўчиринг.

I. Нарса ёки ҳодиса тушунчаларини ифодаловчи сўзлар.

II. Белги тушунчаларини ифодаловчи сўзлар.

III. Ҳаракат ёки ҳолат тушунчаларини ифодаловчи сўзлар.

МУАЛЛИМЛАРГА.

Нечог бахтиёрман, таъзимда шу тоб

Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.

Не одам бўлардим, қўлимда китоб

Бирор ҳарф танитай турсайдим лоқайд.

Сиз-ку«Алифбо»дан «Қомус»гача то

Бари –барисини танитган устоз.

Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухра

Букун шеърим ичра ташбиҳдир мумтоз.

Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду

Оқибат қуёшдех соча олур нур.

Буюклар ҳаққига қасамёд гап бу:

Сиздан бошланади асли Тафаккур.

Оламда кўп эрур муборак онлар,

Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.

Сизгадир илк раҳмат, азиз инсонлар,

Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур.

(А. Орипов)

49- машқ. Ажратиб курсатилган сўзларнинг тилда ифодалаган асосий тушунчадан ташқари яна қандай қўшимча қирраларга эга эканлигини аниқланг.

1. Биз уялибгина нон тишлаймиз, ширинликлардан унча-мунча **тотивамиз**. (Ойбек). 2. Ариқ буйидаги пашшахонада кўрпага уранган икки одам гумбаздай **душайиб** ётипти. (О. Ёқубов) 3. Буюклар **ҳаққига** қасамёд гап бу: Сиздан бошланади асли Тафаккур. (А.Орипов) 4. Биламан, беклар даштда изғиб юрган **шайбоний**зодаларга қарши урушмоқ қасдидалар. (П.Қодиров). 5. Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўглининг **дўд-фи**роқида куйиб, ёниб қолиптилар. (А.Қаҳҳор) 6. **Ўғлим**, келин келгунча уйингдагилар учун бола эдинг, унча-мунчага сендан гина қилмасдилар. (Т.Содиқова) 7. **Келин** ойим, эсингизда бўлсинки, **жигарлар** ўзлари ҳеч қачон бир-бирларидан совумайди, уларни орага кирган бегоналар ажратади. (Т.Содиқова) 8. Мен жуда **ажойиб** истеъдод **соҳибларини** топиб олдим, уларнинг шеърлари сизга яна узоқ умр **бахш** этади, энди сиз ҳам янги офтоб, янги ой тугрисида шеър ёзишингиз керак! (С.Абдулла) 9. –Нима қилиб бу ерда турибсан, **чирогим**, яхшиликка бўлсин эди, – деди чол. (Ғ.Ғулом).

ЛЕКСИК МАЪНО ВА ЛЕКСИК ҚўЛЛАШ

Маълумки, лексик маъно ҳам худди сўз каби тил бирлиги саналади. Лекин сўзнинг маъноси ҳар гал контекстда, нутқда намоён бўлади. Шунга кўра сўзлар контекстда икки хил маънони ифодалайди:

1. Узул маънони ифодалайди.
2. Окказионал маънони ифодалайди.

Узул маъно сўзнинг семантик тартибда бор булган маъносидир. У ҳар гал нутқда яратилмайди. Тил бирлиги сифатида, маълум контекстда, бошқа лексик birlikлар қўршовида намоён бўлади. Буни **чиқмоқ** феъл мисолида кўришимиз мумкин: 1. ... суфи мезонага **чиқиб** азон айтди (А.Қодирий) 2. Унинг босими икки юзга **чиқди**. 3. Шу вақтда ичкаридан Ойбодоқ **чиқиб**, Отабек ёнига келди (А.Қодирий). 4. Чигит униб **чиқди**. 5. Қуёш **чиқди**. 6. Узумнинг суви **чиқди**. 7. Йиқилиб қули **чиқди**. 8. Китоб нашрдан **чиқди**.

Окказионал маъно фақат контекстуал ҳолатта кўра айрим сўзларда ўз ифодасини топади. Буни А.Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироглари» асаридан олинган парчадан кўришимиз мумкин: *«Жужуқ» ўз устозидан асосий гапни яширар юлқа лабидан аримайдиган табассум, думи хуржунда гаплари билан гўё: «Билиб нима қилсан? Сен қурган елкан алақачонлар гарқ бўлган. Бизнинг қайиқда моҳир эшкакчи бўлмаган одам ортиқча юк. Бундан ташқари сен пистони чақилган одамсан, бизнинг қўлимизда узун косов бўлиб хизмат қилишдан бошқа ишга ярамайсан» демоқчи бўлар эди.*

Сўзга бирор маънони сунъий равишда тиркаб қўйилиши нутқий ҳодиса саналади. Тилшуносликка оид адабиётларда бундай

маънони «окказионал маъно», «нутқий маъно», «контекстуал маъно», «индивидуал маъно» каби номлаб келинади. Сўзнинг бундай маъно билан қўлланиши эса «лексик қўллаш» деб ҳам юритилади.

50- машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг шу гап таркибда ифодаланган маъноларини аниқланг. Лексик қўллаш ҳодисасини тушунтиринг.

1. –Сиз яхши эмас дейсиз, жаноб ҳожи ака. Аммо кўпчилик менга раҳмат ёғдирыпти. – Сиз шоир бўладиган бўсангиз, оддий авомнинг раҳматига учманг, бир кун панд еб қоласиз! (С.Абдулла) 2. Ота-она бола боқиб эмас, келин кўриб, қиз чиқаргач кўпроқ азият чекадилар. Уларнинг кун ботарида дуосини олиб қолинг, келин ойим! (Т.Содиқова). 3. Келин келгач, бир булбулнинг иккита булгандай, икки ой, икки қуёш уйинга барабар тушгандай бўлади (Т.Содиқова) 4. Бирпасдан кейин Фармонқул, унинг кетидан хотин қизини етаклаб кирди. У мекдан қочмади. Ҳаммамиз утирибмиз, қани энди биронтамиздан садо чиқса! Ҳайрият, ҳалиги қиз бор экан – гапга кавшар бўлди... (А.Қаҳҳор) 5. Бола гизиллаб ичкаридан каттакон ногорани олиб чиқади (Ойбек) 6.–Сўкса сўкаверсин, мен эшитмагандан кейин оғзига келганини ўтласин (Ғ.Ғулом) 7. Шаҳарнинг тор кўчаларида янтраган қўнғироқ овози деворларга урилиб, майдаланар, ерга тўкилар эди (Ғ.Ғулом) 8. Олдинги келишида, у, қовоғи қора булут, ҳеч ким билан гаплашмаган, ... эди (О.Ёқубов)

БИР МАЪНОЛИЛИК ВА КўП МАЪНОЛИЛИК

Тил бирликларининг бир маънони англатишига *моносемия*, кўп маънони англатишига *полисемия* деб айтилади.

Полисемия лугавий бирликларга ҳам, грамматик бирликларга ҳам хос ҳодисадир.

Грамматик полисемияда грамматик бирликларнинг кўп маънолилиги ўрганилади. Масалан, қўшимчаларнинг кўп маънолилиги: *ишла, уйла, сўзла, аррала* каби.

Лугавий полисемияда лугавий бирликларнинг, яъни лексик бирликларнинг ва фразеологик бирликларнинг кўп маънолилиги ўрганилади.

Лексик бирликларни сўзлар, фразеологик бирликларни иборалар ташкил этади.

Сўзнинг, лексеманинг бир маънолилиги ва кўп маънолилиги лексикологияда ўрганилади.

Сўз янги яратилган, янги ўзлаштирилган даврида бир маъноли бўлади. Тараққийёт натижасида кейинчалик у кўп маъноли сўзга айланиши мумкин. Шунингдек, терминлар ҳам бир маъноли бўлади. Масалан, фонема, морфема, синтаксис (тилуносликка оид), брокер, менежер, менежмент (иқтисодга доир), агрегат, трактор, култивация (қишлоқ ҳужалигига оид).

Сўзнинг бирдан ортиқ лексик маънога эга бўлиши лексик полисемия дейилади. Масалан, Булоқнинг кўзи очилди. Унинг кўзи яхши кўра бошлади. Мисолларда кўз сўзи икки хил маъносида келган.

Лексик полисемиянинг асосий хусусияти шуки, сўз қанчалик кўп маъноли бўлмасин, лексик маънолар орасида маълум муносабат, боғланиш бўлади. Буни **Жой1**. Аравалар **жойидан** кузгалишди (С.Аҳмад). – «Шахс ёки нарсас-предмет ишғол қилган, эгаллаган, банд қилган юза, сатҳ, макон» маъносида. **Жой2**. Низомжон қурилиш бўлаётган **жойда** машина гуриллаганини эшитган эди. (С.Аҳмад) – «Воқеа ёки ҳодиса содир бўладиган, иш-ҳаракат бажариладиган юза, сатҳ, пункт» маъносида. **Жой3**. Юнусобод деган **жойдан** келаяпман. (Ойбек) – «Қандайдир исм билан аталадиган географик майдон, юза, сатҳ, территория» маъносида. **Жой4**. Бойлар, бойвачалар анойи эмас, унга ўз меҳмонхоналаридан **жой** бериб. (Ойбек) – «Яшаш учун мўлжалланган юза, макон» маъносида. **Жой5**. Чўлда йигирма сотиҳ **жойга** ўзим учун шоли экдим. (С.Аҳмад) – «Экин экиладиган сатҳ, юза, макон» маъносида. **Жой6**. Кифоятхон **жой** солди ва бошини рўйжага буркаб ётди. (А.Қаҳҳор) – «Ётиш учун мўлжаллаб бирор сатҳга, юзга тўшалган кўрпа, ёстиқ ва шу кабиларнинг йиғиндиси» маъносида.

Бу мисоллар асосида **жой** сўзининг 6 та лексик маъноси ўзаро юза, сатҳ, макон маъно компонентларда бир-бири билан боғлиқ эканлигини сезиш қийин эмас.

51- машқ. Берилган бир маъноли (моносемантик) ва кўп маъноли (полисемантик) сўзларни икки гуруҳга ажратиб кучиринг. Кўп маъноли сўзларнинг ҳар бир маъноси асосида гап тузинг.

Акустик, балаңд, биржа, вазифа, жанр, дала, зўр, акция, асал, бет, багир, алгебра, гап, давлат, ибора, ватан, газета, дифтонг, жилов, иссиқ, қалит, синтаксис, нутқ, мукофот, ичмоқ, антоним, вергул.

52- машқ. Матндаги кўп маъноли сўзларни ажратинг ва уларнинг қайси маъноларда келганлигини аниқланг.

Қоронғу тушди. Узоқда қоп-қорайиб ярим осмонни тўсиб турган адирнинг устида, уфқда ўтли из қолдириб юлдузлар учади. То адирнинг этагига етгунча Турғунойнинг ковуши ишдан чиқди, адирга маҳсичан чиқишга тўғри келди. Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам Турғуной тиззасини ушлаб зўрга қадам босарди. Мاستон унинг қўлидаги тугунчани олди-да, Турғунойни олдинга ўтказди, чунки унинг ҳар қадамда йиқилишига, йиқилганда то адирнинг этагигача юмалаб кетишига кўзи етар эди. Турғуной охири босган оёғини кўтара олмай тўхтаб, Мастоннинг елкасига қўлини қўйди ва пиқ-пиқ йиғлади. (А.Қаҳҳор)

Лексик маъно тараққиёти





Лексик полисемия сўзнинг семантик таркибига хос хусусиятдир. У тилнинг тараққиёти натижасида келиб чиқадиغان ҳодиса саналади. Шунга кўра унинг келтириб чиқарадиغان сабаб ва асосларини урганиш ва уларга таянган ҳолда сўзнинг маъно тараққиётини белгилаш муҳимдир.

Сўзда янги лексик маъноларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи усуллар қуйидагилар: 1) метафора усули; 2) функциядошлик усули; 3) метонимия усули; 4) синекдоха усули.



1. Бир нарса, белги, ҳаракатнинг номи бошқасига ўзаро ўхшашлик асосида кучирилса, **метафора усулида кучириляш** дейилади. Масалан: У дўстининг **биқинига** туртди. Уларнинг идораси шаҳарнинг **биқинига** жойлашган.

Метафора усулида ном кучириш фақат шаклий ўхшашлик асосида эмас, балки белги ўхшашлиги асосида ҳам, ҳаракат ўхшашлиги асосида ҳам содир бўлади.

Қиёсланг:

Бош		одамнинг боши кўчанинг боши
Тиш		одамнинг тиши арранинг тиши
Ширин		ширин олма ширин суҳбат
Чиройли		чиройли бино чиройли муомала
Қуримоқ		кўл қуриди кўйлак қуриди дарахт қуриди из қуриди
Эримоқ		муз эриди она эриди (шаштидан тушди)

2. Бирор нарсанинг номи бошқасига улар бажарган вазифасидаги ўхшашлик асосида кучирилишига **функциядошлик усулида кучириляш** дейилади. Масалан:

Қанот		қушнинг қаноти самолётнинг қаноти
Оёқ		одамнинг оёғи столнинг оёғи

3. Бир нарса, белги, ҳаракатнинг номи бошқасига ухшашлик асосида эмас, балки ўзаро боглиқлик, алоқадорлик асосида кўчирилишига *метонимия усулида кўчирилиш* дейилади.

Масалан: *Бутун қишлоқ уни олқишлади*. Бу гапдаги қишлоқ сўзи «жой», «манзил» маъносида эмас, балки шу манзилда яшовчи одамлар маъносида (кўчма маънода) қўлланган. Маъно қишлоқ билан унда яшовчилар ўртасидаги боглиқлик, муносабат асосида келиб чиққан.

Ўзаро алоқадорлик асосида белгининг номини предметга: *кўк* (белги) — *кўк* (осмон), *юпқа* (белги) — *юпқа* (таом) каби; ҳаракатнинг номини нарсага: *атала* (ҳаракат) — *атала* (таом), *куч* (ҳаракат) — *куч* (нарса) каби кўчиришлар ҳам метонимия усулида маъно кўчиришга қиритилади.

Навонийни завқ билан ўқиб чиқдим гапида Навоний атоқли оти шоирнинг асарлари маъносини ҳам билдиради. Бундай маъно нутқдагина содир бўлади. Навоний атоқли оти нутқдан ташқарида «асар» маъносини билдирмайди. Атоқли отларни нутқдагина шундай маъноларда қўллаш *контекстуал метонимия* деб ҳам юритилади.

4. Бир предметнинг номи бошқа бир предметга қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилишига *синекдоха усулида кўчирилиш* дейилади.

Масалан: *Тирноққа зор бўлди*. Бу гапда *тирноқ* сўзи (қисмнинг номи) «фарзанд» маъносида (бутуннинг номи) келган. *Беш қул баробар эмас*. Бу гапда *қул* (бутуннинг номи) бешта бармоқ (қисмнинг номи) маъносида келган.

Лексик маъно турлари

Лексик маъно турлича нуқтаи назардан ёндошилиш асосида: бош маъно ва ҳосила маъно; тўғри маъно ва кўчма маъно; номинатив (номловчи) маъно ва фигурал (мажозий) маъно каби турларга бўлинади.

Бош маъно ва ҳосила маъно. Сўзнинг семантик таркибидаги лексик маъноларнинг юзага чиқиши учун асос бўлган маънога *бош маъно* дейилади. Бош маъно асосида юзага келган лексик маънога *ҳосила* ёки *ясама маъно* деб аталади.

Қиёсланг:

Сўзнинг бош маъноси.
маъноси.

Сўзнинг ҳосила

Одамнинг қулоғи.

Қозоннинг қулоғи.

Одамнинг лаби.

Дарёнинг лаби.

Тоza кўйлак.

Тоza мурч.

Тўғри маъно ва кўчма маъно. Сўзнинг бош маъноси *тўғри маъно*, ҳосила маъноси эса *кўчма маъно* деб ҳам аталади.

Қиёсланг:

Сўзнинг тўғри маъноси.

Сўзнинг кўчма маъноси.

Одамнинг тиши.

Арранинг тиши.

Пахта (усимлик)
Ўчирмоқ (оловни).

Пахта (юмшоқ) олма.
Ўчирмоқ (ёзувни).

Номинатив (номловчи) маъно ва фигурал (мажозий) маъно.


Номинатив маъно тушунча билан бевосита боғланувчи нарса, белги ёки ҳаракатнинг номи бўлиб хизмат қилувчи лексик маънодир. Масалан, олманинг гули, боланинг тили. Бу мисолларда гул ва тил сўзлари бевосита тушунча билан боғлиқдир. Фигурал маъно эса нарса, белги ёки ҳаракат билан бевосита боғланмайди. Масалан, йигитнинг гули, деҳқончиликнинг тили. Бу мисолларда гул ва тил сўзлари бевосита тушунчаларнинг номини билдирмайди. Улар мажозий маънода қўлланган.


Номинатив маъно бевосита воқеликни номлайди. Шунга кўра сўзнинг семантик таркибида бир нечта номинатив маъно бўлиши мумкин. Ҳосила маъно ҳам тушунча билан боғланса номинатив маъно бўлади.

Қиёсланг:

Номинатив маъно.

Фигурал маъно.

Кўз 
одамнинг кўзи
тахтанинг кўзи
булоқнинг кўзи
узукнинг кўзи
кўзи

Кўз 
ишнинг кўзи
деҳқончиликнинг

Аччиқ гаримдори

— аччиқ гап

Ёнмоқ (олов ёнди)

— ёнмоқ (аламдан ёнди)

Қизармоқ (қизил рангга кирмоқ) — қизармоқ («уялмоқ»)

53— машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъно турларини ва маъно кўчиш усулларини аниқланг.

1. Терак учида осилиб турган уч кунлик ой нафис тилла камондай ялтиллайди. (О.Ёқубов) 2. Фақат ингичка, узун занжирли, кичкина, лекин гоят чиройли, мўъжаз, қопқоғида бриллиантлар ёнган олтин соатни олиб томоша қилди. (Ойбек) 3. — Ҳар нарсага рўзгор аччиқ була берса ... қийинроқ бўлар, — деди Туробжон. (А.Қаҳҳор) 4. ... ақлли Йўлчи бу ҳодисанинг табиий эканига чуқур ишонди. (Ойбек) 5. — Яхши, яхши, барақалла, жуда ҳам қуруқ келмагандирсан, бирор ишинг бордур, хўш, нимага келдинг? (Ғ.Ғулом) 6. Раҳматилла Обидий таги қўдонлик бўлиб, ... газетхон бойваччалардан бири эди. (А.Қаҳҳор) 7. Жамила оғир уйга толган кишидай индамас эди (М.Исмоилий). 8. Гузар томонда фақат битта чироқ милтиллар эди. Самоварлар ётган. Қайтиб уйга кирди. (А.Қаҳҳор) 9. Самовар, чойнакларни артиб, куракча билан куллари олиб челақка солдим... (Ғ.Ғулом) 10. Мана шундай вақтларда тил қотиб оғизда айланмай қолади, мабодо айланса, муштнинг хизматини қилади. (А.Қаҳҳор) 11. Шунинг учун йўлнинг учдан бирини утмасданоқ бояги хуррамликдан асар ҳам

қолмади (О.Ёқубов) 12. Хотин индамай дастурхонни йиғиштириб олди, ... (А.Қаҳҳор) 13. Кафтда сиқила-сиқила қаттиқлашган, тухумдай қор «ёвга» тегмай, адашиб, Йулчининг бошини ялаб, дупписини қийшайтириб ўтади. (Ойбек) 14. Овқат пишди. Туробжон икки коса ичди, хотини эса ҳануз бир косани яримлатолмас эди. (А.Қаҳҳор)

54- машқ. Урин, урта, ора, атала, аъзо, бол, гап, гул, туз, касал, куч, кўз сўзларининг маънолари асосида гаплар тузинг.

Намуна:

1. Нури *урнидан* қўзғалмасдан, совуққина сўрашди. (Ойбек) 2. Асосий ишлар ... Авлиёқудуқ тепалиги *урнида* борарди. (Ж.Абдуллахонов) 3. У келганда Қурбон ота *урнида* ёнбошлаб ётар ... эди. (А.Қаҳҳор) 4. Пайвандчилик ёмонми? ... Етиб олиб, *урнинг*ни эгалласамми, дедим. (Ж.Абдуллахонов) 5. Зебихонга ота *урнида* бўлиб қолдим. (С.Аҳмад)

СИНОНИМИЯ

Тил бирликларининг бирлаштирувчи маъноси асосида гуруҳланишига **СИНОНИМИЯ** дейилади. Синонимия сўзи юнонча бўлиб, *synonymon* – «биргаликка исмлаш» демакдир.

Синонимия тил бирликларининг ўзаро маъно умумийлигига кўра юзага келади. Синонимияда икки ва ундан ортиқ тил бирликларининг ўзаро маъно муносабати мавжуддир. Луғавий бирликлар ҳам, грамматик бирликлар ҳам синонимик алоқага кириша олади.

1. **ЛУҒАВИЙ СИНОНИМИЯ.** Бунда лексик ҳамда фразеологик бирликларнинг ўзаро 3 хил синонимик муносабатлари назарда тутилади.

1. Лексик синонимия. Бунда сўзларнинг ўзаро синонимик алоқаси кузатилади. Масалан: иноқ, аҳил, қадрдон, тотув, иттифоқ, қалин, апоқ-чапоқ.

2. Фразеологик синонимия. Бунда ибораларнинг ўзаро синонимик алоқаси кузатилади. Малан: баҳри очилди, димоғи чоғ бўлди, кайфи чоғ бўлди.

3. Лексик – фразеологик синонимия. Бунда сўз билан иборанинг ўзаро синонимик алоқаси кузатилади. Масалан: юраги ёрилди, ўтакаси ёрилди – қўрқди.

II. **ГРАММАТИК СИНОНИМИЯ.** Бунда ўзаро синонимик муносабатта грамматик бирликлар (қўшимчалар, сўз бирикмалари, гаплар) киришади. Грамматик синонимия 2 хил бўлади: 1) **МОРФОЛОГИК СИНОНИМИЯ** – ўзаро синонимик муносабатта морфологик бирликлар киришади. Масалан, қўшимчалар синонимияси: *серсоқол* – *соқолдор*, *келяшман* – *келаетирман* – *келмоқдаман*; 2) **СИНТАКТИК СИНОНИМИЯ** – ўзаро синонимик муносабатта синтактик бирликлар киришади: *укамга олдим* – *укам учун олдим*, *телефонда гаплашдим* – *телефон орқали гаплашдим*.

Сўзлар синонимияси

Талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлган сўзларга **синонимлар** дейилади. Синонимлар бир сўз туркуми доирасида бўлади. Масалан: *сезгир, зийрак, туйғун, ҳушёр, сергак, тийрак* – сифат; *қобилият, лаёқат, истеъдод, талант, салоҳият, уқув* – от; *қайнамоқ, жушмоқ, ёнмоқ* – феъл.

Бир умумий (бирлаштирувчи) маъноси билан ўзаро боғланувчи сўзлар гуруҳига **синонимик қатор** дейилади. Масалан: нур, шўла, ёғду, зиё; айб, нуқсон, нуқс, қусур, иллат. Бу синонимик қаторларда *нур* ва *айб* сўзлари **доминанга** саналади.

Синонимик қатордаги сўзлар бир-бирларидан қайсидир белги-хусусиятларига кўра фарқланиб туради. Синонимларнинг айни маънони англатиши, маъно умумийлигига эга бўлиши дейилганда, маънода тенглик тушунилмайди. Ҳеч вақт сўзлар маъноларига кўра ҳар жиҳатдан тенг келмайди. Шунинг учун ҳам сўзлар алоҳида-алоҳида лексик birlikлар сифатида яшаш имкониятига эгадирлар.

Синоним сўзлар айни бир бирлаштирувчи маънога эга бўлиши билан бирга қуйидаги жиҳатларига кўра фарқланиб туради: 1) маъно қиррасига кўра, 2) услубий жиҳатига кўра, 3) нутқий хосланишига кўра. Шунга кўра синонимларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Идеографик синонимлар. Бу турдаги синонимлар ўзаро маъно қиррасига кўра фарқланади. Масалан, *аниқ, равшан, ёрқин* сўзлари бир синонимик қаторга бирлашса ҳам, маъно қирраларига кўра фарқланади. Аниқ фикр, равшан фикр, ёрқин фикр. Бу мисолларда белги даражаси аниққа нисбатан равшанда, равшанга нисбатан ёрқинда кучлидир.

2. Услубий синонимлар. Бу турдаги синонимлар ўзаро услубий баҳо буюқдорлиги жиҳатидан фарқланади. Масалан, *гавдали, жуссали, барваста, норгул, қоматдор, барзанги.* Буюқдорлик даражаси гавдалида нейтрал, жуссали, барваста, норгул, қоматдорда ижобий буюққа эга, барзангида салбий буюққа эга.

3. Нутқий синонимлар. Бу турдаги синонимлар ўзаро нутқий хосланиш белгисига кўра фарқланади. Масалан, *нур* – *умунутққа хос*, *ёғду* – *бадий нутққа хос сўз*; *яна* – *умунутққа хос*, *тагин* – *сўзлашув нутқига хос.*

4. Контекстуал синонимлар. Синонимия тил birlikлари орасидаги муносабат асосида туғилади. Лексик қўллаш асосида синонимия ҳосил бўлмайди. Чунки лексик қўллаш лексик маъно деб қаралмайди. Лексик маъно билан лексик қўллаш орасидаги синонимик муносабат контекстуал синонимлар деб номланади. Масалан, *адиб, ёзувчи, автор* синонимик қатори маълум контекстда Ойбек атоқли отига контекстуал синоним бўлади.

5. Абсолют синонимлар. Ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг бўлган синонимларга айтилади. Масалан, *сурат-расм, сўроқ-савол, хабар-*

дарак, агитация-ташвиқот, тема-мавзу. Бундай синонимлар лексик дублетлар деб ҳам юритилади.

Синонимлар тилда икки асосий ҳодиса натижасида пайдо бўлади:

1. Тилда янги сўзнинг пайдо бўлиши натижасида.
2. Тилда мавжуд бўлган сўзнинг янги маъно касб этиши натижасида.

1. Тилда янги сўзлар икки йўл билан ҳосил бўлади: 1) бошқа тиллардан янги сўз ўзлаштириш асосида. Масалан, *севги* (ўзбекча) - *муҳаббат* (арабча), *от* (ўзбекча) - *исм* (арабча), *манглай* (ўзбекча) - *пешона* (тожикча), *қушин* (ўзбекча) - *армия* (русча); 2) тилда бор сўзлар асосида сўз яшаш орқали ҳосил бўулади. Масалан, *вазифа* - *тошшириқ, маош* - *ойлик*.

2. Сўзларнинг янги маъно касб этиши ҳам синонимларни юзага келтиради. Масалан: *урин* - жой, *урин* - лавозим.

Тилда синонимларнинг аҳамияти катта. Фикрни аниқ, мақсадга мувофиқ ифодалаш учун хизмат қилади. Булардан ташқари, синоним сўзлардан жуфт сўзлар ҳам тузилади: ор-номус, бахт-саодат каби.

55- машқ. Қуйида берилган гаплар таркибида қатнашган синонимик қаторларни аниқланг.

1. Қизиқ, бу одамга нима етмайди? Ихтиёридаги вақфлардан беҳисоб бойликлар дарёдай оқиб келади, ... (П.Қодиров). 2. —Барака топинг, мулла Абду Гафур. Лиму кўп шифоли нарса бўлади (С.Аҳмад). 3. Далада ҳосил сероб бўлди. 4. Сал нарсадан қувониб, сал нарсага мул-мул ёш тукканини ҳам кўп кўрганман (С.Аҳмад). 5. Қор қоплаган уюмлар ҳам талайгина (А.Нурпешов). 6. Қишлогимиздан анча одам келган. 7. Бу йил ҳосилимиз мул бўлди. 8. Шундай гўзал қиз Ҳумоюнга ўтил тилаб қулини юзига сургани йигитга беҳад ёқимли туюлди (П.Қодиров). 9. Богимизда мевалар бисёр. 10. Осмон сен туфайли сайр этувчи, ер эса осойишта, фалакдаги Баҳром газабнок, Зухранинг Дилороми эса, чанг чалувчидир (А.Навоий). 11. Сенинг қудратинг олдида фалакнинг қадрияти, сар-сар шамоли эсганда ҳосил бўладиган сув юзасидаги олти-етти пуфакчалардекдир (А.Навоий). 12. Олмос бетоб. Москва касалхонаси палатасида кўкка боқиб ётибди (С.Аҳмад). 13. Сен даҳрнинг бунёдини қилаётганингда кўк осмонни етти гумбаз билан яратдинг (А.Навоий). 14. Бордур манга золим ики: гардун бири, дилбар бири, Ашким била оҳим эрур Жайхун бири, Сарсар бири, (Мунис). 15. Гаҳи топдим фалакдин нотавонлиг, Гаҳи кўрдим замондин камронлиг (А.Навоий). 16. Гардун манга гаҳ жафоу дунлуқ қилди, Бахтим киб ҳар ишга забунлуқ қилди (А.Навоий).

56- машқ. Қуйида берилган сўзларнинг синонимларини топиб, улар қатнашган гаплар тузинг.

Айёр, вақт, етук, жаҳл, жуда, истак, катта, кўнмоқ, овқат, уста, ўсмоқ.

57- машқ. Қуйидаги синонимик қаторлардаги бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни аниқланг, қайси тилдан ўзлашганлигини белгиланг.

Агитация—ташвиқот, анализ—таҳлил, аниқ—конкрет, барг—яшроқ, барча—ҳамма, бет—саҳифа, бўсага—остона, баҳор—кўклам, бўёқ—ранг, вақт—пайт, вазифа—функция, дағал—қўпол, ёғду—нур, ёзув—хат, ёғ—мой, жумла—гап, заиф—кучсиз, идея—ғоя, инсоният—кишилиқ, ижтимоий—социал, киши—одам, кийим—либос, мавзу—тема, муаллим—ўқитувчи, мазмун—сюжет, мантлай—пешана, мулойим—юмшоқ, офтоб—қуёш, осмон—кўк, овоз—товуш, очиқ—равшан—ойдин, пишиқ—пухта, равон—силлиқ, турмуш—ҳаёт, томон—тараф, унум—ҳосил, қариндош—уруғ.

58- машқ. А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1974) асосида қуйидаги синонимик қаторларни эмоционал-экспрессив ва услубий бўёқдорлигига кўра таҳлил қилинг.

1. Жаҳл, аччиқ, газаб, қаҳр, зарда. 2. Уят, номус, шарм, ҳаё, ор, орият, андиша, ибо, иснод. 3. Жилмаймоқ, кулимсирамоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ.

ОМОНИМИЯ

Тил бирликларининг маъноларига кўра ҳар хил бўлиб, талаффузида ҳамда ёзилишида тенг келиб қолишига **ОМОНИМИЯ** дейилади. Омонимия сўзи юнонча бўлиб, *homos* – «бирдек», «бир хил», *опута* – «исм» демақдир.

Омонимия ҳодисаси лугавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжуд. Шунга кўра дастлаб омонимия 2 хил бўлади:

1. Лугавий омонимия. Бунда лексик ҳамда фразеологик бирликларнинг омонимияси назарда тутилади. Масалан, *тўр I* – табиий ёки сунъий толадан катак-катак кўзли қилиб тўқилган буюм: тўр парда, ип тўр, пардабоп тўр, бедана тугадиган тўр; *тўр II* – пойгақдаги жойга нисбатан юқоридаги жой, ҳурматли урин : Тўйхонада тўр азиз меҳмонлар учун жиҳозлаб қўйилди – **лексик омонимия**. *Бошига кутармоқ I* – «қаттиқ шовқин қилмоқ»; *бошига кутармоқ II* – «юксак даражада ҳурмат қилмоқ» – **фразеологик омонимия**.

2. Грамматик омонимия. Бунда грамматик бирликларнинг омонимияси назарда тутилади. Масалан, *-ма I* феълнинг бўлишсиз шаклини ясовчи аффикс: *Отанг боласи булма, одам боласи бул*

(мақол); **-ма** II феъдан от ва сифат ясовчи аффикс: *Наҳорликка қушлар яна қатиқ ичишди, тушлик нонуштаси учун сузма бермоқси эдим* (Ғ.Ғулом), *ясама ничоқча, бурама қаңд*.

Сўзлар омонимияси

Омоним сўзлар бир сўз туркуми доирасида ҳам, ҳар хил сўз туркуми доирасида ҳам учрайди. Масалан: 1. *Тудадан ажралган турга тушар* (мақол). *Меҳмонлар турга таклиф қилинди*; 2. *Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради* (мақол). *Онангни кафтингда тутсанг, синглингни кифтингда тут* (мақол).

Омонимлар бир хил сўз туркумига тегишли бўлганда, улар барча грамматик шаклларида ҳам омонимик муносабатга кириша оладилар.

Қиёсланг:	ут I (майса)	—	ут II (олов)
	утим, утинг, ути;	—	утим, утинг, ути;
	утнинг, утни, утга;	—	утнинг, утни, утга;
	утлар	—	утлар

Омонимлар турли сўз туркумларидан бўлганда эса улар асосан узак ҳолатида ва айрим грамматик шакллардагина омонимик муносабатда бўлади. Қолган грамматик шаклларда омонимик муносабатга киришмайди.

Қиёсланг:	соч I (узак) —от	—	соч II (узак) —феъл
	сочинг — II шахс, эгалик,	—	сочинг — II шахс,
	бирликда	—	тусловчи, қушликда

Омоним сўзларни омофонлардан ва омографлардан фарқлаш керак. Улар омонимияга ёндош ҳодисалар сифатида қаралади.


Маъноси ва ёзилиши ҳар хил бўлиб, айтилиши бир хил бўлиб қолган сўзларга **омофонлар** дейилади. Масалан, *ёт (ёд) — ёт, боп (боб) — боп*.

Маъноси ва айтилиши ҳар хил, ёзилиши бир хил бўлиб қолган сўзларга **омографлар** дейилади. Масалан, *том — том (житобнинг жилади), торт — торт (таом номи)*.

Омонимия ҳодисасини полисемия ҳодисасидан фарқлаш керак. Полисемия термини маънолари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кўп маъноли битта сўзга нисбатан қўлланса, омонимия эса маънолари бир-бири билан боғлиқ бўлмаган, ҳатто турли сўз туркумларига тегишли бўлган бир қанча сўзларга нисбатан қўлланади.

Қиёсланг:

Бош



- Бош 1. Тананинг буйиндан юқори (одамда) ёки олдинги (хайвонларда) қисми; калла.
Бош 2. Ақл - ҳуш, мия: Тогнинг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан (мақол).
Бош 3. Бошлиқ, раҳбар: Яхши йигит давранинг боши (мақол).
Бош 4. Бошчилик, раҳбарлик қилувчи, энг катга ёки энг юқори: Бош врач, бош агроном.
Бош 5. Энг муҳим, асосий: бош мақола, бош масала.
Бош 6. Энг олдинги, биринчи: бош бола, бош келин.
Бош 7. Одам, киши: Оялада ўн бош эди.
Бош 8. Урин, каравот ва шу кабиларнинг ёстиқ қўйиладиган юқори томони: Ҳожи Кумушнинг бошига келиб утирди (А.Қодирий).
Бош 9. Тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чуққиси: Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди (мақол).
Бош 10. Чузиқ, давомля, бўйли нарсаларнинг бошланиш жойи ёки охири, этаги: кучанинг боши, даланинг боши.

- Қуй I. — от туркумига оид сўз.
Қуй II. — феъл туркумига оид сўз.

- Қирқ I. — феъл туркумига оид сўз.
Қирқ II. — сон туркумига оид сўз.

Омонимларнинг шеъримизда туюқ жанрида ифодавий восита сифатида аҳамияти катта. Масалан:

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от. (Фозил Йўлдош ўғли).
Богбон қиз бог аро кўрсатди юз,
Элга берган ваъдаларни қилди юз.
Бир кулимсиб боқди, ҳеч ким билмади,
Бог аро бор эди бир-икки юз (Ҳабибий).

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қадамни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо билмонки қилмас ё қилур (А.Навойй).

59- машқ. Мақолларда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қайси ўринда кўп маъноли, қайси ўринда омоним сўзлар эканлигини аниқланг.

1. Ёмоннинг тили *бор*, Яхшининг дили *бор*.
2. Ёмоннинг қўлига боргунча, Яхшининг йўлига *бор*.
3. Йўқ муттаҳамдан *бор* муттаҳам ёмон.
4. Ёмғир билан *ер* кўқарар, Дуо билан — эл.
5. Пулинг бўлса, *ер* ол.

6. Инсофли ошини *ер*, Инсофсиз бошини.
7. Яхши сўзга қулоқ *сол*, Ёмон сўзга улоқ *сол*.
8. Яхшидан *от* қолар, Ёмондан – дод.
9. Яхши *от* кўпники.
10. Ёмондан қоч, Яхшига қулоқ *оч*.
11. *Оч* тўнғиздан, қоч, тўнғиз.
12. *Сов* тегмаганга *сов* тегди, Зогора тегмаганга нон тегди.

60- машқ. Мақолларда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг омонимларини топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

1. Кўп сўзнинг ози яхши, *Оз* сўзнинг ўзи яхши.
2. *Оғиз* бир, қулоқ икки, Бир сўзлаб тингла *қирқ* икки.
3. Сувни *ич*, чашмани булгатма.
4. Ёмоннинг совунига *кир* ювма.
5. Яхшилиқни дарёга *қил*, биёбондан топ.
6. Ёмонга эл бўлгунча, Ягир отга *бел* бўл.
7. Ёмонга қиз тугул, *туз* ҳам берма.
8. Ёмондан доғ қолар, Яхшидан – *боғ*.
9. Яхши бир тавба қилар, Ёмон – *юз*.
10. Ёмонга *ош* бергунча, яхшига бош бер.
11. Ёмонлиқни яхшилиқ билан *енг*.
12. Таъна йўли тор, Тойғоқлари *бор*.

61- машқ. Берилган сўзларнинг омонимларини топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: кул I. — Угин ёниб кул бўлди.
кул II. — Сен дилдан кул.

Кул, соғ, буг, газ, ел, шим, эт, яра, ёт, ая, без, оқ, ошиқ, боғ, бит, бот, занг, ёт, иситма, қўй, тур, ич, кир.

62- машқ. Классик адабиётимиздан олинган қуйидаги туюқларда қўлланилган омоним сўзларни аниқланг ва уларнинг маъноларини изоҳланг.

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Қўймади бир зарра бағримни бутун.
Тунга бориб бизни беҳол айладинг,
Не балолиг тун эмиш ё раб бу тун. (А.Навоий)

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак отқали,
Гамза ўқин қошига ёлабдурур. (А.Навоий)

Тийги ишқинг ёрасидур бутмагон.
Дардини ҳар кимга очиб бутмагон.
Ҳажр саҳросидур оҳим утидин

Анда гул ёхуд гиёҳе бутмагон. (А.Навоий)

Неча дедим ул санамга бормогин,
Қилмади ул тарк охир бормогин.
Мунчаким худройлиқ кўргузди ул,
Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бормогин. (А. Навоий).

Қадимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кунглум гаму андуҳ утига ёқилди.
Ҳолимни сабога айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади, ё қилди. (З.М.Бобур).

Мунисо, тўкмай йигирма етти ёш,
Ваҳ, йигирма етти узра етти ёш.
Ёш киби машғуллиқ қилмоқ недур,
Ҳар қачонким суҳбатингта етти ёш. (Мунис)

Раҳши ҳиммат мен тутуб маҳкам ёлин,
Ёр изидин ет, карам қил, деб ёлин.
Йуқу боримни ёқиб кул айлади,
Ишқ утидин кўкка чирмашгон ёлин. (Мунис)

АНТОНИМИЯ

Тил бирликларининг узаро маъноларига кўра зид бўлиб келишига **антонимия** дейилади. Антонимия сўзи юнонча *anti* – «зид», «қарши», *опута* – «исм» демақдир.

Антонимиянинг синонимиядан фарқи шуки, синонимияда икки ва ундан ортиқ тил бирликлари муносабатга киришади. Антонимияда эса атиги иккита тил бирлиги муносабатга киришади. Бири иккинчисига зид бўлади. Иккиси биргалиқда антонимик жуфтликни ҳосил қилади. Антонимия лугавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжуд.

1. Лугавий антонимия. Бунда ўзаро антонимик муносабатга лугавий бирликлар (сўзлар ва иборалар) киришади. Лугавий антонимия ҳам уч хил бўлади: **1) лексик антонимия** – сўзлар зид маъноларга эга бўлади: *иссиқ-совуқ, катта-кичик, оғир-енгил*; **2) фразеологик антонимия** – иборалар зид маъноларга эга бўлади: *кўкка кўтармоқ, ерга урмоқ*; **3) лексик-фразеологик антонимия** – сўз билан ибора зид маъноларга эга бўлади: *уятли – юзи ёруғ*.

2. Грамматик антонимия. Бунда ўзаро антонимик муносабатга грамматик бирликлар киришади. Асосан сўз ясовчилар зидланишга эга. Масалан, *-ли ва -сиз, но-: ўринли – ўринсиз, ноўрин;* *-ли ва бе-, -сиз: бахтли – бахтсиз, бебахт; ба- ва бе-: – бамаъни – бемаъни*. Бунда ҳам лугавий антонимия юзага келади.

Сўзлар антонимияси

Узаро зид муносабатдаги маъноларни англантиб келган сўзларга **антовимлар** дейилади. Антонимлар ҳам синонимлар каби бир туркумга доир сўзлардан ҳосил бўлади. Антонимлар асосан сифат туркумида учрайди. Бошқа туркумларда кам учрайди. Масалан: *огир-енгил, иссиқ-совуқ, катта-кичик, эрта-кеч, тез-секин, келмоқ-кетмоқ, ёз-қиш, бор-йўқ*. Баъзан сифат билан иккинчиси англантиб муносабатга киришади. Масалан, *хом-пишган*.

Антонимлар маъно жиҳатидан зид ва бир вақтнинг ўзида узаро боғлиқ бўлади. Шунга кўра оддий қарама-қаршиликлар ҳам антонимик муносабатни ҳосил қилавермайди, демак антонимия маъно жиҳатидан қарама-қаршиликка, зидликка ва бирликка асосланади. Антонимик муносабатдаги зидлик, инкор этиш янгини номлаш орқали бўлади. Масалан, *оқ-қора* лексемалари бири иккинчисини англантиб маъноси билан, янгини номлаш билан инкор этиб туради.

Антонимлар ифода планига кўра ўзига хос хусусиятларга эга: 1) аввало ифода планига кўра антонимлар ҳар хил бўлади: *катта-кичик, узоқ-яқин, тез-секин* каби; 2) бир асосдан икки зид аффикслар ёрдамида ясалган бўлади: *онгли-онгсиз, мевали-мевасиз*; 3) бир сўзнинг ўзи маъноларига кўра зидланишда бўлади: *арқоннинг учи бирикмасида арқоннинг бошланиш қисми ҳам, тугаланган қисми ҳам кўзда тутилади*. Буни тилшунослиқда *энантисемия* деб юритилади.

Лексик қўллаш натижасида *контекстуал антонимия* ҳосил бўлади. Масалан, *ўт (олов)- сув: ўтга ҳам сувга ҳам ўзини уришга тайёр. От - дод: Яхшидан от қолар, ёмондан - дод*.

Тилда антонимларнинг аҳамияти катта. Шеърятимизда, халқ мақолларида антонимлар антитеза ҳосил қилишда кенг қўлланилади. Масалан, Абадий *фироқни*, ҳайҳот дўстларим,

Абадий *висол* деб билди келинчак (А.Орипов).

Бу кун мен *шоҳ* эрурман тилак тилагил,

Бу кун мен *гадоман* тингла, малагим (Р.Парфи).

Аччиқ ўйин *ширия* турмушни бузар (мақол).

Каттага салом бер, *Кичикка* - калом (мақол).

63- машқ. Ўқинг. Мақолларда берилган антонимларни жуфт ҳолда дафтарингизга кўчириб олинг. Уларнинг аҳамиятини тушунтиринг.

1. Яхши айтар, йул қўйдим, Ёмон айтар мен енгдим.
2. Душман асло дўст бўлмас.
3. Аввал ўйла, кейин сўйла.
4. Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши.
5. Мард - ўзар, номард - тузар.
6. Нодон сўзлар, доно ибрат олар.
7. Бор - борича, йўқ - ҳолича.
8. Кўз қўрқоқ, қўл ботир.
9. Ёз ёпиғичингни қўйма, қишда ўзинг биласан.
10. Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар.

11. Кенгашганга кенг дунё, талашганга тор дунё.
12. Ёмонга кун ҳам қоронгу, тун ҳам.
13. Қаллобнинг болидан сахийнинг захри яхши.
14. Камтарга – камол, манманга – завол.
15. Ёхшилик кўзга кўринмас, ёмонлик кумиб қўйилмас.
16. Азоб кўрмай – роҳат йўқ.

64- машқ. Йирик, узоқ, ўткир, иссиқ, оқ, узун, обод, балад, хом, кекса, гамган сўзларининг антонимларини топиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: тез – секин; тез юрди – секин гапирди.

65- машқ. Ш.Раҳматуллаев, Н.Мамамов, Р.Шукуровларнинг «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати» (Т., 1980) билан танишиб чиқинг. Лугат асосида ўзингиз танлаган антонимларни таҳлил қилиб беринг.

ФРАЗЕОЛОГИЯ

Тилнинг лугат таркибини ташкил этувчи бирликлардан яна бири иборалардир. *Ибора* икки ва ундан ортиқ сўзлардан таркиб топган лугавий бирлик бўлиб, худди сўз каби лугавий маънони англатади. Масалан, *Хамирдан қил сугургаддай* ибораси «осонлик билан», «қийинчиликсиз» маъносини, *кўнгли бермоқ* ибораси «севмоқ» маъносини, *қўй оғзидан чўп олмаган* ибораси «ювош» маъносини билдиради.

Худди сўз каби яхлит бир маънони англатадиган бундай тил бирлиги *фразеологик бирлик* ёки *фразеологизм* дейилади.

Ибора – *фразема* фразеологик бирлик сифатида *фразеология* бўлимида ўрганилади. Ибора тузилишига кўра сўз бирикмасига ўхшаб кетса ҳам нутқ бирлиги саналган бундай бирликлардан тамоман фарқ қилади. У сўз бирикмаси каби ҳар гал нутқнинг ўзидагина юзага келмайди. Тил бирлиги сифатида нутққача тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Шунга кўра ибораларни тилшунослиқда тургун сўз бирикмаси деб ҳам юритилади. Масалан, *катта гапирмоқ, гапни бир жойга қуймоқ, тирноқ орасидан кир изламоқ, томдан тараша тушгандай, аравани қуруқ олиб қочмоқ.*

Сўз бирикмасининг таркибидаги сўзлар ўз лексик маъно мустақиллигини сақлаган бўлади. Иборанинг таркибидаги сўзлар эса ўз лексик маъноси билан қатнашмайди, маъносини йўқотган бўлади. Баъзан ибора сўз бирикмаси билан шаклан тенг келиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда ибора тургун бирикма сифатида эркин бирикма билан омонимик ҳолатда бўлади. Қуйидаги гаплар таркибида келган тургун ва эркин бирикмаларни қиёсланг: 1.Қийиқ рўмоли билан *белни маҳкам боғлаб олган* йигит ишга киришди. 2.Иш оғир. *Белни маҳкам боғламасангиз*, қийин бўлади (О.Ёқубов). 3.Бола қоқилиб йиқилди, у *лабини тишлаб олди*. 4.Хадича хола гапни

қўзғашга қўзғад-ю, лекин ўглининг авзойи бузилганини сезиб, *лабини тишлади* (Ҳ.Назир).

Иборалар ҳам сўзлар каби ифода ва маъно бутунлигига эга. Сўзнинг ифодавий томонини товушлар ташкил этса, иборанинг ифода томонини эса сўзлар ташкил этади. Қиёсланг: *Фарзанд – кузининг оқу қораси, улутламоқ – кукка кўтармоқ*.

Ибора ўзига хос маъно томонига ҳам эга. Иборадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўзлардан англашиладиган маъноларнинг оддий йиғиндиси бўлмай умумлашма, образли, кучма маъно сифатида гавдаланади. Масалан, *Йуқлаб келибсан, бошим осмонга етди* (А.Мухтор). Бу гапдаги *боши осмонга етмоқ* иборасининг «хурсанд бўлмоқ» маъноси *бош, осмон, етмоқ* сўзлари англаладиган маъноларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки хурсандчилик туйғусини ифодалашга асосланган образли умумлашма кучма маънодир. Бу жиҳатлар иборанинг сўз билан ёнма – ён турадиган, унга нисбатан мураккаб бўлган лугавий бирлик эканлигини кўрсатади.

Лугавий бирлик бўлганлиги учун фразеологизмлар худди сўзлар каби гапда бир бўлак вазифасида келади. Масалан,

1. *Аравани қуруқ олиб қочиш* эви билан-да, аввал бурнингни артсанг-чи ... (С.Абдулла). 2. *Элчибек бу хабардан терисига сигмай кетди* (А.Мухтор). 3. *Сиркаси сув кўтармас* дадасининг бунчалик «олижаноблик» қилиши жуда гайритабиий, Азизанинг ақлига сигмас эди (Шухрат). 4. Ҳамма нарсани *мирдан сиригача қодирмай* гапшадик (Ҳ.Назир). Юқорида келтирилган гаплардаги фразеологизмлар биринчи гапда эга, иккинчи гапда кесим, учинчи гапда аниқловчи, тўртинчи гапда ҳол вазифасида келган.

Иборанинг турлари

Фраземалар икки турга бўлиб ўрганилади: 1) фразеологик бутунлик, 2) фразеологик чатишма.

I. Маъноси таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳланиб, умумлашган кучма маъно ифодалайдиган фраземаларга *фразеологик бутунликлар* дейилади. Масалан, 1. *Билиб қуйинг. Иш оғир. Беляи маҳкам боғламасангиз*, қийин бўлади (О.Ёқубов). 2. *Аёл кишига қўл кўтариш* эркакнинг иши эмас (Р.Файзий). 3. *Бу майдон ёр тушса ялағудек озода ...* (А.Мухтор). 4. *Лаълихоннинг шаънига бир гап айтди, ҳамманинг тепа сочи тикка бўлди* (С.Аҳмад).

II. Маъноси таркибидаги сўзларнинг лексик маънолари билан боғланмайдиган, улар асосида изоҳланмайдиган фраземаларга *фразеологик чатишмалар* дейилади. Масалан, 1. *Қишқи сессияни яхши якуналадик, лекин бу ҳали – хамир учидан патир* (П.Қодиров). 2. *Одамлар қўлигидан тарвузлари тушиб, қишлоққа қайтишди* (М.Исмоилий). 3. *Бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоғда бойвачча уни кўз тагига олиб қўйган эди* (Ойбек). 4. *Матлуба*

олам-олам шодлик бахш этган шу бир парча қоғозни олиб, *оёғи олти қули етти бўлиб* директор кабинетига югурди (С.Абдуқаҳҳор).

Фразеологизмларнинг энг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Фраземанинг таркибида икки ёки ундан ортиқ лексема қатнашган бўлди.

2. Фразема яхлит бир лугавий маънони ифодалайди.

3. Фраземанинг таркибидаги сўзлар ўз лексик маъноларини йўқотган бўлди.

4. Фразема тургун бирикма сифатида эркин бирикма билан фақат омонимик ҳолатда бўлади.

5. Фраземани фақат яхлитлигича алмаштириш мумкин.

6. Фразема гапнинг таркибида яхлитлигича бир синтактик вазифада келади.

7. Фраземани бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, яхлитлигича таржима қилинади.

66- машқ. Қуйидаги мисоллардан эркин сўз бирикмалари билан шаклан тенг келиб қолган ибораларни аниқланг ва улар асосида гаплар тузинг.

Бош кутармоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ, жағини очмоқ, жilовини бўш қўймоқ, жой олмоқ, издан чиқмоқ, изига тушмоқ, икки қулоғи билан тингламоқ, ипсиз боғламоқ, йул бермоқ, йул йўқ, кавушини тўғрилаб қўймоқ, латгаси чиқиб қолди, мағзаваси чиқди, нафас олмоқ, оёқ яланг, озгига урмоқ, паст тушмоқ, соғиб ичмоқ, тепасида турмоқ, четга тортмоқ, этагини қоқмоқ, қул кутармоқ.

67- машқ. Қуйида берилган гаплар таркибидаги ибораларни аниқланг, уларнинг маъноларини изоҳланг.

1. Бу кун мен жуда ажойиб туш кўрдим: бир шудгорнинг четида, толнинг соясида ёнбошлаб ётган эмишман. Дўппи яримта (Ғ.Ғулом). 2. Мени ўз мухлисларингиздан билиб, оринмасдан янги ёзилган шеърлардан ўқиб берар экансиз, менинг бошимни кўкка етказган бўлурсиз ... (С.Абдулла). 3. —Ёзавер, - деди Яхшибоев кулиб, - ўлганимдан кейин чиқарасан. —Нафасни иссиқ қилинг, домлажон! (М.Мухаммад Дуст). 4. Қор ҳам қурсин, кавушим ҳам қурсин. Нуриой, хурмачанинг тагини хўп ялаган экансиз-да (Ойбек). 5. Мана, бўйинг етди, тузукроқ ердан чиқса узатайлик, орзу-ҳавас кўрайлик (В.Ғофуров). 6. Сиддиқжон юзларча киши озгига қараб турган мажлисни кўз олдига келтириб жуда катта ташвишга қолди-ю, дами ичига тушиб кетди (А.Қаҳҳор). 7. —Ўша кишидан сўрай қолинг. Минг қилса кўни курган одам ... (И.Раҳим). 8. У тилмочлик қилиб юрган кезларда шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди (С.Аҳмад). 9. Менга қарши гапириш инстинкт бўлиб қолибди сизга. Тутун қайтарганингиз - қайтарган (А.Мухтор.) 10. Тешабойвачча

қилвириқнинг шоҳида юрса, Мадумар мингбоши баргида юради (М.Исмоилий).

68- машқ. Қуйидаги берилган гаплар таркибида келган фразеологик синонимларни топиб, маъноларини айтинг.

1. Кишининг баҳрини очадиган салқин, сокин бир оқшом эди (О.Ёқубов). 2. ... Сабр қилинг, сизнинг ҳам димогингизни чоғ қиламан (Ш.Рашидов). 3. Тешабой эса, қайнатасининг аксига ўлароқ, жуда хурсанд, кайфи чоғ эди (М.Исмоилий). 4. Тоғ йунишнинг нима зарурияти бор экан дея бошим қотди (Ойдин). 5. Шу кунда ҳамманинг боши шишган (Ойбек). 6. Минг хил хаёл билан миям говлаб кетди (Ойдин). 7. Бу уйлاردан Сайёранинг боши говлаб кетди (О.Ёқубов). 8. Менга насиҳат қилавериб, жонимни чиқарманг! (Ойдин) 9. «Мени тергов қилиб, суриштирди ...» — деганида эса Дадажоновнинг тепа сочи тик булиб кетди (С.Абдуқаҳҳор). 10. «Қуйинг-э, — деди Лутфихон уй деразасини ёпа туриб, — Ўзи жоним халқумимга келиб турибди» (С.Аҳмад). 11. Унинг жаҳли чиқаётганини, тобора газаби қайнаб, кескин гапираётганини ҳамма сезиб турарди (Ш.Рашидов). 12. У киши ипидан игнасиғача ҳаммасини гапириб берадилар (О.Ёқубов). 13. Муҳаммад Жамол қишлоқ ҳаётини миридан сиригача билса-да, ... (Ойбек). 14. ... Қозикалон ва қушбегига бориб арз қилганини, уларнинг бунда қандай муомала қилганларини қилидан қуйругигача бутун билиб олган бўлса ҳам ... (С.Айний).

69- машқ. Қуйидаги берилган гаплар таркибида келган фразеологик омонимларни топиб, маъноларини айтинг.

1. Атроф-теварақда кучани бошига кўтариб юрган болаларнинг шовқини тинган (Р.Файзий). 2. Жамила хола ҳам Ҳамида келгундай бўлса, «қизим-қизим» деб бошига кўтаради (С.Анорбоев). 3. Сўзни Жуман Сариев олди (А.Мухтор). 4. Унсин акасини қучоқлаб, ҳар кун келишга ундан сўз олиб, қувонч билан чол орқасидан кетди (Ойбек) 5. Аёл кишига қўл кўтариш эркакнинг иши эмас (Р.Файзий). 6. Овозга қўямиз. ... хоҳласангиз, «Қарши»га қўл кўтаринг (П.Турсун). 7. Кун яримдан оққанда унғ қўлини менга қараб бир чўзди-ю, кўз юмди (Р.Файзий). 8. Нима учун бу ҳақиқатдан кўз юмасиз? (Ш.Рашидов) 9. Мен ҳам сиздай ҳаққоний бўлишга сўз бераман (П.Қодиров). 10. Кун тартиби тасдиқлангандан кейин, ахборот учун сўз ўртоқ Убайдуллаевга берилди (А.Назаров). 11. Кейин писта кўмир солиб, қувурига маҳси кийдириб, дам берди (С.Аҳмад). 12. ... ҳарсиллаб қолган ҳўкизларни қўшдан чиқариб, дам берди (П.Турсун). 13. Гапираверса, оғзимиз очилиб қолибди (П.Қодиров). 14. На она, на қизлар ота олдида Аҳмад ҳақида оғиз очолмас эдилар (Ойбек).

70- машқ. Қуйида берилган гаплар таркибида келган фразеологик антонимларни топиб, маъноларини айтинг.

1. ... қизга ўзбек қишлогининг содда ҳаёти, оқ кўнгил одамлари жуда ёқади (С.Аҳмад). 2. Ҳали ичи қора душман чаёндек бижиб ётибди. (А.Мухтор). 3. Сулаймон ҳалол одам! Ғайратли бригадир. Ноҳақ ерга ураверма, ... (Ш.Рашидов). 4. У нега ўз душманларини ўзи кўкка кўтаради? (И.Раҳим). 5. Саодатхоннинг кўнгли ёришиб кетганлиги чехрасидан кўриниб турар эди (С.Зуннуова). 6. Бироқ Саломат опа чойга уринганда, яна бирдан кўнгли хира бўла бошлади (А.Мухтор). 7. У дармонсизланганидан Низомиддиновни бир силташидаёқ ўзи гандираклаб кетди. Кўнгли озди ... Чалқанчасига йиқилди (С.Аҳмад). 8. ... ҳушига келса, «Касалликдан ўлибди, — дейди ...» (И.Раҳим). 9. Бетига сув пуркаб, ўзига келтирдилар (Ғ.Ғулом). 10. Парда секин очилди, сахна тўрида ... чиройли бир киши пайдо бўлди. Истараси иссиқ эди (М.Исмоилий). 11. Хумохон ёмон кўради шу сўхтаси совуқ Раҳмонқуловни (А.Мухтор). 12. ... кунига бир бозор айланиб келмаса, кўнгли жойига тушмас эди (А.Мухтор). 13. Ер гурсиллаётгандек, тоғ ағдарилиб тушаётгандек тўйилди. Кампирнинг юрагига гулгула тушди (Ойдин). 14. Сиз билан бизнинг юзимиз ёруғ, уяладиган жойимиз йўқ (С.Зуннуова). 15. Бола бечоранинг дилини оғритган эдим. ... Узр сўрадим. Аммо ҳали ҳам юзим шувут. (С.Аҳмад).

ПАРОНИМ СЎЗЛАР

Талаффузи (товуш қиёфаси) узаро яқин, аммо маънолари бошқа-бошқа бўлган сўзлар *паронимлар* деб қоритилади. Пароним юнонча сўз бўлиб, рага – «ёнидаги», опуша – «исм» демақдир. Масалан, абонент – абонемент, дипломат – дипломант, абзал – афзал, халос («озод») – холос («фақат»), тизмоқ – чизмоқ, таҳлил – таҳрир, таҳлил – таҳсил, маънавий – маъновий.

Паронимларга талаффузи ўхшаш бўлиб фонетик жиҳатдан бир-икки товушга кўра фарқланадиган сўзлар киритилади. Лекин товуш қиёфаси бир-икки товушга кўра фарқланадиган ҳар қандай сўзлар ҳам пароним ҳисобланмайди. Масалан, тош-бош, бел-кел-сел, жон-тон, юр-ют каби товуш қиёфаси бир-бирига яқин сўзларни паронимларга киритиб бўлмайди.

Паронимияни белгилашда сўзларнинг товуш томонидаги умумий ва фарқли жиҳатларигагина асосланиб, уларнинг семантик-грамматик хусусиятларини эътибордан соқит қилиш тўғри бўлмайди, чунки шаклий ўхшашлик тушунчаси оппозициядаги сўзларни турли аспектда ва бир неча параметрлар бўйича муқояса қилишни истисно этмайди. Шунинг учун паронимияни урганишга: *а) формал; в) семантик; в) функционал аспектда* ёндашиш лозим. Бу паронимик муносабатни формал-семантик оппозиция сифатида баҳолашни, сўз

жуфтликларини ҳам формал, ҳам семантик жиҳатдан муқояса этишни тақозо этади¹.

Пароним сўзлар бошқа-бошқа сўзлар бўлганлиги учун уларнинг ҳар бирида лексик-семантик хусусиятлар мавжуд. Бу хусусиятлар уларнинг бири ўрнида иккинчисини алмаштириб қўллашга имкон бермайди. Лекин нутқда паронимларни бирининг ўрнида иккинчисини турли услубий мақсадларда ишлатиш мавжуд. Натижада паронимлар нутқнинг гўзаллигини, таъсирчанлигини таъминловчи муҳим стилистик воситага айланади. Бу унинг асосий аҳамиятидир. Масалан,

1. ... *саноатингизга* балли! (Ш.Бошбеков).

2. ... ҳеч кимдан *сазо* чиқмади. Ҳамма жим, ... (Х.Тўхтабоев).

3. Маррино! Аввал Франция фуқароси бўлган, кейин Италияга бир миллион долларга *антракт* тузган (Ҳ.Ғулом).

4. -Мен сўзга чиққанлар *рекламага* риоя қилсин демоқчиман (Х.Тўхтабоев).

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИ

Ҳар бир тилнинг лугат бойлиги, лексикаси икки манба негизда усиб, такомиллашиб боради. *Биринчиси*, тилнинг ўз тараққиёт қонуни асосида. *Иккинчиси*, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида. Шунга кўра ўзбек тили лугат бойлиги икки катта қатламга бўлиб ўрганилади: 1) ўз қатлам; 2) ўзлашган қатлам.

Ўз қатлам — умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан ва шулар асосидаги ясалишлардан, шунингдек, ўзбекча аффикслар ёрдамида бошқа тил сўзлари асосидаги ясалишлардан таркиб топади. Масалан, *бош, кўз, қош, тил, уч, кел, ёш, қуш; қазноқ, ўпқон, қалин, бурун, тўнғиз; айғоқчи, безак, ботқоқ, боғлам, аччиқ-чучук, бола-чақа; бошла, оқла, ишчи, ёнилги; тракторчи, жангчи, маданиятли, бебош, билимдон* каби.

Ўзлашган қатлам — ўзбек тилига қардош бўлмаган тиллардан турли даврларда ўзлашган сўзлардан таркиб топади. Тарихда форс-тожик, араб тиларидан кўлаб сўзлар ўзлаштирилган. Кейинги даврларда рус тилидан сўз ўзлаштириш кучли бўлган.

Тожик тилидан ўзлашган сўзлар ўзбек тилининг ўз сўзлари қаторида турмуш учун зарур тушунчаларни англатади. Масалан, *даструмол, дастурхон, кафт, кифт, най, дутор, дурадгор, пахтакор, серҳосил, булбул, хўроз, оҳу, пашша, бел, афт, дийдор, анжир, анор, дарахт, жўхори, сабзавот, жувоз, қуллол, ёғ, гўшт, ош, нон, жавоб, хўранда, камина, атлас, чопон, хона, панжара, анжом, коса, чирог, бемор, бетоб, ёр, невар, дуст, ошно, оҳиста, тез, баҳор, навруз, замин, фалак, омбор, сарой, оҳанг, куй, дониш, доно, арзон, баҳо,*

¹ Қаранг: И.Тошпалмев. Ўзбек тилида паронимлар ва уларнинг стилистик қўлланиши. Ўзбек тили стилистикасидан тадқиқотлар Илмий ишлар тўплами. Т., 1987 йил.

шаҳзода, шоҳ, жанг, сардор, худо, пир, меҳмон, мезбон, балаңд, паст, овоз, гап ва бошқалар.

Ҳозирги ўзбек тилида тожикча сўзлар билан бирга уларнинг ўзбекча синонимлари ҳам тенг қўлланиб келинмоқда. Масалан, *булоқ(ўзб.) – чашма(тож.), япроқ(ўзб.) – барг(тож.), бутоқ(ўзб.) – шоҳ(тож.), манглай(ўзб.) – пешона(тож.), олтин(ўзб.) – тилла(тож.), қуёш(ўзб.) – офтоб(тож.)* каби.

Тожик тилидан от туркумига оид сўзлардан ташқари, сифат ва равиш туркумига оид сўзлар ҳам ўзлашган: *астойдил, озода, оташин, балаңд, жанговар, доно, камтар, пухта, ширин* каби. Тожик тилидан фақат сўзлар эмас ҳеч, *чунки, ёки, гарчи* каби боғловчи ва юкламалар; *ба-, бе-, бо-, но-, ҳам-, -каш-, -парвар, сер-, -хур-, -хуш* каби қўшимчалар ҳам ўзлашган: *бадавлат, бечиким, баркамол, боадаб, ноҳақ, ҳамфикр, меҳнаткаш, инсонпарвар, серунум, ошхур, хушхабар* каби. Тожикча ўзлашган сўзлар охирида *шт, ст, хт, фт, вд* каби ундошлар қатор ишлатилади: *гушт, гишт, дўст, рост, шикаст, паст, кафт, дарахт* каби.

Араб тилидан ўзлашган сўзлар. Арабча ўзлашмалар ҳам асосан от ва сифат туркумига оид сўзлардир. Масалан, *От туркумига оид сўзлар – давлат, вазир, илм, таълимот, назария, асар, газал, шоир, адиб, масал, расм, маданият, меъмор, тижорат, саноат, аскар, галаба, муаллиф, хабар, таълим, ҳарф, китоб, дарс, асбоб, таржимон, олоқ, арвоҳ, қибла, инсон, одам, оила, аёл, авлод, маросим, таваллуд, асаб, қалб, аъзо, шифо, табиб, ватан, иморат, маҳалла, ҳаво, нур, аср, саратон, вақт, замон, жануб, шарқ, дунё, маймун, райҳон, раъно, ҳалво, қанд, маржон, садаф, соат, сандиқ, қулф, садо, жумла, нутқ, суҳбат, талаффуз, ариза, имзо, ва бошқалар. Сифат туркумига оид сўзлар – азамат, ажойиб, одил, афзал, золим, такаббур, аҳмоқ, баҳил, жоҳил, мунис, нодир, моҳир, мулойим, муносиб, соф, ҳалол, мудҳиш, маккор, магрур, заъфар, заъфарон, зилол ва бошқалар. Абстаркт гушунча номлари – муаммо, муборақ, адолат, фаросат, ақл, фикр, далил, мазмун, хабар, илҳом, инсоф, васият, садоқат, истиқбол, ишқ, мавҳум, мурод, мураккаб, муштарақ, номус, саодат, таажжуб, тасаввур, фазилат, фароғат, фаҳм, хотима ва бошқалар. Равиш туркумига оид сўзлар – аввал, доим, доимо, асло, ахир, зарурат, иттифоқо ва бошқалар. Боғловчилар – лекин, аммо, ва, балки, бироқ, ҳатто ва бошқалар. Модал сўзлар – албатта, ҳақиқатан, фақат, эҳтимол, балки ва бошқалар.*

Ҳозирги ўзбек тилида арабча *-ий* ёки *-вий* ёрдамида ясалган – *абодий, амалий, оддий, маънавий* каби сифатлар арабча *-ан* қўшимчаси қўшилиб ясалган *асосан, баъзан, масалаи, нисбатан, қисман, шахсан, умуман* каби равишлар учрайди.

Араб тилидан ўзлашган сўзлар узига хос фонетик белгиларга эга: 1) арабча ўзлашмаларда икки унли ёнма-ён кела олади – *саодат, маориф, матбаа, мутолаа, оила, доир, раис* каби; 2) ўзлашган сўзларда чўзиқ унли қўлланади, ёзувда чўзиқ унлидан сўнг айириш (ъ) белгиси қўлланади: *раъно, маъно, таъна, эълоя, даъво, таълим* каби; 3) ўзлашма

сўзларда баъзан бўгинлар ёки товушлар бир-биридан айириб талаффуз қилинади. Ёзувда айириш (ъ) белгиси ёрдамида ажратилади: *журъат, суръат, бидъат, қалъа, санъат* каби.

Рус тили орқали ўзлашган сўзлар бир қанча фонетик ҳамда морфологик белгиларга эга. **Фонетик белгилари:** 1) ургули бўгинларда о унлиси ўзбек тилидагига қараганда чўзиқроқ талаффуз қилинади: *опера, балкон, орден, аэропорт* каби; 2) *и* ва *у* унлилари ўзлашма сўзларда чўзиқроқ талаффуз қилинади: *турбина, лирика, клуб, тушь* каби; 3) сўз бошида, ўртасида ва охирида ундош товушлар қаторасига кела олади: *справка, трактор, стрелка, трест, банк, киловатт* каби; 4) унли товушлар қаторасига кела олади: *диаграмма, биология, геометрия* каби.

Морфологик белгилари: 1) рус тили орқали ўзлашган сўзларда *анти-, а-, де-, ин-, интер-, ре-* каби префикслар ишлатилади: *аморф, дедукция, индукция, регресс* каби; 2) *-ист, -изм, -ация, -фикация, -ар, -ант, -ент, -ёр, -ор, -ит, -лог* каби суффикслар қўлланади: *журналист, лиризм, агитация, яровазация, классификация, инспектор, директор, аспирант, оппонент, гримёр, шахтёр, ревизор, метиорит, бронхит, филолог, невролог* каби; 3) рус тилидан ўзлашган сўзлар таркибида қўлланган префикс ва суффикслар ўзбекча, тожикча ва арабча сўзларга деярли қўшилмайди. *Ультратовуш, микроклим, микроуғит, ультрабинафша* каби бир неча сўз бундан мустасно.

71- машқ. Қуйида берилган форсча-тожикча ва арабча сўзларни икки устунга ажратиб ёзинг.

Аждар, аждаҳо, қонун, говмиш, раҳбар, сатр, шер, жўжа, сатира, капгар, рамз, наққош, калла, чехра, мақола, майиз, гилос, қасида, сайқал, дўкон, гул, гиёҳ, полиз, галаба, ошпаз, ҳимоя, мухбир, саҳифа, савол, жавоб, чўпон, шароб, имтиҳон, қассоб, зътиқод, жонон, ҳамшира, пойгак, даҳлиз, каъба, халқ, жамият, ҳаёт, чирог, дори, хусн, ҳамиша, шитоб, жароҳат, қаср, муқаддам, якшанба, жума, саҳар, макон, ҳамён, гавҳар, соя, Зуҳро, Миррих, саъва, чаман, жой, оҳан, оҳанрабо, хина, анҳор, ҳовуз, устод, нома, товуш, шаҳар, пойтахт, нафис, хужжат.

72- машқ. Берилган маттни ўқиб чиқинг, тожикча, арабча ва русча сўзларни топинг, уларга хос умумий белгиларни изоҳланг.

Кечқурунлари кўпинча чойхонада одамлар билан гурунглашиб ўтирадиган Иброҳимов Қурбон ота айтмоқчи гулларни ўз илмидан баҳраманд қилди: ҳадемай карнайгуллар жуда ҳафсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга чирмашиб катта-катта япроқлар отди, райҳонлар қад кўтариб ҳид сочди, бирин-кетин очилган ранг-баранг гуллар устида капалаклар қанот қоқа бошлади. Гул, сон-саноксиз ниҳол, буларнинг орасидан кўриниб турган бепоён кўм-кўк дала, дарё-адирлар манзараси, қулақиллаб оқаётган каналдан эсан ёқимли

салқин шабада ҳар қандай одамни ҳам маҳлиё қилар эди. Иброҳимов ўзининг ҳар пайшанба буладиган агрономия тугарагини шу ерга кучирди. У чигит экилган тўққизта яшиқни, турли нав чигитнинг ҳосили булган пахта толаларини кўрсатадиган жадвалларини, турли-туман диаграмма ва плакатларини келтириб чойхонанинг бир бурчагини эгаллаб олди (А.Қаҳқор).

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ТАРКИБИ

Ҳозирги ўзбек тилининг лексикасини асосан умумхалқ ишлатадиган сўзлар ташкил этади. Бу қатлам ҳаммага тушунарлилиги билан бошқа лексик қатламлардан ажралиб туради. Масалан, *нон, сув, китоб, бола, ер, осмон, ватан, дарё, сен, биз, ўқимоқ, яшамоқ, бир, икки, юз, минг, тез, секин* ва бошқалар.

ДИАЛЕКТИЗМ

Маълум худудда, территорияда яшовчилар нутқидагина қўлланадиган сўзларга, тил ҳодисаларига *диалектизм* дейилади. Диалектизм юнонча сўз бўлиб *dialektos* – «тилининг маҳаллий кўриниши» демақдир. Диалектизм фақат оғзаки нутққа хос ҳодисадир. Унинг лексик *диалектизм*, *фонетик диалектизм*, *грамматик диалектизм* каби турлари мавжуд. *Лексик диалектизмлар* бирор диалектгагина хос булган сўзлардир. Масалан, *Межана (Хоразм) – данак (адабий шакли), гашир (Хоразм) – сабзи (адабий шакли), гуз (Хоразм) – ёнгоқ (адабий шакли), дасқар (Хоразм) – чумчуқ (адабий шакли), жувона (Бухоро) – новвос (адабий шакли), қайир (Хоразм) – буз ер (адабий шакли), чел (Хоразм) – марза (адабий шакли), барак (Бухоро) – чучвара (адабий шакли), биринжоба (Бухоро) – мастава (адабий шакли), баракгирак (Самарқанд) – човли (адабий шакли), васқарча (Қашқадарё) – нимча (адабий шакли)*. Бу сўзларни *диалектизм-лексема* деб ҳам юритилади.

Тилда диалектизм сўзлардан ташқари, *маъно диалектизмлар* ҳам учраб туради. Баъзи сўзлар адабий тилда ҳам диалектда ҳам қўлланади. Лекин адабий тилда бошқа маънода, диалектда бошқа маънода ишлатилади. Масалан, *пашша* – адабий тилда «кундузи учадиган қатта, қора ҳашорат», шевада кечаси учадиган, кичкина чақадиган ҳашорат, *чивин* – адабий тилда кечаси учадиган кичкина чақадиган ҳашорат, шевада – кундузи учадиган, қатта, қора ҳашорат. Худди шу ҳолатни *лаган, товоқ, сури* сўзлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳолатни *диалектизм-семема* деб юритилади.

Фонетик диалектизмлар деб, товушларнинг шевага хос талаффузига айтилади. Масалан, адабий тилдаги *й* товушининг ўрнида шевада *ж* ишлатилади: *йур-жур, йўқ-жуқ, йўл-жул* каби.

Грамматик диалектизмлар деб, шевага хос грамматик шаклларга айтилади. Масалан, *-ял(ти) – адабий тил шакли, -вот(ти), -оп(ти), -ут(ти) – шевага хос шакллар*.

КАСБ-ҲУНАР ЛЕКСИКАСИ

Маълум фан, соҳа, касб-ҳунар кишилари нутқида қўлланадиган сўзларга *касб-ҳунар лексикаси* дейилади. Масалан, *культуратор, культивация (деҳқончиликка оид), водород, ангидрид (химияга оид), минус, квадрат (математикага оид), қофия, ритм (адабиётшуносликка оид), ангоб, дугов (кулолчиликка оид), каж, жуша (сувоқчиликка оид)*.

Касб-ҳунарга доир лексика асосан шу соҳа терминларидан таркиб топган бўлади. Бунинг терминологик лексика деб ҳам юритилади. Терминологик лексиканинг детерминлашиши дейилганда, термин сўзнинг адабий тилга тўла ўзлашиши тушунилади. Масалан, *радио, телевизор, ярмарка, килограмм*. Ҳозирда бу сўзлар терминликдан чиқиб кенг истеъмолда қўлланувчи сўзларга айланган.

ИСТОРИЗМ

Эскирган нарса ва ҳодисаларнинг эскилик бўёғига эга бўлган, тарихий номларига *историзм* ёки *тарихий сўзлар* дейилади. Историзм юнонча сўз бўлиб, *historia* – «текшириш», «тадқиқот» демакдир. Масалан, *қул, ҷури, қулоқ, батрак, нонб, парвоначи, садр, жарчи, жаллод каби*.

Ўзбек тили лексикасида историзмларнинг жуда кўп гуруҳлари мавжуд. Масалан, 1) *касб-ҳунар, мансаб, амал, унвон номлари: султон, хон, қул, дарвеш, амин, закотчи, жаллод, фаррош, чоракор ва бошқалар*; 2) *мактаб, маорифга оид тушунчаларнинг ҳамда баъзи ҳужжатларнинг номлари: мулла, халфа, абжад, ҳафтияк, васиқа, вақф, маҳзар ва бошқа*; 3) *қарбий тушунчаларнинг номлари: шамшир, совут, садоқ (уқдон), сарбоз, навкар ва бошқа*; 4) *озиқ-овқат номлари: кўмач, зогора, ёрма, бода (май), тутмоч (хамир ош тури) ва бошқа*; 5) *ўлчов ва пул бирликларининг номлари: ботмон, қадоқ, чорак, таноб, қақирим, пуд, мисқол, аржин ва бошқа*; 6) *этнонимлар: барлос, қипчоқ, угуз, жалойир, қарлуқ, чигил, яғмо, арлот, найман, минг, юз ва бошқа*.

Историзмлар, асосан, сўз ва унинг маъноси эскиришидан тугилади. Бу тўлиқ маънодаги историзм ҳисобланади ва *лексик историзм* деб номланади. Баъзан сўз фақат маъносига кўра эскириши мумкин. Бунда сўз янги даврда янги маънода қўлланаверади. Бунинг *семантик историзм* деб юритилади. Масалан, *бой* – «феодал синф вакили» (*эски маъно, историзм*), *бой* – «бадавлат», «лаёқатли», «серб», «мўл» (*янги маъно*).

АРХАИЗМ

Ҳозирда мавжуд нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган номлари *архаизмлар* дейилади. Архаизм юнонча сўз бўлиб *archaios* – «қадимги»

демақдир. Масалан, улус (*халқ*), ланг (*чўлоқ*), умиз (*кўкрак*), риёзиёт (*математика*), мусаллас (*учбурчак*).

Тилда нарса ва ҳодисаларнинг янги ва эски номлари синонимик қаторни ҳосил қилади.

Эскилик бўёги бор тил бирликлари сифатида архаизмлар оз миқдорда грамматикада ҳам учрайди. Масалан, 1. *Пухта ўйладингму? Кейин пушаймон чекмайсанму? (О.Ёқубов)*. 2. —*Қани ортимдан юр, сенга айтадурган яна бир сўзим бор! (О.Ёқубов)*

Лексик архаизмларда **архаизм-лексема** ва **архаизм-семема** фарқланади. **Архаизм лексемада** сўз архаизм бўлади. Масалан, *ҳандаса (геометрия), ҳикмат (физика), чопархона (почтахона)* каби.

Архаизм-семемада сўз эмас, балки маъноларидан бири архаизм бўлади. Масалан, *афанди сўзининг «ўқитувчи» маъноси, тикмоқ сўзининг «экмоқ» маъноси архаизм.*

Сўзлар баъзи фонетик шаклларида ҳам архаизм бўлиши мумкин. Шунга кўра қуйидаги сўзларнинг аввалги фонетик шакллари замонавий шаклларга нисбатан архаизм ҳисобланади. Қиёсланг: *лузум-лозим, лузумсиз-лозиммас, эжд-ижод, ичинда-ичида, ўдди-бўдди, ўлмас-бўлмас, иваз-эваз, зиҳн-зеҳн.*

Архаизмлар нутқда маълум мақсадга кўра қўланади. Айниқса, бадий нутқда архаизмларнинг қўлланилиши муайян услубий аҳамиятга кўра амалга оширилади. Масалан,

Сароб гирдоблари орқада қолди,
Толе *қошқасини* қоқдим асабий (М.Қўшмоқов).

Замон шиддатини қилолмай ҳисоб,

Ер чизиб турибди ёш бир *мунажжим* (А.Орипов).

Мисралардаги *қошқа (эшик), мунажжим (астроном)* архаизмлари бадийликни ошириш мақсадига кўра қўлланган.

НЕОЛОГИЗМ

Тилда баъзи сўзларнинг эскириши натижасида истеъмодан чиқиши қонуний ҳолат бўлгани каби, янги сўзнинг юзага келиши ҳам табиийдир. Янгилик бўёги бор бўлган тил бирлигига **неологизм** дейилади. Неологизм юнонча *neos* – «янги» демақдир. Масалан, мониторинг, менежер, менежмент.

Тилда 2 хил ҳолатда неологизмлар юзага келади: 1. **Янги воқеликнинг номи сифатида юзага келади.** Бу ўзлашма сўзнинг дастлабки қўлланиш даврига тўғри келади. Масалан: *компьютер, маркетинг, инвестиция*. 2. **Аввалда номланган воқеликнинг янги номи сифатида юзага келади:** Масалан, *жамоа хўжалиги (колхоз ўрнида), туман (район ўрнида), вилоят (область ўрнида).*

Тил бирликларининг янгилик бўёгига эгаллиги нисбий ҳолатдир. Сўз ҳар доим неологизм бўлиб туравермайди. У кенг истеъмолга ўтиши билан янгилик бўёгини йўқотиб, одатдаги сўзларга айланади. Шунга кўра, экскаватор, телевизор, космонавт каби сўзлар **ўзбек**

тилига яқин вақтларда узлашган бўлса ҳам янгилик бўёгини йуқотиб, кенг истеъмолга ўтган сўзлар ҳисобланади.

Жаргон ва арголар – жуда тор доирадаги ижтимоий гуруҳ ва тудалар нутқидагина бошқалардан ажралиб ўз мақсадлари йулида тузилган, қўлланадиган сўзлар ва иборалар. Масалан, *данап* – *аёл уйинчи (отарчилар нутқида), хашпакчи – доирачи (отарчилар нутқида), атаңда, шухер қоч (безорилар нутқида), новча – ароқ (ичувчилар нутқида).*

Вульгаризм – адабий тилга хос бўлмаган, уятли, ҳақорат сўз ва иборалар. Вульгаризм сўзи лотинча *vulgaris* – «қўпол», «сода» демақдир. Масалан, *1. – Вой баччагар-эй, тим урдингми, буни қаёқдан олдинг? Ха, майли кира қол, – деди кал Асра (Ғ.Ғулом). 2. Утри думини хода қилиб қочди.*

Вульгаризмлар тилда жуда кам ишлатилади, чунки уларни ишлатиш одабсизлик ҳисобланади.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

Тилпуносликнинг лугат тузиш ва лугатчилик иши билан шуғулланувчи соҳасига **лексикография** дейилади. Тилдаги сўзларнинг, ибораларнинг, мақол-маталларнинг, турли атамаларнинг маълум мақсадларда тартибга олинган, китоб шаклидаги тўпламига **лугат** дейилади. Лугатлар турли мақсадларга кўра тузилади. Мақсадга кўра лугатлар дастлаб икки турга бўлинади: 1) энциклопедик (қомусий) лугатлар, 2) лингвистик (лисоний) лугатлар. Ҳар икки лугат турида ҳам лугат мақолалари, сўзлиги қатъий алифбо тартибда жойлаштирилган бўлади. Бу лугат турлари ўз мақсадига кўра, мақолаларининг тузилишига кўра, ёзилиш мундарижасига кўра фарқланади.

Энциклопедик лугатларда сўзларнинг лугавий маънолари берилмайди. Улар ном, атама сифатида нарса-предметлар, жойлар, шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, шахслар ва бошқа турли воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Шунга кўра энциклопедик лугатларнинг сўзлиги фақат от сўз туркумига доир бўлади. Буни «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»дан олинган қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Аср (араб. – давр, вақт) – 1) юз тақвим йили (календарь йил)га тенг вақт оралиги; мас., 20-а. 1901 й. 1 янв.дан 2000 й. 31 дек.гача даврни ўз ичига олади; юз тропик йил; 36524, 2199 ўртача Қуёш суткасига тенг; 2) геологик даврнинг бир қисмини ўз ичига олган вақт. А. ичида бир яруснинг барча тоғ жинслари пайдо бўлади. Геохронология жадвалида А. энг кичик қисм (вақт) ҳисобланиб, бир А. бир ярусга тўтри келади; 3) кун (Қуёш) ботиши чоғидан 1-2 соатча олдинги пайт ва шу пайтда ўқиладиган намоз. А. намозининг муддати – кун ботишидан 2 соат илгаридан то кун ботгунгачадир (яна қ. Намоз).

Бархан (туркийча) – Қумли чўл ва чала чўллардаги рельефнинг кучма қум шакллари. Шамол йўналишига кундаланг бўлади. Б. йилига ўрта ҳисобда бир неча см дан юзлаб м гача кўчади. Қизилқум ва Қорақум чўлларининг баъзи жойларида қаттиқ шамол вақтида Янги Б.лар пайдо бўлади ёки эскилари жойини узгартиради. Б.лар тепадан қараганда кўпинча ёй, ярим ой шаклида бўлади. Шамолга рўпара ён бағирлари қия (5–14), шамолга тескари ёнбағирлари тик (30гача) бўлиши мумкин. Б. учлари шамол кучига, қумнинг намлиги, таркибига қараб узун ёки қисқа бўлади. Б. бал. 0,7 м дан 20 м гача, ҳатто мураккаб шакллари 200 – 300 м ва ундан ҳам баланд бўлади. Шамол ҳаракатига қараб Б.нинг тўпланиши турли шакллар олади: бархан тепалари, бархан занжирлари, бархан пирамидалари ва ҳ.к. Қум кам бўлган қаттиқ ерларда, кўпинча тақирларда якка-якка Б.лар учрайди. Туташ қумларда мураккаб Б. тизмалари вужудга келади. Б. тизмалари Амударё соҳилларида, Сандиқли, Канширак, Қорақум чўлларида, шунингдек Марказий Фарғонадаги Ёзёвон чўлида учрайди. Б.лар нисбатан яхши нам тўплайди ва ихота қилинадиган бўлса, дарахтзор бўлиб қолиши мумкин. Авваллари Бухоро, Қорақум воҳаларининг шим. қисмидаги бир қанча унумдор ерлар, қишлоқлар кучма қум остида қолиб кетар эди, эндиликда саксовул ва б. ўсимликлар экилиб, уз. 125 км, эни 3–4 км дарахтзорлар барпо қилинди ва қум кучиши тўхтатилди. Яна қ. *Эол рельеф шакллари.*

Баҳор, кўклам – 1) йил фасли, мавсум. Ернинг шим. Ярим шарида баҳорги кеча-кундуз тенглиги (20 ёки 21 март)дан ёзги қуёш турғунлигигача, яъни кундуз энг узун, кечаси энг қисқа бўлган кунгача (21 ёки 22 июнгача) давом этади. Шартли равишда март, апрель ва май ойларини Б. деб аташ қабул қилинган. Ернинг Жан. Ярим шарида бу вақтда куз фасли бўлади. Б. қишдан ёзга ўтиш мавсуми ҳисобланади. Б. келиши б-н кунлар тез исий бошлайди, дарахтлар барг ёзади, майсалар кўкаради, қушлар учиб кела бошлайди ва ҳ.к. Булар турли жойларда ҳар хил пайтларда рўй беради Қутб кенгликларида Б. қисқа бўлади, тропикларда сезилмай ўтиб кетади(қ. Йил фасллари); 2) қад. оғирлик ўлчов бирлиги; мусулмон давлатларида қўлланилган. Қиймати ишлатилиш жойи даврига қараб ҳар хил бўлган: а) вазни 229 кг га тенг бўлган кичкина ва вазни 422 кг га тенг бўлган катта Б.ларга бўлинади. Б.нинг 207,4 кг ли тури ҳам бор; б) Маккада 1 Б. 183, 7 кг га тенг бўлган (16-а).

Лингвистик лугатларда лугавий бирликларнинг маънолари, грамматик, услубий белгилари ҳақида маълумот берилади. Бундай лугатларнинг сўзлий барча мустақил ва ёрдамчи сўзлардан, модал, ундов ва тақдидий сўзлардан тартиб топади.

Қиёсламг: Ўзбек тилининг изоҳли лугатидан намуналар:

Баҳор (ф-т) 1.Тўрт фаслнинг биринчиси, қишдан кейинги, ёздан олдинги фасл; кўклам. *Эрта баҳор. Баҳор қуёши. Баҳор шамоли.* – У (Гулнор) буюн шод, баҳор унинг нашъасига нашъа, гўзаллигига гўзаллик қўшган. Ойбек.

2. Кучма. Ҳар нарсанинг, масалан, умрнинг, ҳаётнинг гулгун, яшнаган чоғлари ва шундай чоғлар рамзи.

*Бу ҳаётнинг хазони йўқ, мангу баҳор,
Бу баҳор-ла тоғди насал шон, эътибор.* Ғайратий.

*Дунёда туганмас, узгармас нарса йўқ, шунинг учун
Ҳожихоннинг фасли баҳори ҳам, ҳусни-малоҳати ҳам, кучу қуввати
ҳам тугалишга қараб юз тугди.* М.Исмоилий.

Ёнмоқ 1. Ўт олмоқ; ўтда куймоқ. *Туқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ
баравар ёнади.* Мақол. *Қаловини топса, қор ёнар.* Мақол. *-Қуруқ утин
бир зумда ловуллаб ёниб кетди.* М.Исмоилий, Фаргона т.о./Ёлқинланиб, нур бериб турмоқ. Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ, бир ҳужра... бу ҳужрада шам ёнади. А.Қодирий, Ўтган кунлар. Куринарди узоқдан Ёниб бир чироқ. Ғайратий. /Нур сочмоқ. Кўҳда дарахтлар устида гуж-гуж юлдузлар ёнади. Ойбек, Қутлуг қон. Арча турар ўртада ёниб, Оқмоқдадир ҳарён шуъла-нур. Ғайратий.

2. Нурда товланмоқ, нур қайтармоқ. *Шам нурида товланар,
ёнар, Бир чеккада турган мис чилим.* Э.Раҳим. *Қорда юлдузчалар ёнар
эди.* Ойбек, О.в.шабадалар.

3. Ортиқ даражада иссиғи, ҳарорати ошгандек сезмоқ, қизимоқ. *-Уҳ ... баданим ёниб боради ... - деди Гулнор.* А.Мухтор, Опасингиллар. *У ёноғини онасининг ёниб турган ўтли ёноғига суртиб,
синиқ товуш билан пичирлади.* М.Исмоилий, Фаргона т.о.

4. кучма Қайгурмоқ, куймоқ; ачинмоқ. *Вали ака Гуломжоннинг
ёниб куйлаганига, кўзларининг гузалар ичда нигорон бўзлашига
ҳайрон бўлади.* М.Исмоилий, Фаргона т.о. /Мухаббат./ *Сендан
яширадиган сирим йўқ! Илгарилари бундай эмас эди... Кўрмасам
юрагим ёнади, кузи кўзимга тушса, аъзойи баданимга қалтироқ
киради.* Н.Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Қиз нима уйлайди, унинг қалби
ҳам ишқ алангасида ёнадими, йўқми?* Ойбек, Қутлуг қон.

5. кучма Қизишиб, асабийлашиб кетмоқ, туюқмоқ; алангаламоқ. *Исмоилжон бир нима десам, лов этиб ёниб кетадиган турқи бор.
С.Абдуқаҳдор, Санамай саккиз дема. Сиз онамдан хафа бўлмаг,
азизим, унинг одатини биласиз-ку, бир ёниб, бир учаверади.
С.Анорбоев, Оқсой.*

6. Алангаламоқ, ўт олмоқ. *Беғубор тонг каби қалбингда Ватан
ишқи, халқ меҳри ёнар.* Ғайратий. *Ҳозир Халиловнинг нафрати ёниб
турубди.* И.Раҳим, Ихлос.

7. кучма Ошиқмоқ, сабрсизлик билан кутмоқ. *Навоий Ҳиротга
кириши билан, унинг махсус фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга
яшиндек тарқалди. Ҳамма уни тезроқ эшитиш орзуси билан ёнди.*
Ойбек, Навоий.

*Лов тасв. с. Кучли аланга ҳамда шу алангадан чиқаётган
товушни билдиради. Лов этиб 1)бирдан аланга олиб. Лов этиб ёнмоқ;
2)кучма бирдан қизишиб, қизариб. Шербек кўзларида фақат қалб
билангина ҳис этиш мумкин бўлган алақандай эҳтирос, ҳаяжон бор
эканини пайқади-ю, юзлари лов (этиб) ёнди.* С.Анорбоев, Оқсой.

Лингвистик (лисоний) лугатларнинг асосий мақсади сузларнинг ва ибораларнинг семантик мазмунини тавсиф қилишдир. Шунингдек, лингвистик лугатлар сузларнинг имлоси, талаффузи, халқ мақоллари, хуллас, тил бирликларига оид ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Тузилиш мақсадига кўра лингвистик лугатлар дастлаб умумий ва махсус лугат турларига бўлинади.

Умумий лугатлар қайси мақсадни кузатишидан қатъи назар тилнинг барча қатламига оид лексикани қамраб олади. Бунга «Русча-ўзбекча лугат», «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», «Имло лугати» сингари лугат турлари киради.

Хусусий (махсус) лугатлар тилнинг барча қатламига оид лексикани қамраб олмайди. Маълум бир қатламга, соҳага оид лексикани чегаралаб акс эттиради. Бунга бирор соҳанинг терминлари берилган терминологик лугатлар, диалектал қатламга оид диалектологик лугат, махсус лексик қатламларни акс эттирадиган синонимлар лугати, омонимлар лугати, антонимлар лугати, тилдаги ибораларни қамраб оладиган фразеологик лугат ва бошқа шу каби лугатлар киради.

МОРФЕМИКА

Сўзнинг морфемик таркиби

Морфемика грамматиканинг алоҳида бир бўлими бўлиб, сўзларнинг морфемик таркибини, ундаги морфемаларнинг ўзаро муносабатини, турларини урганади.

Морфема – сўзнинг ифода қилиниши жиҳатидан товушдан кейин турадиган семантик-морфологик бирлик бўлиб, сўзнинг энг кичик маъноли қисмидир. Морфема сўзнинг қайта бўлинмайдиган энг кичик маъноли қисми сифатида лексик маънони ҳам, грамматик маънони ҳам англатади. Масалан, *Меҳнаткашларимизнинг* сўзи *меҳнат-*, *-каш*, *-лар*, *-имиз*, *-нинг* қисмларидан таркиб топган. Бу қисмларнинг ҳар бири шу таркибда ўзига ҳос маълум маъносида қатнашган.

Лексик маъно англатиш ёки англатмаслигига кўра морфемалар 2 турга бўлинади:

1. Ўзак морфема.
2. Аффиксал морфема.

Масалан, *узумзор*, *мева*, *боғ*, *бон*, *ишчи*, *ишла*, *ишдан*, *борган*, *борди*, *болалар* сўзларининг *узум*, *мева*, *боғ*, *иш*, *бор*, *бола* қисмлари ўзак морфемалар, *-зор*, *-ли*, *-бон*, *-чи*, *-ла*, *-дан*, *-ган*, *-ди*, *-лар* қисмлари аффиксал морфема ҳисобланади.

Сўз морфемаларини аниқлаш учун уларнинг ҳозирги тилимизда хоҳ лексик, хоҳ грамматик маъно англата олиши ҳисобга олинади. Ажратишмоқчи бўлган қисм ҳозирги тилда маъно англатмаса, бошқа сўзлар таркибида ҳам кела олмаса, уни морфема деб бўлмайди. Шунга кўра, маъноли қисмларнинг чегарасини турли сўз таркибларини қиёслаш асосида аниқланади. Масалан, *ишчилар* сўзининг *иш + чи + лар* каби морфемаларга ажратишга асос шуки, ўзак деб олинган *иш* сўзи ўз маъносида қатнашган, кейинги сўзнинг ясалиши учун асос бўлиб турибди, турли сўзлар таркибида кела олади: *ишга*, *ишчан*, *ишли*, *ишсиз*, *ишла* каби; *-чи*, аффиксал морфема бўлиб бошқа сўзлар таркибида ҳам *гулчи*, *хизматчи*, *тракторчи* каби шахс оти ясаб кела олади; *-лар*, ҳам морфема сифатида турли сўзлар таркибида кўплик маъносини ифодалаб кела олади: *китоблар*, *болалар*, *бинолар* каби.

Ўзбек тилида морфемалар ўзакка кетма-кет, бири орқасидан иккинчиси қўшилади. Сўзни морфемик таркибга ажратиш охириги морфемани белгилаб олишдан бошланади ва кетма-кет тарзда ўзак формемани белгилаш билан тугалланади.

Масалан;

муз→*муз + ла*→*музла + т*→*музлат + иш*;

кўк→*кўк + ар*→*кўкар + тир*→*кўкартир + иш*→*кўкартириш + ди*;

оқ→*оқ + ла*→*оқла + в*→*оқлов + чи*;

том→*том + чи*→*томчи + ла*→*томчила + т*.

Тонг пайти. Богларда ишқомлар узумга тула. Чиллаки энди қизара бошлаган. Ҳавода қушлар овози янграйди... Тонг шабадасининг салқини кунгилларга ором беради...

Мен ва Аъзам аравада кетмоқдамиз. Биз энди ёришиб келаётган осмоннинг майин шоҳисини, сеҳрли мусиқа ва оҳангта, мислсиз ҳусн-латофатга тула богларни тантанали сайр этиб борамиз. қалбимизда ҳис-туйғулар, шодлик, завқ тошади.

Кеча мактабдан қайтганимда онам оппоқ қилиб ювган куйлак-иштонларимни арқонга ёяр экан, мени кулиб қарши олган эди.

- Эртага жунайсан, - деган эди кузларида меҳр, севинч чақнаб.

- Қаерга? - деб сўрадим ҳапқириб.

- Янгибозорга борасан. Ҳали тўсатдан дарвозани қоқиб бир киши келди. Дарров чиқдим, дадангнинг олдидан келипти. Тайёр булиб турсин Мусавой, эртага, тонгда олиб жунайман, деди. Аъзам ҳам боради, буваси чақиртирипти, ойисига айтиб келдим.

Мен ўзимда йўқ эдим. (Ойбек).

Ўзак морфема сўзда албатта иштирок этадиган, лексик маънони берувчи қисмдир. Ўзак морфема янги сўз ясалиши учун ҳам шакл ясалиши учун ҳам асос бўла олади. Масалан, *мевали, мевасиз, сермева* каби таркибли сўзларда мева сўз ясалиши учун асос бўлса; *мевани, мевамиз, мевалар* таркибли сўзларда мева шакл ясалиши учун асос бўлади.

Ўзак морфема сўзнинг лексик маъносини билдирувчи асосий қисм бўлганлиги учун асосий морфема, аффикслар шу ўзак билан биргаликда, шу орқали қўлланганлиги учун эргаш морфема ёки ёрдамчи морфема терминлари билан ҳам аталади.

Ўзак морфема ифода этилишига кўра сўзга ўхшайди, улар маъно жиҳатидан ўзаро боғланган бўлади. Лекин ўзакни сўзнинг таркибига кирувчи морфема сифатида сўз билан тенглаштириб бўлмайди. Масалан, *бошлиқ, мевазор, ишчи, ишла* сўзларидаги *бош-, мева-, иш* ўзак морфемалар алоҳида олинган *бош, мева, иш* сўзларига айнан тенг эмас. Гарчи улар фонетик жиҳатдан тенг келса ҳам. Буни биз ўзакларнинг маъно доираси билан сўзларнинг маъно доиралари тенг келмаганлигидан куришимиз мумкин. Ўзакнинг маъноси шу сўз таркиби учун аниқ, чекланган бўлади. Унинг маъноси шу сўз таркиби (ясалиш таркиби) доирасида белгиланади. Сўзнинг маъноси эса нутқ, гап доирасида белгиланади.

Аффиксал морфема. Сўзнинг таркибида ўзақдан кейин келиб, сўзнинг лексик ва грамматик маъноларини шакллантирадиган морфемадир. Аффиксал морфема ўзича мустақил қўллана олмайди ва маъно ҳам англамайди.

Сўз таркибида аффиксал морфемалар бир нечта бўлиши мумкин. Улар ўзбек тилида ўзақка бирин-кетин, маълум тартибда

қушилади. Масалан, *пахтакорларимиздан* – *пахта + кор + лар + имиз + дан*.

Аффиксал морфеманинг маъноси ҳар бир конкрет сўз таркиби асосида белгиланади, ҳар бир қўлланишда у конкрет маъно ифодалайди. Масалан, *сув-чи, гул-чи, трактор-чи, ўқув-чи; дафтар-им, ақл-им, ҳалқ-им, кўз-им, ўз-им* каби сўз таркибларида аффиксал морфемалардан (у хоҳ сўз ясовчи, хоҳ шакл ясовчи бўлсин) ўзига хос конкрет маъноларда келган, улар бир-бирига бугунлай тенг эмас.

74- машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни морфемаларга ажратинг. Ўзак ва аффиксларнинг маъноларини, вазифаларини аниқланг.

1. Анварнинг маҳдум ҳовлисида туришини *жойсизликдан* ва *ёшлиқдан* шунда ўсиб *ургангандан*, деб юрган Султонали мирзо бу кун эрталаб ўз уйига келган маҳдумнинг сўзидан кейин бир оз ҳақиқатта *тушунгандек* бўлди. (А.Қодирий) 2. Саидий Мунисхоннинг ҳалиги сўзига *муваффақиятли* жавоб *қилгандан* сўнг яна ушандай *сузлатиб* жавоб қилишни хоҳлади. (А.Қаҳҳор) 3. *Қувончимдан* теримга *сигмай Тургун деган* ўртогимникига югурдим. (Ойбек) 4. Куз илиқ келгани учунми, Ҳирот *тождорлари* ҳали ҳам қалъа *ташқарисидан* боғларда яшамокда эдилар. (П.Қодиров) 5. Қиз мажораси *бошланишидан* икки кун оддин Чавандоз Комила билан бирга тоққа *чиқиб кетганди*. (П.Қодиров) 6. Қизлар *саңдиқчаларидан*, ёстиқларининг осларидан *туғунчаларини* келтириб, нонларини ўртага тўкиб, нонуштага *ўтирганларидан* кейин ҳам узаро *пичирлаш* тугамади. (И.Раҳим) 7. Юлдузлар *бекинмачоқ* уйнаётгандек, онда-сонда ялт-ялт этиб қолади. (В.Гофуров) 8. *Кунгили* утган бир ҳафта, айниқса, Қўқондан *ҳатлаб* нарига чиқа олмаган Ғарибийда катта таъсурот қолдирган эди. (С. Абдулла)

Сўзнинг морфемик таркибидаги ўзгаришлар.

Фонетик ўзгаришлар сўзнинг ўзак қисмида ҳам қўшимчада ҳам юз беради. Бундай ўзгаришлар турли сабабларга кўра бўлади. Ўзақдаги ўзгаришлар, асосан қўшимчаларнинг қўшилиши билан боғлиқдир, Масалан, онг + ла-англа, сон + а-сана, икки + ов-икков каби.

Бундай ўзгаришлар кўпроқ аффикс морфемда юз беради. Қўшимчадаги ўзгаришлар ўзак-негизнинг фонетик таркибига боғлиқдир. Масалан, *қишлоқ + га- қишлоққа, терак + га- теракка, тоғ + га- тоққа* каби.

Даврлар ўтиши билан бир нечта аффикс бирикиб битта аффикс морфема ҳолатига келиб қолиши мумкин. Масалан, *заргарлик, деҳқончилик* сўзлари морфемаларга *зар + гар + лик, деҳқон + чилик* тарзида ажратилади. Куринадики, биринчи сўзда -лик алоҳида морфема бўла олади, иккинчи сўзда эса у алоҳида морфема бўла олмайди. Сабаби иккинчи сўздаги қолган *деҳқончи* қисм маъно англатмайди, тилда шу шаклда қўлланмайдиган бўлиб қолган. Шунга

кўра *деҳқон* ўзак морфема – *чилик* яхлит ҳолда битта аффиксал морфема саналади.

Аффикслар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1. Содда аффикслар.
2. Қўшма аффикслар.

Содда аффикслар мустақил морфема бўла олади. Масалан, ишлашди – *иш + ла + ш + ди*, *лугатчилик* – *лугат + чи + лик*, *мисгарлик* – *мис + гар + лик* каби.

Қўшма аффикслар яхлит ҳолда битта аффиксал морфема саналади. Масалан, *косибчилик* – *косиб + чилик*, *одамгарчилик* – *одам + гарчилик*, *ёрдамлаш* – *ёрдам + лаш* каби.

75- машқ. Белгилаб қўйилган сўзларнинг морфемик таркибидаги ўзгаришларни аниқланг. Сабабини тушунтиришга ҳаракат қилинг.

1. ... Холмуродов уни бир ерда холи учратиб: "Ёшларнинг ишига *аралашманг*, ..." деб койиб берган эди. (В.Ғофуров). 2. Нормат шунча уринса ҳам *урнидан* туролмади. (И. Раҳим). 3. Арк дарвозаси олдида Шайбонийхоннинг *угли* Темур Султон турган экан... (П. Қодиров). 4. Аммо сўнгги ойларда бир киши *кунглимда* умид учқуни пайдо қилди. (А. Қаҳҳор). 5. –Ўртоқ, – деди у бир кун менга, – бозорга борган эдим, ногоралар бирам бисёрки, кўзларим *уйнайди*. (Ойбек). 6. Мана энди шундай одамлар *ўз қишлоғига* ҳам келишди. (О. Ёқубов). 7. Тожибой бир-икки қадам олдинда бормоқда эди, овозни эшитиб кетига қаради, *зшагини* *ўз ҳолига қуйиб юборди*... (С. Абдулла). 8. Султонмурод... ажойиб манзараларига суқланиб қарар, шодликдан, ҳисларнинг *шухлигидан* кўкси тўлиб тошарди. (Ойбек). 9. Бизнинг вазифамиз бу мақолани *ҳалққа* етказиш... (А.Қаҳҳор). 10. Энди у ҳам *қорнини* ушлаб кула бошлади. (М. Исмоилий). 11. Сизнинг *ойлигингиз* рўзгордан ортмайди. (А.Қаҳҳор). 12.Чор тарафга анграя-анграя *атторликка* ўтаман. (Ойбек).

76- машқ. Келтирилган гаплардан содда ва қўшма аффиксли морфемаларни белгилаб чиқинг. Қўшма аффиксларни таҳлил қилинг.

1. Бир жума куни Саидий Муродхўжа домла билан *улфатчилик* қилиб *утирганда*, Ёқубжон келди. (А.Қаҳҳор). 2. Бироқ бояги ширин орзулар ҳамон ҳаёлини *тулқинлантириб*, кўзига уйқу *қундирмайди*. (П. Қодиров). 3. Доимо *кўпчиликнинг* диққат *марказида* бўлиш... Бобурни жуда *сиқилтирар* эди. (П.Қодиров). 4. Бозор бошдан –оёқ тим. Ёзда салқин, қишда *ёгингарчиликка бошпана*. (Ойбек). 5. ... дўшпи тикиб, *тирикчилик* қилар эди. (С. Абдулла). 6. Лекин *ичқарида* на овоз, на оёқ *дупури* келди. (М. Исмоилий). 7. Адолатнинг бошига тош *урилдими*, ёки биров унинг *кўзларига* қора чиммат *тўсиб қўйдими*, атроф *қоронғилашиб*, кўзи тиниб кетди. (И. Раҳим). 8. –Рағнони эгасига *топпирмагунинизгча*, – деди Нигор ойим, – *қуолмайдаганга* ўхшайди. (А. Қодирий). 9. Шокировнинг мина *портлашдан юраги*

шувиллаб кетди. (В.Ғофуров). 10. *Отангиздан* бир парча ер қолганда ўша *қаттиқчиликни* кўрмас *эдингиз*. (А.Қаҳдор).

Қўшимча морфемаларнинг турлари

Сўзнинг лексик ва грамматик маъноларини ифодалашига кўра қўшимчалар 2 турга бўлинади:

1. Сўз ясовчи қўшимчалар;
2. Шақл ясовчи қўшимчалар.

Сўз ясовчи қўшимчалар янги лексик маъноли сўз ҳосил қиладиган қўшимчалардир. Масалан, *ишла, ишчи, ишчан, ишли, ишсиз* каби сўзларда *иш* ўзагидан *-ла, -чи, -чан, -ли, -сиз* сўз ясовчи қўшимчалари ёрдамида от, сифат, феъл туркумларига оид янги сўзлар ясалган. Сўз ясовчи қўшимчаларнинг ўзига хос хусусиятлари қўлланманинг “Сўз ясалиши” бобида батафсил ўрганилади.

Шақл ясовчи қўшимчалар янги сўз ясамайдиган, сўзларнинг грамматик формаларини шақллантирадиган ва турли грамматик маъноларни англатадиган қўшимчалардир. Масалан, *талабаларимизнинг* сўзида *-лар, -имиз, -нинг* қўшимчалари, келмадинг сўзида *-ма, -ди, -нг* қўшимчалари қатнашган бўлиб, улардаги *-лар* кўплик маъносини, *-имиз* I-шахс кўплик маъносини, *-нинг* қаратқич келишиги маъносини, *-ма* феълнинг инкор маъносини, *-ди* феълнинг ўтган замон маъносини, *-нг* феълнинг шахс-сон (II-шахс) маъносини ифодалайди.

Шақл ясовчи қўшимчалардан отлардаги эғалик, келишик феълларидаги шахс-сон қўшимчалари вазифасига кўра бошқа шақл ясовчилардан фарқланади. Улар синтактик муносабатни ифодалайди. Масалан, *Мен дўстимни кўрдим* гапида сўзларнинг синтактик муносабати, сўзларнинг ўзаро бир-бирига боғланиши I-шахс эғалик қўшимчаси *-им*, тушум келишигининг қўшимчаси *-ни* ва шахс-сон қўшимчаси *-м* ёрдамида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган 3 турли қўшимчаларни баъзи дарсликларда *сўз ўзгартирувчи қўшимчалар* деб юритиб келинмоқда. Бу уч турли аффикслардан бошқа қўшимчалар эса синтактик муносабатни ифодаламайди. Лекин улардаги грамматик маъно сўзловчининг нарса, ҳодиса, воқеликка муносабатини акс эттириш асосида юзага келади. Масалан, *йигитча, кўзичоқ, келинчақ, талабалар, кенгроқ* сўзларидаги *-ча, -чоқ, -чақ, -лар, -роқ,* қўшимчалари воқеликка бўлган турлича муносабатларни ифодаловчи грамматик маъноларни билдиради: *-ча, -чоқ, -чақ* «эркалаш, кичрайтириш», *-лар* кўплик, *-роқ* белги миқдорининг камлиги грамматик маъноларида келган.

Шақл ясовчилар категориял ва нокатегориял шақл ясовчи турларига бўлиб ҳам ўрганилади.

Категориял шақл ясовчилар сўз туркумларидаги грамматик категорияларга хос шақл ясайди. Бундай шақл ясовчиларга отлардаги эғалик, келишик, кўплик; феъллардаги замон, майл, нисбат, шахс-сон; сифатлардаги даража шақллари ясовчи қўшимчалар киради.

Нокатегориал шакл ясовчилар грамматик категорияларга хос бўлмаган грамматик шакллارни ясайди. Буларга отлардаги эркалаш, кичрайтириш (*китобча, тойчоқ, буталоқ, келинчак*); феъллардаги сифатдош (*уқиган*), равишдош (*уқиб, югуриб*) шаклларини ясовчилар киради.

77- машқ. Матндаги сўзларни морфемик таҳлил қилинг, сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчаларни аниқланг. Шакл ясовчиларни қандай грамматик маъно ифодалашини тушунтиринг.

Қасида уқиб тугатилганда Бобур таъсирланганидан қаерда ўтирганини ҳам унутган эди. У атрофига қараб, гўё меҳмонхонага узоқлардан қайтиб келгандай бўлди.

- Мавлоно, бу қасидани Алишербекка нега юбормайсиз?
- Ҳиротта борадиган тайинли одам йўқ, амирзодам.
- Биз яқинда Ҳиротта элчи юбормоқчимиз. Каминага Алишербекдан китобат келган эди. Жавобини ёзиб юбормоқчиман.
- Амирзодам, қани эди, қулингизнинг бу қасидасини ҳам...
- Марҳамат, хатотта бериб кучиртирмоқ зарур бўлса, мен буюрурмен. Сўнг элчидан бериб юборурмиз.

Гап шунга қарор топди-ю, мулла Биноий хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Бобур яна хонаи хосга кириб, чала қолган шеърини қўлга олди. Бироқ энди катта шоир билан бўлган узоқ суҳбатдан сўнг, аввалги шеърлари Навоийга юборишга муносиб эмасдек туюлди. Унга илгари жўн туюладиган нарсалар ҳам аслида жуда мураккаб экани ҳозир жуда аниқ сезилаётгандай бўларди. Ҳамма нарсани муҳит, аҳли жаҳон мураккаблаштиради. Ҳиротда яшаётган Алишер Навоий ҳам, ҳозир Бобурга кўп нарсаларни кўюниб айтиб берган Биноий ҳам муҳитдан, замона аҳлидан норози бўлганларича бор эди. Бобурнинг ўзи бу замонадан озмунча жабр кўрдими? (П. Қодиров,).

Сўзларда бўлгани каби аффиксларда ҳам полисемия, омонимия ва антонимия ҳодисалари учрайди.

Аффиксал полисемия. Аффикслар ҳам худди сўзлар каби кўп маъноли (полисемантик) бўлиши мумкин. Бир туркумга тегишли бўлган ҳар хил маънони билдирадиган биргина аффиксга полисемантик аффикс дейилади. Масалан, **-чи**, аффикси турлича шахсоти маъноларини билдириб кела олади.: *ишчи, тракторчи, ўйинчи, гулчи, тарихчи, ҳижоачи, спортчи, пахтакорчи* кабилар; **-ли**, аффикси бир ўринда эга эканлик маъносини (*меваали, болали, ақлли, китобли*) билдирса, иккинчи ўринда ортиқ даражада эга эканлик маъносини (ёгли, сувли, ширали) билдиради.

Аффиксал омонимия. Маъно ва вазифасига кўра турлича аффиксларнинг шаклан тенг келиб қолишига аффиксал омонимия дейилади. Омонимиянинг қўйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Сўз ясовчи аффикслар шаклан тенг келиб қолади. Бунда омоним аффикслар бир сўз туркуми доирасида бўлиши ҳам, турли сўз туркумлари доирасида бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *ур + оқ (от) – қўрқ + оқ (сифат), яшир + ин (сифат) – эрк + ин (сифат), ён + гин (от) – оз + гин (сифат), билим + дон (сифат) – қадр + дон (сифат), соч + иқ (от) – чин + иқ (феъл)* каби.

2. Сўз ясовчи аффикс билан шакл ясовчи аффикс шаклан тенг келиб қолади. Масалан, *мақтаб + чоқ (сифат ясовчи) – қўзи + чоқ (отнинг кичрайтиш – эркалаш шакли), ус + ма (от ясовчи) – қовур + ма (сифат ясовчи) – ўқи + ма (феълнинг бўлишсиз шакли)* каби.

3. Шакл ясовчи аффикслар шаклан тенг келиб қолади. Масалан, *машина + м, машина + нг (отнинг эгалик шакли), ўқиди + м, ўқиди + нг (феълнинг шахс-сон шакли), ўқи + ш, ёз + иш (феълнинг ҳаракат номи шакли), ишла + ш + ди, кул + иш + ди (феълнинг биргалик даража шакли)* каби.

Аффиксал синонимия. Бир туркум доирасидаги аффиксларнинг бирор маъносида тенг келиб қолишига аффиксал синонимия дейилади. Аффиксал синонимия бошқа-бошқа аффиксларнинг бир асосга қўшилиши натижасида содир бўлади. Масалан, *савлат + ли – сер + савлат, маҳсул + дор – сер + маҳсул* каби.

Аффикслар синонимияси вазифаси бир хил бўлган аффикслар доирасида бўлади. Сўз ясовчи билан сўз ясовчи (*унум + дор – сер + унум, тил + чи – тил + шунос*), шакл ясовчи билан шакл ясовчи (*айт + гиз – айт + дир, ўзгар + т – ўзгар + тир*) синонимик муносабатга киришади.

Аффикслар синонимияси кўпинча ўзбек тилидаги аффиксларнинг бошқа тиллардан ўзлашган аффиксларнинг бирор маъносида умумийликка эга бўлишлари асосида келиб чиқади. Масалан, **-чи** аффикси бир маъносида тожикча **-шунос** аффикси билан (*тил + чи – тил + шунос*), иккинчи маъносида тожикча **-кор** аффикси билан (*хизмат + чи – хизмат + кор*), учинчи маъносида тожикча **-каш** аффикси билан (*чилдирма + чи – чилдирма + каш*) синонимик муносабатга киришади.

Аффиксал антонимия. Бир туркум доирасидаги аффиксларнинг зид маъно билдириши ҳодисасига аффиксал антонимия дейилади. Масалан, **-ли** ва **-сиз**: *кучли – кучсиз, унумли – унумсиз*; **-ли** ва **-бе**: *баракали – беварака, нуқсонли – бевуқсон* каби.

78- машқ. Келтирилган гаплар таркибидан кўп маъноли аффиксларни аниқланг. Уларни шакл ва маъно муносабатларига кўра таҳлил қилинг.

1. Уйга кирса – уйда, ҳовлига чиқса – ҳовлида бетоқат бўлади. (М. Исмоилий). 2. Бу гап Тутиқизга ёшлик чоғларини эслатди. О, у вақтлар нақадар бахтли эди Тутиқиз! (М. Исмоилий). 3. Намозшомда қарвончилар Комил билан Қурбон ота турган қўрага йигилишди. (О. Ёқубов). 4. Қабристоннинг бир четида босмачилар билан урушда

ҳалок бўлган уч-тўртта жангчининг қабри бор эди. (О. Ёқубов). 5. У серсавлат, серпул шоир кечқурун ҳам келмади. (А.Қаҳҳор). 6. Бошини эгиб хомуш ўтирган бобом, ҳар турли ибратли сўзлар билан, отамга насиҳат қила бошлайди. (Ойбек). 7. Шаҳар ичида ҳам мевали дарахтлар, тоқлар жуда кўп... (П.Қодиров). 8. Бироқ доктор... дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади. (А.Қаҳҳор). 9. —Бундай ҳаёл қилмаслигингизни илтижо қилар эдим, отинча! (С. Абдулла). 10. Кучли шамол кўтарилиб, боқчадаги ҳар нарсани тўрт тарафга бука бошлади. (А. Қодирий). 11. Шу вақт айвонда кампирларнинг кулгиси кўтарилди, ошпаз билан чойхоначининг диққатини тортди. (В. Гофуров). 12. Кечки куз фасли. Эринчак қиш ҳали ўзини сездирган эмас. (Ойбек).

СЎЗ ЯСАЛИШИ

Сўз ясалиши тилшуносликнинг мустақил соҳаси бўлиб, у янги сўз яшаш, сўз яшаш усуллари ва воситаларини урганadi. Тилдаги сўзларнинг ясалиш таркибини ҳамда уларнинг ясалиш усулларини аниқлаш бу бўлимнинг асосий вазифасидир.

Сўз яшаш усуллари. Қаңдай усул билан бўлса-да, янги сўз ҳосил қилишга сўз ясалиши дейилади. Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясалишининг турли усуллари мавжуд. Улар қўйидагилар:

1. Семантик усул.
2. Фонетик усул.
3. Аббревиация усули.
4. Аффиксация усули.
5. Композиция усули.

Семантик усул. Куп маъноли сўзнинг маънолари орасидаги алоқанинг ўзгариши, узилиши натижасида омоним сўзларнинг юзага келиши ҳақида маълумотга эгамиз. Сўз маъносининг ўзгариши асосида янги сўз ҳосил қилиш семантик усул билан сўз ясалиши дейилади. Бу усул билан ясалган сўзлар турли сўз туркумларига тегишля бўлиб қолиши мумкин. Масалан, *кўк* («осмон», от) – *кўк* («ранг», сифат), *кўч* («ҳаракат», феъл) – *кўч* («юк», от), *юлқа* («белги», сифат) – *юлқа* («предмет», от), *кун* («қуёш», от) – *кун* («сутканинг ёруғ қисми», ҳисоб сўзи ўрнида) каби.

Фонетик усул. Сўзнинг фонетик таркибида бўладиган ўзгариш натижасида янги сўзнинг ҳосил бўлишига фонетик усулда сўз ясалиши дейилади. Масалан, *тун* ва *кун*, *кўз* ва *кўр*, *ака* ва *ука* каби.

Сўз ургусининг ўзгариши ҳам фонетик усулда бошқа сўз туркумига оид сўзларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Янги сўз ясалади. Масалан, *янги* (сифат) – *янги* (пайт равниши), *сузма* (от) – *сузма* (феъл), *қушча* (от) – *қушча* (қушдек, қуш каби – равиш), *академик* (сифат) – *академик* (от) каби.

Аббревиация усули. Тўғри маъноли тургун сўз бирикмаларининг қисқартма сўзларга айланишига аббревиация усулида сўз ясалиши дейилади. Бу усулда қисқартма отлар ясалади. Ҳозирги ўзбек тилига аббревиация усулида сўз ясалиши рус тилидан кирган. Масалан, *УзМУ* – Ўзбекистон Миллий Университети, *БМТ* – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, *АТС* – Автоматик Телефон Станцияси каби.

Аффиксация усули. Сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўз ҳосил қилинишига аффиксация усулида сўз ясалиши дейилади. Ясовчи асосга аффикслар қўшиш билан от, сифат, феъл, равиш туркумига оид сўзлар ясалади. Масалан, *сувчи*, *арракаш* – от; *ақли*, *сувсиз* – сифат; *ишла*, *отлан* – феъл; *яширин*, *янгича* – равиш каби.

Композиция усули. Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг қўшилиши орқали янги сўз ясалишига композиция усулида сўз ясалиши дейилади. Бу усулда қўшма сўзлар ясалади. Масалан, *кўзойнак*, *гулдаста*, *ошқозон*, *гултожхўроз* каби.

79- машқ. Қуйидаги сўзларнинг туб ёки ясама эканлигини аниқланг. Ясама сўзларни ажратиб олиб ясалиш усулига кўра таҳлил қилинг.

Абадий, абадийлик, ажойиб, азоблантирмоқ, битта, бичим, бодроқ, бодринг, важоҳат, важоҳатли, зарпечак, ибо, иболи, игнасимон, илгақ, иллат, илгор, каҳрабо, кетказмоқ, лавлаги, лавозим, лойқа, мазлума, меҳр-оқибат, мўйлов, нариги, наққош, ноаниқ, ойнасоз, олхўри, олча, оромбахш, пуфак, пучқоқ, рўмолча, савагич, таглама, тагли, улутвор, умумий, чапак, чақалоқ, шолিপоя, шухрат, шухратли, эзгу, эзгулик.

80- машқ. Матндан ясама сўзларни аниқланг. Қайси усулда ясалганлигини тушунтиринг.

Навой газални шавқ билан товуш чиқариб ўқиди. Чолнинг ўсиқ қошлари тагидан қараган, ҳар вақтдаги каби сокин, ишончли, доно кўзларига тикилди.

- Бизнинг газалимиз эл орасида бир қадар шухрат тутгани ҳақида ривоятлар бор, - деди Навоий камтаривлик билан. - Сизнинг холис дурри гавҳардан чизилмиш бу бадангизнинг шухрати жаҳонни тутуши муҳаққадир.

Жомийнинг кўзларида, соқолларида самимий, оққўнғил табассум тошди.

- Бир нусха кўчириб олмоққа ижозат берурсиз. - Навоий кўзлари билан қалам, довт қидира бошлади.

- Заҳмат чекмангиз, - қўли билан энгил ишорат қилиб деди Жомий, - бу нусхани сиз учун махсус кўчириб қўйган эдим.

- У ҳолда туҳфангизнинг қиймати биз учун беҳисоб ортди.

Навой қоғозни авайлаб тахлади-да, киссасига солди ва хушлашди. Жомий уни ташқи эшикка қадар кузатиб қўйди.

Хуфтондан кейин «Бинафша боғ»нинг супасида Ҳиротнинг энг дондор меъморлари, бинокорлари, сангтарошлари, наққошларидан иборат қирқ-элик устод йиғилди. Буларнинг аксари махсус мактаб кўрмаган бўлсалар-да, асрларнинг тажрибасини мукамал ўзлаштирган, ижодчи фикрга эга ажойиб усталар эди. (Ойбек).

СЎЗ ЯСАЛИШ ТАРКИБИ.

Сўз ясалишида аффиксация ҳамда композиция усуллари энг фаол усуллардан саналади.

Сўз ясалиш таркиби сўзнинг морфемик таркиби билан узвий боғлиқдир. Унда ҳар бир ўзак ҳамда аффиксал морфеманинг янги сўз ясовчилик хусусияти аниқланади. Бу сўз ясалиш таркибининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд эканлигини кўрсатади.

Сўз ясалиш таркиби икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси, ясовчи асос, иккинчиси ясовчи восита (қушимча). Ясалиш таркибини эса ясалма (ясама сўз) дейилади. Масалан, *утлоқ, гулла, мевали, тезлик* ясалмаларда *ут, гул, мева, тез* қисмлар ясовчи асос бўлиб, *-лоқ, -ла, -ли, -лик* қисмлари эса ясовчи восита бўлиб келган.

Сўз ясалиш таркиби сўзнинг морфемик таркибидан фарқ қилади Морфем ик таркибда қисмлар, яъни морфемалар икки ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Сўз ясалиш таркибида эса фақат икки қисм бўлади, яъни ясовчи асос ва ясовчи восита (аффикс). Агарда *теримчи* сўзи морфемик таркибга *тер-им-чи* шаклида ажралса, сўз ясалиш таркибига *терим-чи* шаклида ажралади. Демак *теримчи* сўзнинг ясалиши учун *тер* қисми эмас, *терим* қисми асос бўлади. Ясовчи асос ҳар доим ҳам ўзакка тенг келмайди. Бу шуни кўрсатадики, ясовчи асос туб ва ясама бўлиши мумкин: *билим, яхшила, ишчи, тоқзор* сўзларида ясовчи асос бўлиб *бил, яхши, иш*, ток туб сўзлари келган; *билимдон, теримчи, овчилик, теримчилик* ясалмаларида эса *билим, терим, овчи, теримчи* ясама сўзлари ясовчи асос бўлиб келган.

Сўзнинг морфемик таркибини аниқлашда морфемаларнинг чегарасини белгилаш қанчалик муҳим бўлса, ясовчи асос билан ясовчи қушимча орасидаги чегарани аниқлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Шунга кўра *гулчилик, пахтачилик, балиқчилик* сўзларида ясовчи асос *гулчи, пахтачи, балиқчи*, ясовчи қушимча *-лик* бўлса, *деҳқончилик, аҳмоқчилик, озчилик* ясама сўзларида эса *деҳқон, аҳмоқ, оз* сўзлари ясовчи асос, *-чилик* ясовчи қушимча бўлади. Чунки тилда *деҳқончи, аҳмоқчи, озчи* шаклидаги сўзлар қўлланмайди. Қўшма аффикслар ҳақида морфемика бўлимида ҳам фикр юритилган.

Ясовчи асос қўшма, жуфт, такрор сўзлардан таркиб тонган бўлиши ҳам мумкин: *асаларичи, игнабаргли, ота-онали, сиҳат-саломатлик, шаршара* каби.

Қўшма сўзларда ясовчи асос икки ва ундан ортиқ бўлади. Масалан, *кўзойнак, меҳнатсевар* сўзлари иккитадан ясовчи асосга эга бўлса, *гултожигўроз* сўзи учта ясовчи асосдан таркиб топган.

Сўз ясалиш таркибида фақат сўзнинг лексик маъно англаатадиган қисми ҳисобга олинади. Сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи қисми эса сўз ясалиш таркибига кирмайди. Улар сўзнинг морфологик таркиби ҳисобланади. Масалан, *меҳнаткашларнинг* сўзида *меҳнаткаш* ясама сўз, *-лар, -нинг* эса грамматик маъно ифодаловчи (*-лар* куплик маъносини, *-нинг* қаратқич келишиги маъносини) қисмлардир. Лексик маънони шакллантирмаганлиги учун бу қисмлар сўз ясалиш таркибига эмас, шакл ясалиш таркибига қиради.

81- машқ. Ясама сўзларни топиб, ясалиш таркибини аниқланг.

1. Бир оздан кейин анча хавфсиз бўлган жарликка тушиб олишди. (В. Гофуров). 2. —Ҳай, воқеан, — деди маҳдум, кулги ораси

тўхтаб. – Мирзобошидан бир илтимосимиз бор экан... (А. Қодирий). 3. Чуваллашиб кетган хаёл калавасининг учини топиб олгунча йўқ эди, кузи уйқуга кетди, шу билан эрталаб эшик тақиллаганда уйғонди. (С. Абдулла). 4. Бу ҳароратли сатр қозғозга тез ва равон тушди. Бобур ўз зеҳнини гўё қайралиб, ўткирлашиб қолганини сезиб турарди (П.Қодиров). 5. Бироқ Мунисхон хатни кўрдию, совуққонлик билан жойига ташлади-да,... китобини очди. (А.Қаҳҳор). 6. Кейинроқ гапнинг мазмунидан, бу кишининг чор бозорчи, яъни шаҳар атрофидаги қишлоқларга қатновчи бир савдогар эканини ва Шокир отага маҳси учун олдиндан пул бериб қўйганлигини, ҳам шу буюртма қилган молни олиш учун келганлигини англади. (Ойбек). 7. Узиям қандайдир уйчан, ҳатто маънос эди. (О.Ёқубов). 8. Нормат сакраб урнидан туриб беҳуш хотиннинг юзига сув сецди. (И.Раҳим). 9. Лекин Дилшоднинг маслаҳатисиз бир нарса қилишни ўзбошимчалик деб ўйлаб, шайтонга хайр берди. (М.Исмоилий). 10. Ариқлардан, торкуча ва кучалардан лойқа сув оқа бошлади. (А.Қаҳҳор). 11. Ҳунармандлар ўртасида ажойиб истеъдодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп (Ойбек). 12. Одатдаги улфатчиликларнинг бирида Саидий,... Мунисхондан гап очди... (А.Қаҳҳор). 13. Шу пайт қалъанинг нариги четида... қўшкарнайларнинг гат-гати... эшитилди. (П.Қодиров).

82- машқ. Берилган ясама сўзлардаги ясовчи асос ҳамда ясовчи аффиксларнинг тузилишига кўра турларини аниқланг.

Алоқачи, бичиқ, бичиқчи, газлама, терим, теримчи, теримчилик, айирувчи, йўловчи, бошқарувчи, асаларичи, асаларичилик, бахтиёрлик, сиҳат-саломатлик, бизбизак, шаршара темирчилик, тақачилик, қўлли-оёқли, ували-жували, қаттиқ қўлли, оғир оёқли, оқ кўнгилли, ёзин-қийин, очин-тўқин, остин-устин, осонликча, ортиқчалик, овқатланмоқ, фойдаланмоқ, майдаланмоқ, ўткирланмоқ, дустлашмоқ, суҳбатлашмоқ, яқинлашмоқ, тораймоқ, купаймоқ, ўртоқларча, қадрдонларча, айбдорларча, оталарча, арзончилик, богдорчилик, бемаънигарчилик, дагдаға, васваса, бизбизак, жизза.

83- машқ. Қуйидаги берилган сўзлар ёрдамида аффиксация ҳамда композиция усулида янги сўзлар ясанг, ясалманинг таркибини ажратиб кўрсатинг.

Намуна: Гул: гулли (гул + ли), гулсиз (гул + сиз), гулчи (гул + чи), гулла (гул + ла), гултувак (гул + тувак), гулсапсар (гул + сапсар), гулчамбар (гул + чамбар).

Бир, бог, бил, бул, сез, ич, кўк, яқши, бош, газ, қисқа, меҳнат, жой, барг, гул, иш.

84- машқ. Берилган сўзлардан аввал тўб сўзларни, кейин содда ясама сўзларни, сўнгра қўшма сўзларни алоҳида-алоҳида кўчириб олинг. Ясама сўзларни ясовчи асос ва ясовчи воситага ажратиб чиқинг.

Адолатпарвар, аждаргул, айбдор, айиқтовон, алангали, асабий, бадавлат, бадбуй, базмгоҳ, белбоғли, белкурак, бетоб, бутазор, вазндор, газанда, гулбанд, гумбаз, дамлам, дардарак, дилдор, донишманд, ем-ҳашак, ечим, ёдгор, ёдгорлик, ёқавайрон, ёгин, жайдари, жамгарма, жиловбардор, жонкуяр, заррача, илҳомбахш, инсоний, йўлбошчи, йўқлама, калтакесак, калтафаҳмлиқ, кечаси, кирсовун, лолақизгалдоқ, маданий, маърифатпарвар, молбоқар, мустақиллик, намозшомгул, нобоп, ойнасиз, олақарга, оқжўҳори, раҳмдил, рўзгор, саломнома, сачратқи, танга, тезпишар, темиртак, топагон, учувчи, фикрдош, халқпарвар, халқпарварлик, чўрткесар, шифобахш, шўхчан, элчи, юклама, юмронқозиқ, яқтакчанг, ўймакорлик, қаламча, қизиққон, гилдирак, ҳаётбахш.

Сўз туркумларида сўз ясалиш

Бир туркумдан бошқа туркумга оид сўз ясаш ҳодисаси тилда лексиканинг бойиш манбаларидан бири ҳисобланади.

Сўз ясалиш ҳодисаси туркумларга кўра таҳлил қилинганда, унинг турлича кўринишларини аниқлаш мумкин. Уларни қуйидагича гуруҳларга ажратса бўлади:

1) маълум туркумга оид сўздан аффиксация ҳамда композиция усуллари ёрдамида бошқа туркумга оид янги сўз ясалади;

2) маълум туркумга оид сўздан аффиксация ҳамда композиция усуллари ёрдамида шу туркумнинг ўзига оид янги сўз ясалади;

3) маълум туркумга оид сўзлар бошқа туркумдаги сўзлардан ҳамда шу туркумнинг ўзига оид сўзлардан ясалмайди;

4) янги сўз бошқа туркумга оид сўзлардан ҳамда шу туркумнинг ўзига оид сўзлардан ясалмайди, балки у тўғри маъноли турғун бирикмалар асосида ясалади.

1. Тилда маълум туркумдаги сўзлардан бошқа туркумга оид сўзларнинг ясалиши кўп учрайди. Бунда от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, тақлид ва ундов сўзлардан янги сўзлар ясалади. Лекин янги сўз ясалиши фақат, от, сифат, феъл, равиш туркумларигагина хосдир. Шу жиҳатдан қаралганда, сон, олмош, тақлид сўзлар ясалмайди.

Тилда от, сифат, феъл, равиш ясалишининг турли шакллари мавжуд:

От ясалиш таркиблари: *кес* (феъл) – *кесак* (от), *бир* (сон) – *бирлик* (от), *тез* (равиш) – *тезлик* (от), *шар-шар* (тақлидий сўз) – *шаршара* (от), *калта* (сифат) *кесак* (от) – *калтакесак* (от), *беш* (сон) + *бармоқ* (от) – *бешбармоқ* (от), *дунё* (от) + *қараш* (феъл) – *дунёқараш* (от), *беш* (сон) + *отар* (феъл) – *бешотар* (от) каби.

Сифат ясалиш таркиблари: *ёғ* (от) – *ёғли* (сифат), *бутун* (равиш), *бутунги* (сифат), *чуз* (феъл) – *чузиқ* (сифат), *эг* (феъл) – *эглик* (сифат), *юмала* (феъл) – *юмалоқ* (сифат); *бозор* (от) + *бол* (сифат) – *бозорбол* (сифат), *соф* (сифат) + *дил* (от) – *софдил* (сифат), *бола* (от) + *жов*

(от) – *болажон* (сифат), *кам* (равиш) + *гап* (от) – *камгап* (сифат), *гам* (от) + *хур* (феъл) – *гамхур* (сифат), *ҳам* (ёрдамчи сўз) + *дара* (от) – *ҳамдара* (сифат) каби.

Феъл ясалиш таркиблари: *арра* (от) – *аррала* (феъл), *текис* (сифат) – *текисла* (феъл), *секин* (равиш) – *секинла* (феъл), *дод* (ундов сўз) – *додламоқ* (феъл), *гумбур* (тақлид сўз) – *гумбурламоқ* (феъл), *якки* (сон) – *яккиланмоқ* (феъл), *сен* (олмош) – *сенсирamoқ* (феъл); *имзо* (от) + *чекмоқ* (феъл) – *имзо чекмоқ* (феъл), *касал* (сифат) + *булмоқ* (феъл) – *касал булмоқ* (феъл) каби.

Рабиш ясалиш таркиблари: *аскар* (от) – *аскарча* (равиш), *янги* (сифат) – *янгича* (равиш), *сиз* (олмош) – *сизча* (равиш), *югурган* (сифатдош) + *югурганча* (равиш), *қарагани* (равишдош) – *қараганча* (равиш), *бир* (сон) – *бирдек* (равиш), *ҳар + замон* (пайт маъносини билдирувчи сўз) – *ҳар замон* (равиш), *ҳеч + қачон* (сўроқ олмоши) + *ҳеч қачон* (равиш), *бир* (сон) + *ёққа* (урин маъносини билдирувчи сўз) – *бир ёққа* (равиш) каби.

2. Маълум туркумга оид сўздан шу туркумга оид янги сўз ясалиши ҳақида гапирилганда, аффиксация ҳамда композиция усулида, асосан, от, сифат, равиш туркумларидаги ясалишлар назарда тутилади. Чунки феъл туркумига оид янги сўз феълнинг ўзидан аффиксация усулида ясалмайди. Лекин феъл + феъл шаклида қўшма феъллар ясалади.

От ясалиш таркиблари *ашула* (от) – *ашулачи* (от), *гул* (от) – *гулзор* (от), *ўт* (от) – *ўтлоқ* (от); *бобо* (от) + *деҳқон* (от) – *бободеҳқон* (от), *зар* (от) + *кокил* (от) – *заркокил* (от) каби.

Сифат ясалиш таркиблари: *улуғ* (сифат) – *улуғвор* (сифат), *гайри* (сифат) + *табиий* (сифат) – *гайритабиий* (сифат) каби.

Рабиш ясалиш таркиблари: *ҳозир* (равиш) – *ҳозирча* (равиш), *қуш* (равиш) – *қушлаб* (равиш); *нари* (равиш) – *бери* (равиш) – *нари-бери* (равиш), *оддий* (равиш) – *кейин* (равиш) – *оддий-кейин* (равиш) каби.

Феъл ясалиш таркиблари: *сотиб* (феъл) + *олмоқ* (феъл) – *сотиб олмоқ* (феъл), *бориб* (феъл) + *келмоқ* (феъл) – *бориб_келмоқ* (феъл) каби.

3. Баъзи туркумга оид сўзлар бошқа туркумдаги сўزلардан ҳам, шу туркумнинг ўзидан ҳам аффиксация усулида ясалмайди. Буларга мустақил сўз туркумларидан олмош ва сон туркумларига оид сўзлар киради. Лекин тилда *йигирма беш*, *бир юз элляк беш* каби қўшма сонлар; *беш-олти*, *ун-унбеш* каби жуфт сонлар; *ҳар ким*, *ҳар нима*, *ҳеч нарса*, *баъзи бир* каби қўшма олмошлар мавжуд.

4. Сўз ясалишининг бу турида янги сўз аффиксация усулида ҳам, композиция усулида ҳам ясалмайди. Балки тўғри маъноли тургун бирикмаларнинг қисқариши асосида ясалади. Бунда аббревиация усулида сўз ясалади. Аббревиация усули ўзбек тилига рус тилидан утган бўлиб, от туркумига оид қисқартма сўзларни ясайди. Масалан, *Бирлашган Мил латлар Ташкилоти* (тўғри маъноли тургун бирикма) –

БМТ (қисқартма сўз), *Ўзбекистон Миллий Университети* (тўғри маъноли тургун бирикма) – *ЎзМУ* (қисқартма сўз) каби.

85- машқ. Қуйида берилган от туркумига оид сўзларни ясашиш таркибига кўра таҳлил қилинг.

1- топшириқ. Ясалманинг асос қисми қайси сўз туркумига оидлигини аниқланг ва уларни шу асосда гуруҳланг.

Намуна: *гул* (от) – *гулчи* (от);
бега (феъл) – *безак* (от);
шод (сифат) – *шодлик* (от);
кана (от) + *кунжут* (от); – *канакунжут* (от).

2- топшириқ. Ясовчи асоснинг туб, ясама, қўшма, жуфт турларини аниқланг.

Алоқачи, бичиқчи, газлама, иситма, бошқарувчи, бахтиёрлик, сиҳат-саломатлик, бизбизак, шаршара, истак, буйруқ, ётоқ, билим, босим, боғлам, тенглама, кенгашма, жамгарма, йигин, тугун, тўзон, тўсқин, тошқин, қирғич, ўчирғич, тутқич, қулдирғич, ювинди, йингинди, супурги, ургу, ботқоқ, югурдақ, қовурдоқ, беланчак, бекинмачоқ, бўғиз, кучат, ўтмиш, қўймоқ, синов, ёлгончи, қизилча, қуйқа, шодлик, арзончилик, бемаънигарчилик, тўртлик, яхшилик, тезлик, қўпчилик, борлик, йўқчилик, варрак, дардарак, тизза, асаларичи, атторлик, йигитчилик, асирдош, бодомзор, сиёҳдон, қумлоқ, боғбон, дўшпидўз, оромгоҳ, аждаргул, бойчечак, бешқарсак, гулчамбар, искабтопар, бўйўсар, кирювди, очилдастурхон.

86- машқ. Қуйида берилган сифат туркумига оид сўзларни ясашиш таркибига кўра таҳлил қилинг.

1- топшириқ. Ясалманинг асос қисми қайси сўз туркумига оидлигини аниқланг ва уларни шу асосда гуруҳланг.

Намуна: *уйин* (от) – *уйинчи* (сифат);
улуғ (сифат) – *улуғвор* (сифат);
тин (феъл) – *тиниқ* (сифат);
дил (от) + *хаста* (сифат) – *дилхаста* (сифат).

2- топшириқ. Ясовчи асоснинг туб, ясама, қўшма, жуфт турларини аниқланг.

3- топшириқ. Таркибида ўзгаришга учраган ясама сифатларни алоҳида кўчириб олинг ва қандай ўзгариш содир булганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Намуна: *сови* + *қ* – *совуқ*;

ачи + қ - аччиқ;

иси + қ - иссиқ.

Тунги, ёгли, серпул, беақл, уятчан, кулранг, латгачайнар, иккиюзлама, куйди-пишди, гавдали, одатдаги, томдаги, халқпарвар, мансабпараст, мазасиз, бадавлат, давлатманд, баобру, шаҳарлик, туҳматчи, ваҳимачи, ўйинчи, улугвор, жанговар, мардонавор, кучли, гавдали, севикли, сеvimли, ҳурматли, ёқимли, қиёматли, қўлли-оёқли, қаттиқ қўлли огир оёқли, оқ кўнгилли, пастлик, тепалик, чуқурлик, қиялик, гўдаклик, йигитлик, дидлик, темирчилик, тақачилик, одобсиз, ноўрин, бевақт, тонгги, бултурги, тушки, эрталабки, тиниқ, бузуқ, тетик, тўлиқ, титроқ, қўрқоқ, чўзиқ, илиқ, ёпиқ, синиқ, қолоқ, қочоқ, юмшоқ, янгроқ, совуқ, чучук, қуруқ, аччиқ, сассиқ, қаттиқ, иссиқ, бозорбоп, оммабоп, дилором, дилхаста, софдил, офатижон, камтап, нимжон, нимранг, хушманзара, хушфеъл, гамхўр, хушхўр, гайриқонуний, ҳамдард, ҳамнафас, иккиюзламачи.

87- машқ. Қуйида берилган феъл туркумига оид сўзларни ясашиш таркибига кўра таҳлил қилинг.

1- тошпириқ. Ясалманинг асос қисми қайси сўз туркумига оидлигини аниқланг ва уларни шу асосда гуруҳланг.

Намуна: *арра* (от) – *арраламоқ* (феъл);
оқ (сифат) – *оқламоқ* (феъл);
тез (равиш) – *тезламоқ* (феъл);
касал (от) + *булмоқ* (феъл); – *касал булмоқ* (феъл).

2- тошпириқ. Таркибида ўзгаришга учраган ясама феълларни алоҳида кўчириб олинг ва қандай ўзгариш содир бўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Ишлатмоқ, мойламоқ, рандаламоқ, тикламоқ, тозаламоқ, яхшиламоқ, секинламоқ, додламоқ, войвойламоқ, гумбурламоқ, тақирламоқ, лапангламоқ, отланмоқ, фойдаланмоқ, овқатланмоқ, аччиқланмоқ, сергакланмоқ, иккиланмоқ, секинланмоқ, тезланмоқ, яхшиланмоқ, ўткирланмоқ, завқланмоқ, ҳавотирланмоқ, қаноатланмоқ, дустлашмоқ, суҳбатлашмоқ, қийинлашмоқ, яқинлашмоқ, гувиламоқ, чирилламоқ, безилламоқ, ликилламоқ, ярқирамоқ, сирқирамоқ, мултирамоқ, ошамоқ, ўйнамоқ, бўшамоқ, қийнамоқ, шилдирамоқ, жилдирамоқ, пасаймоқ, қораймоқ, тораймоқ, кўшаймоқ, кукармоқ, эскирмоқ, сувсирамоқ, хавфсирамоқ, сенсирамоқ, сизсирамоқ, йўлиқмоқ, бирикмоқ, кечикмоқ, зўриқмоқ, бойимоқ, чангимоқ, тўлатмоқ, беркитмоқ, камситмоқ, бошқармоқ, йўқламоқ, ётсинмоқ, касал булмоқ, кашф этмоқ, баён қилмоқ, қўл қўймоқ, сотиб олмақ, бориб келмоқ, айтиб келмоқ.

88- машқ. Қуйида берилган равиш туркумига оид сўзларни ясаиш таркибига кўра таҳлил қилинг.

1- топшириқ. Ясалманинг асос қисми қайси туркумга оидлигини аниқланг ва уларни шу асосда гуруҳланг.

Намуна: *рус* (от) – *русча* (равиш);
сиз (олмош) – *сизча* (равиш);
дўст (сифат) – *дўстларча* (равиш).

2- топшириқ. Таркибида ўзгаришга учраган ясама равишларни алоҳида кўчириб олинг ва қандай ўзгариш содир бўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.

Дустча, ўзбекча, аввалгича, янгича, сизча, шунча, истаганча, югурганча, ҳозирча, кўпинча, кейинча, бизча, бизнингча, ўзича, мардларча, дўстларча, ўртоқларча, қадрдонларча, ваҳшийларча, деҳқончасига, очикчасига, узунасига, қаторасига, аскардек, яшиндай, бургутдек, бекорчидек, аввалгидек, бундай, шундай, ундай, сиздек, бирдек, билмагандек, ачингандек, йўқдай, шундоқ, шунақа, қушдайин, ойлаб, йиллаб, ҳарфлаб, битта-битталаб, куплаб, дўстона, камтарона, оқилона, маккорона, қисман, ҳақиқатан, фикран, виждонан, мажбуран, кечгача, яқингача, анчагача, ҳазилсимон, хафасимон, уялгансимон, олифтанамо, уялганнамо, бутунлай, ёшлай, эртан, кечин, остин-устян, ҳар томон, ҳар доим, ҳеч вақт, ҳеч қачон, бир йўла, бир оз, бир дам, такрор-такрор, тун-кун, эсон-омон, бийрон-бийрон, билинар-билимас, бора-бора, кўрар-кўрмас, нари-бери, бирин-кетин, унда-бунда, ўз-ўзидан, узидан-ўзи, бирма-бир, тақа-тақ, шартта-шартта.

Мундарижа

Фонетика	1
Фонетиканинг акустик жиҳати	1
Фонетиканинг физиологик-артикуляцион жиҳати	2
Нутқ товушларининг сўзни шакллантирувчилик ва маъно ажратувчилик жиҳати	3
Унли фонемалар таснифи	5
Унли фонемалар тавсифи	6
Ундош фонемалар таснифи	8
Сўз таркибидаги товуш узгаришлари	12
Бугин ва унинг турлари	14
Ургу	15
Интонация	16
Ёзув ҳақида маълумот	18
Фонема ва ҳарф	18
Ўзбек ёзуви тарихи	20
Лотин ёзувиغا асосланган янги ўзбек алифбосида фонемаларнинг ифодаланиши	23
Орфография	25
Унли фонемаларни ифодаловчи ҳарфлар имлоси	27
Ундош фонемаларни ифодаловчи баъзи ҳарфларнинг имлоси	30
Сўз қисмларининг имлоси	31
Қўшма сўзларнинг имлоси	34
Бугин кўчирилиши	37
Бош ҳарфлар имлоси	38
Лексикология	40
Сўз ва унинг асосий моҳияти	40
Сўзнинг семантик таркиби	42
Лексик маъно	43
Лексик маъно ва тушунча	43
Сўзнинг эмоционал-экспрессив ва услубий бўёғи	44
Лексик маъно ва лексик қўлаш	46
Бир маънолилиқ ва кўп маънолилиқ	47
Лексик маъно тараққиёти	49
Лексик маъно турлари	50
Синонимия	52
Сўзлар синонимияси	53
Омонимия	55
Сўзлар омонимияси	56
Антонимия	59
Сўзлар антонимияси	60
Фразеология	61
Иборанинг турлари	62
Пароним сўзлар	65
Ўзбек тили лексикасининг тараққиёти	66
Ҳозирги ўзбек тилининг лексик таркиби	69

Диалектизм	69
Касб-ҳунар лексикаси	70
Историзм	70
Архаизм	70
Неологизм.	71
Лексикография.	72
Морфемика. Сўзнинг морфемик таркиби	76
Сўзнинг морфемик таркибидаги ўзгаришлар.	78
Қўшимча морфемаларнинг турлари.	80
Сўз ясалиши.	84
Сўз ясалиш таркиби.	85
Сўз туркумларида сўз ясалиши.	88

24 - буюртма 500 нусха. Ҳажми 58 б.т.
2005 йил 1 мартда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.